

ЖҮРА САЪДУЛЛАЕВ

ОВЛОҚДАГИ

ХОҲАДОҲ



84
C-12

457/1

М. Савдугаев

Обязан

хондзон

3500с

2010 4

17/II - 109, 200

27/IV - 405

ЖўРА САЪДУЛЛАЕВ

ОВЛОҚДАГИ ХОНАДОН

(Детектив қисса)

457/1

25

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ-2010**

С 12 **Саъдуллаев, Жўра**

Овлоқдаги хонадон: Детектив қисса. — Т.: «Sharq», 2010. — 112 б.

Суронли бу ҳаётда одам боласининг боши сиру синоатлардан чиқмайди. Зеро, ҳаётнинг ўзи умр бўйи давом этадиган бир синов. Гап турли, баъзан унчалик оддий бўлмаган вазиятларда инсон ўзини қандай тутишида. Фақат тақдир синоатларига бардош бериб, ўзлигини йўқотмаган, сабр-қаноатли ва шижоатли одамларгина оғир қисматларни енгиб ўтиб, замондошлари учун умидбахш бир намуна бўлиб қола оладилар.

Ушбу детектив қисса оддий, лекин идрокли, иродали бир журналист ҳақида. У ҳаётнинг қалтис, ғавғоли бурилишларида ҳам асло ўзини йўқотмайди, умид билан яшайди ва мақсадига эришади.

ББК 84(5Ў)6.

ISBN 978-9943-00-566-2

© «Sharq» нашриёт-матбаа актидорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2010.

457/1

Ҳангисота АҚМ

Биринчи боб

1

— Сизни бош муҳаррир чақираяпти...

Ҳакимали ички телефон дастагини жойига қўйиб, ўрнидан оғир қўзғалди. Икки кундан буён тугата олмаётган мақоласининг ўчириб-чизиб ташланган саҳифалари стол устида ёйилганича қолаверди. Стулнинг гичирлаши ҳам ғашини келтирди. Уни деворга яқин суриб, эшик томон юрди.

Шу пайт шаҳар телефони устма-уст жиринглаб қолди. У йўлакдан ортга қайтди, шошилиб бориб, дастакни қўтарди.

— Эшитаман.

— Эсиздан чиқмасин, бугун акам тўй жўнатадилар-а!

Ҳамидаҳоннинг овози ёқимсиз, зуғумли эшитилди. Ҳакималидан садо чиқмади, дастакни жаҳл билан ўрнига ташлади:

— Ҳе, ока-покангни...

У шахдам-шахдам қадам ташлаб, йўлакка чиқди. Қабулхонада котиба чойни қайтариб турган экан, уни қўриб, ингичка қошларини чимирди: «Тезроқ кирақолинг, кутиб қолдилар». Унга кўзи тушиши билан бош муҳаррир ўрнидан енгил қўзғалди:

— Келинг, Ҳакимали ака, келинг, — деди сўрашгани қўл узатаётиб. — Ўзим чақирмасам, бундоқ кирай ҳам демайсиз.

— Ҳа, энди, Шодмон Ражабович, рўпарангизда ўтириб олиб, юз бора «шап-шап» деб гап сотгандан кўра, столингизга битта «мих»ни тап этиб қоқиб қўйган маъкул-ку, аслида.

Бош муҳаррир роҳатланиб кулди. Ҳакималининг қўлини қўйиб юбормай, бурчакдаги мўъжазгина, пастак столча атрофига қўйилган оромкурсилар томон юрди. Шу пайт эшик очилиб, чойнак-пиёла кўтарган котиба

кўринди. Кичкинагина, гулдор патнисни журнал столига қўйиб, секингина чиқиб кетди.

Оромкурсига ўтиргунича Ҳакималининг бўлари бўлди. Одатда, бурчакдаги суҳбат кўпинча ходимлар учун «хосиятсиз» бўларди. Бош муҳаррар бирор жиддий эътирози бўлса ёки мураккаб топшириқ хусусида сўзлашмоққа жазм қилса суҳбатдошини шу томонга олиб ўтар, бундай пайтларда, ҳатто тўрт рақамли телефон ҳам жирингламай қўярди.

Шуларни хаёлига келтириб, Ҳакималининг юраги орқасига тортиб кетди. Хотинининг ҳалиги дийдиёсини эслаб, яна сиқилди. Эрталаб ишга отланаётган пайтдаги жанжални эслади: «Шу кунгача бир қишлоққа ўтиб ҳам келмадик, бугун тўй-ку?!»

Мақолани эпақага келтиролмай, тунни бедор ўтказган Ҳакимали шу тобда галстугини боғлай олмасдан тажанг бўлиб турганди. «Қирқ кундан буён бир гап, — деб тўнғиллади. — Тўйга айтилдикми, борамиз». «Боришда ҳам бориш бор, — авжига чиқди Ҳамидахон. — Катта акам, ахир. Кенжатой-эркатойимизни уйлаяптилар. Барвақтроқ бориб, нима хизмат бор, деб ҳалигача сўрамадик».

Бу гап Ҳакималига оғир таънадек туюлди, портфелини стол устидан юлқиб олганича, худди кучли қўллар елкасидан итараётгандек ташқарига отилиб чиқиб кетди.

— Ҳа, хаёл суриб қолдингиз? — бош муҳаррирнинг саволи уни ҳушига келтирди. — Тинчликми, ака?

Пиёлага қўл узата туриб, Ҳакимали оғир тин олди, кейин оҳиста:

— Тинчлик, — деб қўйди.

Унинг руҳиятини сезиб, Шодмон Ражабович ўйла-ниб қолди. Бунини Ҳакимали ҳам сизди. У сергак тортиб, ўзини қўлга олди, иссиқ чойни икки хўплашда тугатиб, бўш пиёлани қайтарди.

Унинг ҳолатини кузатиб турган бош муҳаррир пиёлага яна чой қуяр экан:

— «Мих» қийин тобланаяптими? — деб сўради.

— Жуда... Лекин ҳозир топшираман.

Бу жавобнинг оҳанги бош муҳаррирга ёқмади. У бир оз ўйланиб ўтирди.

Ниҳоят, Шодмон Ражабович узил-кесил фикрга келди чамаси, бошини бир силкиб қўйди, тўзғиб, пешанасига тушиб қолган сочларини ўнг қўли билан тўғрилаб, текислади.

— Гап бундай, ака, — деди у Ҳакималининг кўзларига синовчан тикилиб. — Бир топшириқ бор. Буни бошқа ҳеч ким уддалай олмайди.

Ҳакимали қўлидаги пиёлани патнисга қўйиб, бош муҳаррирга қаради. Нигоҳлар тўқнашди. Шодмон Ражабовичнинг кўзлари ўйчан, жиддий эди. Буни кўриб, у тамомила сергак тортди.

— Эшитаман, Шодмонжон.

Басавлат, камгап бош муҳаррирдан таҳририятда ҳамма чўчиб юрар, фақат Ҳакималигина у билан муомалада ҳамиша ўзини эмин-эркин тутарди. Ҳатто йиғилишлар чоғида ҳам исмини айтиб, унга бемалол мурожаат қила оларди. Гоҳи пайтларда бир оз қизишиб, бирор ходимга танбеҳ бериб турган Шодмон Ражабович гапдан тўхтар, жаҳлдан титраб турган бармоқлари беихтиёр костюм ёқасини, галстукни тўғрилаган бўларди. Шу қисқа сонияда у ўзини бутунлай қўлга олиб, жаҳлдан тушар, йиғилиш аҳлига бир-бир кўз ташлаб қўярди-да, мутлақо бошқа гапларни бошлаб кетарди.

— Қўшқўргонни биласиз, — деди ниҳоят бош муҳаррир. — Ўша томонлардан бир хат олдик.

Қўшқўргон — олис Қоратоғнинг ичкарисидаги чекка бир туман. Ўша томонларда бир кон очилди-ю, номи етти иқлимга ёйилиб кетди. Тоғ оралатиб катта йўл қурилди.

Бош муҳаррир ўрнидан енгил кўзғалиб, иш столи устидан папкани қўлига олди, жойига қайтиб, уни Ҳакималига тутқазди.

— Воқеа ниҳоятда жиддий. Танишиб чиқиб, шуғуллансангиз. Эртага барвақт Рустамжон уйингизга боради. Сизни Қўшқўргонга етказиб қўяди.

Ҳакимали ялт этиб бош муҳаррирга қаради.

— Нима, бирор муаммо борми?

— Ҳомид ака келин тушираяптилар. Бугун — тўғим.

— Ие, ие, нега олдинроқ айтмадингиз, Ҳа қўлига ака? — бир оз ўпкаланди Шодмон Ражабович.

дан турди, иш столи томон бораётиб, хона ўртасида тўхтади. — Иш-иш деб, бош айланиб, умр ўтиб кетаяпти. Ҳомид оқсоқолни кўрмаганимга ҳам кўп бўлди. Демак, Комилжон уйланаёпти денг?

— Шундай.

— Кеч бўлса ҳам эшитганим яхши бўлди. Гап бундай: сиз ишингизни тезроқ тугатинг. Зумрадни олиб, уйингизга ўтамиз. Кенойим отланиб турсинлар. Қишлоққа бирга бориб, биз ҳам тўй муборак, деб келайлик. Ахир, у хонадонда озмунча туз ичдикми?

2

Ҳакимали хонасига қайтиб, папкани стол четига қўйди, ҳалиги чала ишни қўлига олди. У уч кун илгари Кўксой туманидан келган, ҳокимлик билан бир фермер ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар, қонунларнинг топталаётгани ҳақидаги мақолани деярли тугатаёзганди. Фақат якуний мулоҳазаларни ёзиб, оққа кўчиртириши керак эди.

У мақолани яна бир бошдан ўқишга киришди. Гоҳи жумлаларни таҳрир қилди. Энди якунини ёзиб тугатаётганида эшик очилиб, масъул котиб кўринди:

— Ҳакимали Қодирович, мақола битай деяптими?

— Ҳозир кўчиришга топшираман, Усмонжон.

— Яхши. Айтинг, дарҳол кўчириб беришсин. Иккинчи саҳифа ушланиб қолаяпти.

Мақолани кўчириш учун Шоҳидахонга топшириб, Ҳакимали компьютер хонасидан айвонга ўтди. Катта ром ойналар очиқ, салқин шабада эсиб турарди. У дераза яқинидаги ўриндиққа ўтирди, чўнтагидан сигарета қутисини чиқариб, у ёқ-бу ёғини кўздан кечирган бўлди, ҳафсаласизлик билан яна киссасига солаётганида айвонда адабиёт ва санъат бўлимининг мудир Раҳим Қўчқор пайдо бўлди:

— Сигаретдан борми, ока?

Ҳакимали кулимсираб, бир пачка сигаретни унга узатди. Шоир гугурт чиқариб, чақди, сигаретни чўшиб-чўзиб тортди, тутун исидан Ҳакималини йўтал тўтди.

— Кечиринг, ока, — деди-да, шоир сигарета қутисини ҳавода отиб-отиб ўйнаганича, йўлакка ўтди.

Ҳакимали очик деразадан рўпарадаги театр майдонини, сув отилиб, марварид томчилари ҳар ёққа сочилиб турган фавворани кузатишда давом этди. У ҳозиргина ёзиб тугатган мақоласини, Кўксойда кўрган-кечирганларини ўйлаб, узоқ ўтириб қолди. Ҳали бош муҳаррир уни тугатиш қийин бўлаяптими, деб сўраганидаёқ кўнгли бир орзиқиб тушганди. Демак, туманданми, вилоятданми, унга кўнғироқ қилишган. Ҳали Кўксойдалигидаёқ шундай бўлишини кўнгли сезганди. Қизиқ, нега Шодмонжон бу ҳақда гапирмади? Сафар қандай ўтди деб қизиқмади? Боз устига, янги топшириқ беришига нима дейсиз?

Бош муҳаррирдан топшириқ олгани хаёлига келиши билан Ҳакимали шошилиб қолди. Хонасига кириб, энди папкани очган эди, эшикда Раҳим Кўчқор пайдо бўлди:

— Бўридай ғажирдим тўрачиликни...

Ҳакимали кулди:

— Нима, овқат вақти бўлдими?

— Аллақачон, ока. Ҳамиша кечикиб, орқада судралиб юрасиз, — шоир иш столига яқинлашди-да, айёрона кулимсиради. — Темир сандиқни очасизми, ока?

— Раёйингизни қайтариб бўладими, Раҳимжон.

Ҳакимали стол тортмасидан сейф калитини олди. Кулф аллақандай куй оҳангида жаранглаб очилди. Раҳим Кўчқорнинг чехраси ёришиб кетди:

— Бай-бай, муסיқасининг ўзи бир олам-а!

Ҳакимали чинни пиёлаларни тўлдириб май қуйди.

— Рангини қаранг, рангини! — дерди шоир кафтларини бир-бирига ишқалаб. — Жилваси юракни ёндиради-я!

У шоша-пиша костюмининг ички чўнтагидан икки дона шоколад чиқарди. Ҳакимали унинг пиёласини иккинчи марта тўлдириб, шишани сейфга қўйди-да, калитни буради.

— Баҳай? — сўради кўзлари аланг-жаланг бўлиб шоир. — Ахир, неъмат устаси билан тотли эмасми?

— Бугун ишлар кўпроқ, Раҳимжон, — деди Ҳакимали оқ қоғоз устида турган шоколад бўлагини қўлига олаётиб. — Сиз бемалол.

— Нима, янги сафар тараддудими? — жиддийлашди шоир бўш пиёлани стол устига қўяётиб.

— Шундай, ука.

— Кўксой нима бўлди?

— Шоҳидахон кўчираяпти. Тушликдан кейин топшираман.

— «Бомба» ортингиздан портлар экан-да, а?

— Билмадим, билмадим.

— Портлайди. Албатта, портлайди. Бир тўполон кўтариладики! Ахир, қилгуликни қилган ҳокиму ҳукмдорлар жим ётишармиди? Уларнинг ҳам сўрайдиганлари бор, пушти-паноҳлари бор.

— Назаримда, бош муҳаррирга аллақачон қўнғироқ бўлганга ўхшайди.

— Бефойда! — деди Раҳим Қўчқор ишонч билан. — Биласиз-ку, Шодмон Ражабович бундай қўнғироқларга эътибор беравермайди.

— Яна ким билади.

Шоир боядан буён қўлида турган шоколадни оғзига солди.

— Болта тушгунича кунда дам олади, ока, — деди у Ҳакималининг тирсагидан тутиб. — Қани, кетдик. Сонияхонимнинг қарам шўрваси совиб қолмасин.

Сонияхон — босмаҳона ошпази. Матбаачилар у пиширган қарам шўрва ҳолсизга жон киритади, деб юришади. Бу аёл ошхонада қачон пайдо бўлиб қолганини ҳеч ким билмайди. Лекин катта шаҳарнинг чекка-чеккаларидан мазахўрақлар атайлаб матбаачилар ошхонасига қатнашади.

— Ҳа, акажоним, кўринмай қолдингиз? — сурма тортилган ингичка қошларини учириб сўради ошпаз аёл Ҳакималининг олдига буғ таратиб турган косани қўяётиб.

— Энди, Сония опа, шу десангиз, окангизнинг ошиқлари олчи, шу кезларда, — гапни илиб кетди шоир. — Совчилари, сўровчилари кўпайган. Бир ҳафта Кўксойда чўмилиб, жононалар билан куёшда тобланиб келдилар. Истироҳатлари обдон чўзилди.

Бу учирма гаплар гашига тегса ҳам Ҳакимали шоирнинг кайфиятини бузмади. Аксинча, сўз ўйинига ўзи ҳам қўшилди.

— Шундай жононаларки, шопмўйлов, хўппасемиз, олакўз...

Ошпаз аёл патнисини кўтариб, хандон ташлаб кулганича булардан узоқлашди.

Шоҳидаҳон кўтариб кирган мақоласини қўлига олиб, Ҳакимали хаёл сурганича бир оз ўтириб қолди. Бу орада масъул котиб икки марта эшикдан қараб қўйди. Учинчи келганида Ҳакимали мақолани ўқиб, биринчи саҳифанинг ўнг бурчагига имзо чекаётганини кўрди-да:

— Шодмон Ражабович шошираяптилар, — деганича олиб чиқиб кетди.

3

Телефон устма-уст жиринглаб қолди. Ҳакимали дастакни қулоғига тутмасидан Ҳамидаҳоннинг шанғиллаган овози эшитилди:

— Нима бўлди? Бундоқ телпон-пелпон қилиб, тинчитиб қўяй ҳам демайсиз?!

— Бўлди, бўлди. Ҳаммаси жойида. Сен отланиб тур. Ҳализамон Шодмонжону Зумрадхон билан етиб борамиз. Тўйга бирга ўтадиган бўлдик.

Бу гаплардан Ҳамидаҳон яйраб кетганини, кўзлари чақнаб, ҳузур қилиб эшитаётганини Ҳакимали тасаввур этиб турарди.

Улар турмуш қуришганига йигирма йил бўлаёзди, лекин Ҳамидаҳон ҳамон кап-катта қизалоққа ўхшайди. Сал нарса баҳона, пов этиб ёнади, етти маҳаллага эшиттириб йиғи-сиғи бошлайди. Гоҳи кезлари бетгачо-парлиги, ўринсиз таъна-дашномлари безор қилиб юборади. Бир пайтлари билиб-билмай, оқсоқол ҳам обдон ўтказган. У кезлари Ҳомид Кабирович туман ижроқўмида катта лавозимда, Ҳакимали эса эндигина университетни тугатиб, газетада иш бошлаганди.

Бир куни Ҳамидаҳон аразлаб уйига кетиб қолди. Ҳаммаси яна арзимас бир гапдан бошланди. Ҳакимали эрта тонг олис бир хўжаликка хизмат сафарига отланаётганди.

— Кўйлак қаерда? — сўради у папкасига керакли қоғозларни жойлаётиб.

— Ё тавба, — ҳовлидан хотинининг шанғиллаган овози эшитилди. — Минг йилдан буён қаерда турарди?

Ҳакимали оғир нафас олиб, кийим шкафини очди. Илгичда дазмолланмаган, ғижим-ғижим кўйлақни кўриб, у дафъатан шошилиб қолди. Диққати ошганича дазмолга қўл узатди. Кийиниб, папкасини кўтарганича ҳовлига тушаётганида ошхона томонидан Ҳамидаҳоннинг ўзича ўпкаланган овози эшитилди:

— Боядан буён оёғи куйган товукдай зир югураётгандингиз. Чойинг тайёрни деб қийин-қистовга олдингиз. Шунча вақтингиз бор экан-ку.

Дарвоза томон шошилинч бораётган Ҳакимали:

— Кўйлақни дазмоллаб қўйганингда, чой ҳам ичиларди, машинага ҳам кечикмасдим, — деб қўйди.

Хотинининг чакаги ҳали-бери тинмаслигини у яхши биларди. Шу сабаб Ҳакимали қадамини тезлатди, бекатга келиб тўхтаётган усти ёпиқ машина томон югурди.

Ўшанда Ҳакимали бир ўқитувчи билан ота-оналар ўртасидаги зиддиятли воқеа тафсилотларини сўраб-суриштириб, уч кун чекка бир қишлоқда қолиб кетди. Ишини тугатиб келса, ҳовли одамни ютгудек хувуллаб ётипти. Кетма-кет қўшни кампир селпиниб кириб келди.

— Болам, қаерларда юрибсиз? — сўради Сожида буви супа четига омонатгина ўтираётиб. — Бу ёқда Ҳамида тушмагур яна уйига кетиб қолди.

Шу пайт дарвоза томонида машина овози эшитилди. Сал ўтмай Ҳомид Кабирович ҳовлида пайдо бўлди.

— Ҳа, куёвбола, қаерларда тентираб юрибсиз шунча пайтдан буён? — заҳарханда қилди у Сожида бувига қиё ҳам боқмай.

Ҳе йўқ-бе йўқ, бу дағаллик Ҳакималининг зардасини қайнатди:

— Давлат иши сиз учун тентираш бўлса, обдон тентираб олай дедим-да.

— Ҳай, ҳай...

Ҳомид Кабирович бу товушга парво ҳам қилмади.

— Қадамингни билиб бос, бола! — деди у Ҳакималига яқин келиб. — Акс ҳолда...

— Оповси, бу бола олис йўлдан ҳориб, чарчаб, эндигина келиб турипти, — деди кампир ўтирган жойидан

қўзғалиб. — Ҳозир бунақанги гап-сўзларнинг мавриди эмас.

— Сиз кимсиз ўзи?! — кампирга ўдағайлади Ҳомид Кабирович. — Нега бошқаларнинг ишига аралашасиз?

Сожида буви дафъатан нима жавоб беришни билмай туриб қолди.

— Сожида буви онамиз бўладилар.

Ҳакималининг гапи оғзида қолди.

— Сени ким туққан ўзи?

Бу беандишалик Ҳакималининг тоқатини тоқ қилиб юборди. У Ҳомид Кабирович томон икки қадам ташлади:

— Ким туққанини кўрсатиб қўяйми?!

— Ҳой, Ҳакимжон болам, бу аччиқ қилса, сен енгиллик қилма, — кампир уларнинг ўртасида жовдираб туриб қолди. — Ке, қўй. Тортишма.

Ҳакимали ўзини босиб, супа томон юрди. Буни кўриб, қўшни кампир ҳам дарвоза йўлагига ўтди. Сожида буви чиқиб кетгач, Ҳомид Кабирович уни яна қийин-қистовга олди, ўзича насиҳат қилган бўлди. Ҳакимали жим, безътибор тураверди. Фақат бир марта оҳиста:

— Бу гапларни синглингизга уқтиринг, — деб қўйди, холос.

Гапира-гапира чарчади шекилли, охири Ҳомид Кабирович «Э-ээ!» деб қўл силтаганича ташқарига чиқиб кетди.

Йўл четига оппоқ «Нексия» келиб тўхтаганида, катта қозон машинага ортилган, ичкаридан думбадор қора кўчқорни етаклаб чиқишаётганди. Олдинги эшик очилиб, машинадан тушиб келаётган ўртаяшар кишига кўзи тушдию Ҳомид оқсоқол тараддудланди, ёнида ўтирган тўлагина кишини туртиб қўйди:

— Қаранг, оқсоқол, Шодмонжон-ку!

Икки қария меҳмонларга пешвоз чиқишди. Ҳомид оқсоқол уларни бир-бир бағрига босиб сўрашди.

— Тўй муборак, ота, — деди Шодмонжон оқсоқолнинг қўлига тўёнасини қистираётиб. — Келин бола изликутли келсин.

— Раҳмат, ўғлим, — оқсоқолнинг товуши титроқли чиқди.

Шу пайт орқада турган Зумрад чаққонгина яқинлашиб, ўнг қўлини оқсоқолнинг елкасига қўйди:

— Янги фарзанд муборак бўлсин, отажон.

Бу сўзлар оқсоқолнинг вужудини яна ёқимли титратиб ўтди. У Зумрад Ҳакимали талабалик йиллари бу уйда ижарада яшагани, ўзи шу хонадонга келин бўлиб тушганини унутмаганлигини англади. Гўшангадан чиқиб, илк бор ҳовлига тушганида Ҳомид оқсоқол: «Қизларим қатори энди сен ҳам қизим бўлдинг, фарзандим бўлдинг», — деб алқаганди.

Бу орада Тўра домла фотиҳа бериб, тўйни жўнаптишди. Қариялар мевалари шамалоқдек қизариб турган гилос соясига ўтишди, қатор ўриндиқларга ўтиришди.

4

— Шу ерда тўхтанг.

— Нима гап? — сўради Рустамжон машинани йўл чеккасига олиб.

— Мана, Қўшқўрғонга ҳам етиб келдик, — деди Ҳакимали машина эшигини очатуриб. — Энди сиз кеч қолманг, Рустамжон. Қайтаверинг.

Шофёрни кузатиб қўйиб, Ҳакимали нотаниш шаҳарча кўчаларини бир оз айланди. У кеча тўй-тўйлашиб, топшириқни қандай бажаришни режалаштириб олмаган, ҳатто аризани ҳам тузук-қуруқ ўқиб чиқмаганди.

Эрта билан келинни саломга олиб чиқишаётганида таҳририятнинг оппоқ «Нексия»си аллақачон Ҳомид оқсоқолнинг дарвозаси олдига етиб келганди. Рустамжонни қўярда-қўймай ичкарига олиб киришди. Ҳамидахон ҳовли тўридаги чорпояга дастурхон ёзди. Косаларда қайноқ ширчой қўйиб кетди. Кўп ўтмай бир лаган картошка қовуриб келтирди.

— Олинг, Рустамжон, — деди Ҳакимали овқатга қўл узатаётиб. — Йўл олис.

Йўл-йўлакай машинада Ҳакимали папкани қўлига олиб, шикоят хатини ўқиб чиқишга тараддудланди. Лекин фикрларини жамлай олмади, дастлаб адирларда ёйилиб юрган қўй-қўзилар, кейинроқ паст тушиб-юқори кўтарилаётган тоғ йўли унинг эътиборини жалб қилиб, хаёлини бўлаверди. Охири папкани ёнбошига ташлаб, атрофни мароқ билан томоша қилиб борди.

— Қаранг, ака, нағиғи беткайни ҳали қор босиб ётипти-я, — деди Рустамжон деразадан кираётган муздек ҳаводан завқланиб.

— Бу тоғлар сиру синоат макони, — деб қўйди Ҳакимали ҳам. — Бир томон қор, нарироқда энди дарахтлар куртак ёзаяпти. Бу ёқларда эса, ана, жанақи олмалар ранг олиб қолипти.

Катта бир тепаликни айланиб ўтаётиб, Рустамжон машинани тўхтатди:

— Шу яқин орада бир булоқ бор. Суви бирам мазали, бирам мазали.

Улар қирни ёнлаб хийла пастга тушишди. Яккам-дуккам арчалар қалинлашиб борди. Пастроқда йўғон бир арча, баъзи шоҳлари синиб, осилиб қолган.

— Булоқ мана шу ерда, ака.

Ер қаъридан бўртиб чиққан катта тошга яқинлашишди. Паст томонда, харсанг учидан тип-тиниқ томчилар силқиб чиқиб, чоғроқ ҳовузчага тушар, этакда бир жўлға сув сойга оқиб ётарди.

Ҳакимали ҳовучлаб сув ичди. Илиқ, ёқимли. У қояни кўздан кечира бошлади. Сув тош ёриқлари орасидан бодраб-бодраб чиқиб, ҳовузчага томиб турарди.

— Буни Қизбулоқ дейишади, — деди Рустамжон каттагина шиша идишга сув тўлдириб олаётиб. — Унинг қиссаси узун. Бувим ҳикоя қилиб берганлар.

Ҳакимали бу камгап йигитни янгидан кашф қилаётгандек эди. Ундаги қизиқиш Рустамжонни рағбатлантирди:

— Бир замонларда шу тепалик устида чоғроқ қатъа-шаҳарча бўлган экан, — ҳикоясини бошлади йигит. — Ёв босиб, вайрон қилипти. Қирқ қиз ёвуз душман қўлига тушишдан кўра пастдаги сойга ўзларини ташлашни афзал билиб, тунда шу томонга қочишипти. Лекин навкарлар мана шу жойда уларга етиб, ўраб олишипти. Қизлар бир-бирларига ёпишиб, фарёд кўтарганларича, ғужанак бўлиб туриб қолишипти. Уларнинг охи етиб, Аллоҳ шу туришларича харсангтошга айлантириб қўйипти. Бу томчилар бокира қизларнинг кўзёшларимиш...

Ҳакимали тошлар орасидан силқиб чиқаётган томчилардан кўз уза олмай узоқ туриб қолди. Шу тобда

жанг ҳайқириғи, йиқилаётган бинолар гулдуриси, қирқ қизнинг оҳу фиғонларини эшитаётгандек эди у гўё.

— Кетдикми, ака?

Рустамжоннинг шу саволи бўлмаганида Ҳакимали ҳали-бери учқур хаёлот гирдобидан қутула олмасди.

— Бувим шу булоқ сувидан ҳар йили икки-уч бор ичиб турадилар, — деди Рустамжон машина эшигини очаётиб. — Кўпдан буён вақтим бўлмаётганди. Оқшом бу сафардан хабар топиб, бирам енгил тортдим.

— Бувингиз неча ёшдалар?

— Худо етказса, шу куз юз ёшга тўладилар, — Рустамжон моторни ўт олдирди. — Тўй берамиз юртга.

— Ниятингизга етинглар.

— Раҳмат, ака.

Ўз хаёллари билан бўлиб, Ҳакимали чоғроқ бир майдонга чиқиб қолганини сезмади. Нариги бурчакда меҳмонхонага кўзи тушиб, енгил тортди. Катта ёшдаги бир киши эшик очди.

— Киринг, иним.

Ҳакимали салом берди, ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

— Янглишмасам, Қўшқўрғонда меҳмонга ўхшайсиз? — ташаббусни қўлига олди мўйсафид. — Менинг исмим — Мақсуд. Бу кеч шу ерга мутасаддиман. Бошпуртингизни берақолинг.

Мақсуд аканинг гапдонлиги Ҳакималига ёқди. Кўрсатилган жойларга имзо чекиб, торгина йўлакнинг нариги бошидаги хонага жойлашди. Мақсуд чироқни ёқиб, хонани кўздан кечириб чиққач, йўлакка ўтди.

— Иним, бир оз дам олиб туринг, — деди эшикни ёпиш олдиди. — Мен чой қўйиб юборай. Шўрва ҳам қайнаб турипти.

Ҳакимали костюмини девордаги илгакка илиб, стол ёнига ўтирди. Папкани очиб, шикоят хатини қўлига олди. Уни Нодира исмли келин ёзганди. Ҳарфлар чиройли, сатрлар бир текислигини кўриб, хат муаллифи хийла саводли эканлигини англади. Унинг ёзишича, Нодира қўшни тумандан Яккатутга келин бўлиб тушган, бу хонадонда ҳеч бир келин яйраб-яшнамаган, ҳатто овсини Гулбаҳор ўз жонига қасд қилиб, икки ой бурун бошига тушган азоблардан қутулиб кетган, ўзи

бўлса, қайнона маломатларига чидай олмай, тўрт ойлик ҳомиласи билан ота уйига кетишга мажбур бўлган.

— Ҳа, жа хаёлларга берилиб кетибсиз, меҳмон? — таажжубланди Мақсуд эшикни очганида ҳам, хонага кирганида ҳам қилт этмай ўтирган Ҳакималига яқинлашиб.

У бошини бир силкиб, хаёлларини қувган бўлди, ўрнидан қўзғалди. Деразага қараб, қоронғи тушиб қолганини пайқади.

— Ҳа, вақт алламаҳал бўлиб қолди, — деди Мақсуд. — Икки марта эшикдан мўраладим, илло сезмадингиз. Қани, юринг менинг кулбаи хонамга.

Қоровулхонага кириши билан турли зираворларнинг ҳиди Ҳакималининг димоғига урилди. Электр чойнак шақиллаб қайнаб турарди. Мақсуд чоғроқ стол устидаги сочиқни олди. Дастурхондаги майиз, қанд-курсга кўзи тушиб, Ҳакимали бир оз тараддудланди.

— Ўтиринг, иним.

Мақсуд чойни дамлади, қайтариб, бир пиёла қуйди, Ҳакималига узатди.

— Қишлоқ кичик, ҳамма бир-бирини яхши танийди, — деди мезбон косаларга шўрва сузаётиб, — Зерикканингдан гоҳи «дод» деворгинг келади. Сизни менга Худонинг ўзи етказди бу оқшом.

Овқат устида Ҳакимали Яккатут қишлоғи ҳақида сўраб қолди. Мақсуд кўлидаги қошиқни косага солиб, унга савол назари билан тикилди.

— Шу қишлоққа тегишли бир иш билан келгандим, — Ҳакимали бўш косага қайноқ чой қуйиб, икки айлантирди-да, бир кўтаришда ичиб юборди. — Эрта-мертан ўша томонларга ўтгим бор.

Мақсуд бўш косаларни дастурхондан олиб қўйди. Чойни янгилаб келгач:

— Яккатут Учсойнинг нариги томонида, қирқ километрча тоғ ичкарисиди.

Шундай деди-да, у яна меҳмонига синовчан тикилганича ўтириб қолди. Бундан Ҳакимали ўнғайсизланди. Орага тушган сукунат хийла узоқ давом этди. Сўбатга иштиёқи зўр бу одамнинг дабдурустан ўзгариши уни ҳайрон қолдирди.

— Энди, иним, маъзур кўрасиз, — ниҳоят гап бошлады Мақсуд салмоқланиб. — Ўзингиз ким бўласиз? Қандай шамоллар учирди биз томонларга?

Суҳбат оҳангидаги бу ўзгариш Ҳакималига ёқмади. У энсаси қотиб, қўлидаги чойи совиб қолган пиёлани дастурхонга қўйди. Ҳар ким ўз хаёли билан бўлиб, яна бир оз ўтиришди. Охири Мақсуднинг тоқати тоқ бўлиб, ўрнидан туриб кетди. Бир оз муддат меҳмонхона ҳовлисини айланиб юрди. Қайтиб хонага кирганида Ҳакимали ҳамон ҳалиги ҳолатда ўтирганини кўриб, кулгига олди:

— Ўзимни одамови десам, сиз мендан ҳам ўтган экансиз-ку, меҳмон. Ахир, биз катта шаҳарларда бўлмаймиз. Катта-кичик суҳбатидан йироқдамиз. Нима, бундоқ суҳбатлашиб ўтирсак, асакангиз кетадими?

Ҳакималининг чехрасида юмшоқ бир жилмайиш пайдо бўлди. У ўз шууридаги иккиланишни енгиб, гап оҳангига мос жавоб қилди:

— Яккатутни сўрасам, дамингиз ичингизга тушиб кетди. Кўзларингиздан алланимадан хавотирланаётганингизни сезиб, андак ўйланиб қолибман, кечиринг, ака.

— Энди Яккатутни эшитиб хавотирланганимнинг боиси бор, иним, — салмоқланди Мақсуд. — Икки йил бурун айна сиз сингари уч йигит бир кеча қўниб ўтди. Яккатутни сўраб-суриштиришди. Тушунтирдим. Ҳафта-ўн кун ўтмай бир милиционер уйимга кириб келса бўладими? Саволларидан тушундимки, баччағарлар Яккатутда бир заминдорни отиб кетишипти. Таъна-дашномлардан энди-энди қутулиб турибман, иним. Айтадилар-ку, оғзи куйган совуқ сувни ҳам пуфлаб ичади, деб.

Ҳакимали бу соддадил одамни ортиқ қийнамасликни лозим кўрди, ўзини танитди.

— Аввал бошдан шундай демайёизми, иним.

Мақсуд Яккатут қишлоғи, одамларнинг касб-кори ҳақида узоқ гапириб ўтирди.

— Қадим-қадимдан ўғрилар, қўрбошилар макони бўлган деб эшитганмиз, — деди пировардида. — У ёғи-афғон, тоғ оша бир кеча-кундузли йўл.

— Яккатутда Қоракарим деганни эшитганмисиз? — ички бир қизиқиш билан сўради Ҳакимали.

— Бу томонларда отнинг қашқаси-ку у.

— Хўш-хўш?

— Уч қиз, олти ўғли бор. Ҳозир ҳаммаси амалдор бўлиб кетган. Кичиги шу Қўшқўрғон мелиса идорасида. Катталари ҳам Тошкентдами, Самарқанд томонларда давлат ишида. Мирсолиси уч уйланган. Охирги хотини ўзини ўзи осиб қўйипти. Кенжаси яқинда иккинчи марта уйланди. Тўйи мана шу Қўшқўрғонга кираверишдаги катта чойхонада ўтди. Базмга нуқул погонлилар келди денг. Ҳаммаёқни мошин босиб кетди.

Мақсуд тўйни обдон таърифлади. Базм авжи қизиганида бир машинада икки-уч аёл келгани, катта жанжал кўтарилганини ҳам гапирди.

Тун ярмидан оғанида хонасига кириб ётган Ҳакимали узоқ ухлай олмади. Ҳаракат режаси бирмунча ойдинлашган, эрталаб туман идораларига учрашиб, терговчи билан суҳбатлашишни жазм қилганди. Лекин ўйлаб-ўйлаб, бу фикридан қайтди, аввал қўшни туманга ўтиб, Нодирани топишга, ҳамма нарсани ипидан-игнасигача суриштириб, аниқлаб олишга қарор қилди. Шу хаёллар билан кўзи илинди.

Иккинчи боб

1

Икки марта машина алмаштириб, ниҳоят, Ҳакимали кечки пайт Шўрчи овулига кириб борди. Сўраб-суриштириб, керакли уйни топди. Нодиранинг отаси — Абдуқодир дарвоза олдида турган нотаниш кишига бир қараб қўйди, аммо очиқ чеҳра билан ичкарига таклиф қилди.

Ховли этагидаги чоғроқ шийпонга чиқиб ўтиришгач, Ҳакимали кимлигини, мақсадини тушунтирди. У гап бошлаши билан Абдуқодир шошилиб:

— Ундоқ бўлса, озгина сабр қилинг, меҳмон, — деди. — Яхшиси Нодира билан онасини ҳам чақирай.

Дам ўтмай ҳамма тўпланди. Абдуқодир хонтахта келтириб ўртага қўйди. Ҳакимали рўпарасига келиб ўтирган Нодирага бир оз тикилиб турди.

452/1
ЗАПИСКИ
ДК

— Мен бирмунча муддат институтда дарс берганман, — деди Абдуқодир. — Бироқ отам ўтганларидан кейин қишлоққа қайтишга мажбур бўлдим. Шўрчида коллеж ўқитувчисиман.

У ёнидаги жувонга ўгирилди:

— Бу киши қизларимнинг онаси. Шу қишлоқ касалхонасида шифокор. Икки қизим турмуш қуриб кетишган, — шуларни айтиб, Абдуқодир кенжа қизига кўз ташлаб қўйди. — Нодирани биласиз.

— Хатим етиб боришига, бирор идора суриштиришига ишонмагандим, — деди Нодира тўлқинланиб. — Раҳмат, ака, шунча овора бўлибсиз.

— Ишимиз шундай, қизим, — деди Ҳакимали. — Аслида бу ерга энг кейин келишни ўйлагандим. Лекин Қўшқўрғонда бир кеча бўлиб, кўп гаплардан хабар топдим. Аввал сизлар билан учрашай дедим.

Бунни эшитиб, мезбонлар бараварига Ҳакималига қарашди.

— Шунча йўл босиб келибсиз, раҳмат, — деди Гуландом ўрнидан қўзғалиб. — Мен, ҳозир.

Дам ўтмай дастурхон ёзилди. Абдуқодир туриб, дарвозахона томонга ўтиб кетди.

— У киши коллежга бориб келадилар, — деди Гуландом қизи ёнига чойнакни қўйиб. — Қайтариб қуй, қизим. Мен қозонга уннай.

Бу кишилар Нодира билан хотиржам суҳбатлашиб олиши учун холи қолдиришганини Ҳакимали тушунди. Бир томони, бундан хурсанд ҳам бўлди.

Нодира чой қўйиб узатди. Ҳакимали пиёлани қўлига олаётиб, кеча хатини ўқиётганида кўнглидан ўтган фикрлар яна хаёлига келди. Ота-онасини кўриб, ўзи билан учрашиб, бу қизнинг одоби, ўзини тутиши хатини ўқиб туриб тасаввур қилганидан ҳам аъло эканлигини тушунди.

— Хатингиздан, Қўшқўрғонда эшитганларимдан шуни англаб етдимки, агар сиз исён кўтармаганингизда ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетаверарди. Журъатингизга, жасоратингизга балли. Одам ўз қадрини билиши, уни топташларига йўл қўймаслиги керак.

Бу гаплардан Нодира бир оз довдираб қолгандек бўлди, икки юзига нимтатир қизиллик югурди.

— Гулбаҳор опамлар кўзим ўнгида сўлиб, адойи-тамом бўлдилар, — деди оҳиста. — Улар опам ўзини ўзи осди, деб овоза тарқатишди. Мен бир нарсани сақлаб қўйганман. Ҳозир олиб чиқаман.

Нодира юқори уйдан елим пакет кўтариб тушди. Ундан буклоғлиқ матони чиқариб, икки учидан бармоқлари билан авайлаб ушлаганича ёйди. Оддийгина ёстиқ жилди. Унинг ўрта бетида сарғиш доғлар қотиб қолган. У ер-бу ерида қора-қизғиш нуқталар. Ҳакимали ҳеч нимани тушунмай, Нодирага савол назари билан қаради.

— Бу — парёстиқ жилди, — изоҳ берди у. — Эри шу билан Гулбаҳор опамнинг оғзини ёпиб, дамани ичига қайтариб ўлдирган. Ўша кеча уйқум ўчиб ҳовлига тушгандим. Гулбаҳор опамнинг хонаси томонидан биғиллаган товуш эшитдим. Деразага яқин бормоқчи эдим, кўрқдим. Эртасига жасадни олиб кетишганида хоналарига кирсам, иттифоқо токчада ётган ёстиққа кўзим тушди. Бу доғларни кўрдиму, ҳаммасини тушундим. Ахир, мен ҳамшираман, уни-буни идрок этаман.

— Тўхтанг, тўхтанг, нималар деяпсиз? — Ҳакимали шошилиб қолди. — Ахир, хонани милиция ходимлари кўздан кечиришмадими?

— Қаёқда. Улар келишганида Гулбаҳор опамни аллақачон хужрадан олиб чиқишган, бўйнида кесилган жилка билан айвонга ётқизиб қўйишганди.

— Йўғ-е!

— Мирсоли ака ички ишларда хизмат қилади, капитан унвони бор. Ҳаммасини ўзи тўғрилади. Гулбаҳор опамни айвонга ётқизиб, хизмат либосларини кийдида, машинасига ўтириб, ўзи туман марказига кетди. Икки соатларда милиция ходимлари билан «Тез ёрдам» машинасини олиб келди. Шундан кейин Чимбосдига, Гулбаҳор опамнинг ота-онасига хабар юборишди.

Ҳакимали Нодиранинг гапларини эшитиб ўтириб, тўғри шу ерга келганидан хурсанд бўлди. Туманда тегишли идораларга кирганида иш чувалашиб кетишига, ҳақиқатни ойдинлаштириш қийин бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

— Буни қарангки, мен уйга қайтиб келганимдан кейин бир ой ўтиб-ўтмай эримни уйлантириб қўйиш-

ди, — деди алам билан Нодира. — Уларда на ор бор, на номус. Пул бўлса, чангалда шўрва, дейди қайнонам. Уч қизнинг ҳар бири икки-уч мартадан турмуш қурган. Олти ўғилли хонадонга олдинма-кетин тўққиз келин тушган. Фақат тўнғич ўғил — Наби ака билан учинчи ўғил — Қаюм ака вақтида уй олиб, Тошкентга кўчиб кетишган. Ёлғиз шулар кўз очиб кўрганлари билан яшашаяпти.

— Эрингиз уйланаётганда Қўшқўрғонга борган экансиз?

— Ҳа, бордим. Ҳали мен билан орани очиқ қилмай бошқа қизга уйланаётган йигитнинг кўзларига бир қарагим келди. Катта опам билан ойим бирга боришди. Кўзларига тушишимиз билан қайнэгачиларим бизга ёпишиб кетишди.

Дарвоза очилиб, Абдуқодир машинани олиб кираётганида Ҳакимали Нодира билан суҳбатлашиб бўлиб, боғ этагини айланиб юрган эди. Чойнакда чой, иккита пиёлани олиб, Абдуқодир ҳам шу томонга тушиб келди. Улар жилға бўйида қалин ўсган ажриқлар устига ёнбошлашди.

— Чимбосдига эрталаб ўтасизми? — сўради Абдуқодир Ҳакималининг режаларини билиб тургандай.

— Ҳа, барвақтроқ етиб борсам бас.

— Ўзим олиб бораман.

Бу гапни эшитиб, Ҳакимали ўйланиб қолди. У жилгадан кўз узмас, сув мавжлари ботаётган қуёш нурлари таъсирида ялт-юлт порлаб қўярди. Умр ҳам шундай, бир қарасанг — товланади, бир қарасанг — зимистон. Орада ер билан осмонча фарқ. Уни одамзоднинг ўзи келтириб чиқаради. Алламаҳалда юқоридан кечки овқатга чақириб қолишди.

2

Улар йўлга тушишганида осмон гумбази сурмаранг тортиб, тоғ этаклари энди-энди бўзариб, тонг отиб келаётган эди. Абдуқодир дарвозахонада машинасини ўт олдираётганида ичкаридан Гуландом гулли пакет кўтариб чиқди.

— Нонушта ҳам қилиб олмадинглар, — деди у пакетни орқа ўриндиққа жойлаётиб.

— Нонуштани Қизилсув бўйида қиламиз, — жавоб берди Абдуқодир. — Биласан-ку, йўл бўйида манзарали бир сайхон бор. Ўша жойда шу ёз бир тadbиркор қаҳвахона очган.

Ҳақимали Гуландом ва Нодира билан хайрлашди.

— У оила билан қандай боғланиб қолдинглар? — сўради Ҳақимали хийла пайт юришгач.

— Қандай илинтиришганини ўйлаб ҳали-ҳали ўйимга ета олмайман, — деди айланма йўлдан машинани эҳтиёткорлик билан бошқариб бораётган Абдуқодир. — Қишлоқларимиз бири-биридан жуда олисда. Яқинда шу ҳақда гап очилганида Гуландом айтиб қолди. Қўшқўрғон яқинида, тоғда қутқарувчилар мусобақаси ўтганида тиббиёт коллежи жамоасида Нодира ҳам борган экан. Машқ пайти милиция ходимлари орасида шу йигит ҳам бўлган. Шундан кейин Нодирани қидириб коллежга борадиган бўлиб қолган, уйга совчилар юборган. Ҳамма айб ўзимда, Яккатутга бир ўтмадим, яхшилаб сўраб-суриштирмадим. Бир-иккида келган совчиларга розилик бериб юбора қолдим.

— Маъзур тутинг, Абдуқодир, — деди Ҳақимали нуқулай бўлиб. — Мен бу ишда айбдорни изламоқчи эмасман. Тушуниб олай деяпман, холос.

Кейин яна ўз хаёллари билан бўлиб, бирмунча муддат жим борди, лекин кеча биринчи кўргандаёқ хаёлига келган фикрни айтмай туролмади.

— Гулдек бир қизнинг ҳаётини ўйлайман-да, энди.

— Менга ҳам шуниси алам қилади, ака, — қўшилди Абдуқодир. — Ҳар қалай вақтида кўзимиз очилганига шукр қиламан. Нодирани анча ўзига келиб қолганида кўрдингиз. Ўша Яккатутда, қишлоқ шифохонасида ишлай бошлаганди. Салдан кейин уйда ўтқазиб қўйишди. Хонадондаги ҳангомалардан эси оғиб қолаёзганди болагинамнинг. Овсини бошига тушган фожиадан кейин бу ҳам ёмон аҳволда қолди. Бир куни онаси билан кўргани борсак, афти-ангорига қараб бўлмайди. Ҳаммаёғи моматалоқ бўлиб кетипти. Қайнота-қайнона бир овоздан: «Кеча кечаси зинадан учиб кетди», — дейишди. Куёв ишда экан. Машинага ўтқаздимۇ Қўшқўрғонга, туман шифохонасига олиб тушдим. Шифо-

корлар кўриб, болагинамга ачиниб кетишди. Аҳволини хужжатлаштириб, ўзини палатага ётқизиб қўйишди.

— Ўша хужжат сақланиб қолганми?

— Бир нусха кўчиртириб олганман.

Шундай деди-да, Абдуқодир костюмининг ички чўнтагидан тўрт букланган қоғозни чиқариб, узатди. Ҳа-кимали уни ўқиб, яна хаёл суриб кетди. Олисда, анча пастда йўл бўйида бир иморатнинг оқ тунукаси ярқираб кўринди.

— Айтган қаҳвахонам шу, — деди Абдуқодир ва қўшиб қўйди. — Ўша кеч қайнонаси ғиди-биди қилиб, яна жанжал бошлаган. Ичкарида телевизор томоша қилиб ўтирган куёв жаҳл билан келиб, ошхонада идиш-товоқ юваётган Нодирани обдон калтаклаган.

— Нимадан жанжал чиқаради, ахир? — тушуна олмади Ҳакимали.

— Э, ака, баҳона топилади. Айниқса, бундай аёлга. Яхшиси, мен гапирмай, сиз эшитманг. Эрта-индин ўзингиз кўриб, суҳбатлашасиз. Ўшанда ҳаммасини тушуниб оласиз.

Бу орада машина қаҳвахонага яқинлашиб борди. Уни чоғроқ майдонга қўйиб, Абдуқодир гулдор пакетга қўл узатди. Машинани қулфлаб, қаҳвахона айвонига яқинлашишди. Ичкаридан басавлат бир мўйсафид чиқиб кутиб олди.

— Ҳошимжон, ўғлим, меҳмонларни юқори айвонга олиб чиқ, — деди ўзи билан изма-из келган йигитга. — Акаларинг дарани кўриб, бир роҳатланишсин.

Ҳали вақт эрта бўлгани учун қаҳвахонада ҳеч ким йўқ, каттагина зал хувиллаб турарди. Уни кесиб ўтиб, йигит буларни айланма зина томон бошлади. Юқорига чиқиб, Ҳакималининг оғзи очилиб қолди. Ғир-ғир шабада эсиб турар, еттита устунга қўндирилган шийпондан чор атрофда бири-биридан гўзал манзаралар кўзга ташланарди.

— Мана бу жойга ўтиринглар, акалар, — деди йигит ва ўнг билагидаги оппоқ дастурхонни стол устига ёзди. — Хўш, нима буюрасизлар?

— Олдин чой беринг, ука, — деди Абдуқодир. — Бирор соатдан кейин ҳалиги димламаларингиз бор-ку...

— Тушундим, ака.

Чой келтиришгунича Абдуқодир пакетдан икки дона нон, мўъжазгина шиша идишда асал, беш-олти дона олмани олиб, дастурхонга қўйди. Нонлардан бирини ушатиб, пиёлаларга чой қўйди. Атрофни хушбўй ҳид тутиб кетди.

— Бундай чойни фақат шу ерда ичасиз, ака, — изоҳ берди Абдуқодир. — Ҳожи отанинг ўзлари мана шу тоғлардан териб тушган ўтларидан дамланади бу чой.

Ҳакимали бир ҳўплаган эди, аъзои баданини ёқимли бир жимирлаш селпиб ўтди. Икки-уч пиёладан кейин вужудида аллақандай енгиллик сезиб, ҳузур билан, роҳатланиб нафас ола бошлади.

— Қани, асалдан ҳам олинг, бўлмаса, бу чой ичингизни таталаб юборади, — деди кичкина қошиққа ишора қилиб Абдуқодир. — Нонга ҳам қараб қўйинг.

Ҳакималига шундай оддий, дўлвори муомала ёқарди. Унинг кўнгли ёришиб кетди.

Бир қошиқ асални чойга солмоқчи эди, Абдуқодир ҳай-ҳайлаб қолди:

— Асални асло чойга қўшманг. Аввал уни бир ялаб кўринг, ака. Етти мучангиз мазасини сезади шунда.

— Энди, биз шаҳарлигимизга борамиз-да, — кулди Ҳакимали. — Ялаб тўйиб бўладими деймизу, асал деганни чойга, сутга қўшиб, қулт-қулт ютамиз-қўямиз-да.

Абдуқодир яйраб-яйраб, шарақлаб кулди. Майин шабада, ширин бу суҳбат, чор атрофдаги гўзал манзаралар, тоғ чўққиларида ярқираб турган оппоқ қор, ҳамма-ҳаммаси Ҳакималига бир хаёлотдай туюларди. Асал идишга яна қошиқ ботираётиб, Абдуқодирга бир қараб қўйди. У олис-олисларга, даранинг нариги ёнбағирларига тикилганича хаёл суриб ўтирарди. Қошиқни оғзига олиб бораётиб, ўзи ҳам ўша томонлардан кўз узолмай қолди. Баланд-баланд дарахтлар бир сафга тизилгандек эди. Қизик, худди ип тортиб экилганга ўхшайди, кўнглидан ўтказди Ҳакимали.

— Тўғри топдингиз. Ривоят қилишларича, чинор кўчатларини олис-олис юртлардан олиб келиб, ип тортиб экишган экан. Шоҳ Искандар шундай буюрган экан. Яна ривоят қилишларича, бу томонларда тоғли қабилалар фотиҳ қўшинларига қаттиқ қаршилиқ кўр-

сатишган, уларни дарага киритишмаган. Охири Искандар ҳалок бўлганларни тўплаб, бир жойга дафн қилишга буюрган. Катта бир тепалик ҳали ҳам сақланган эмиш. Фотиҳтепа дейишаркан. Шоҳ Искандар ҳалок бўлган ҳар бир жангчиси учун биттадан чинор эктирган экан. Ҳеч ким бу чинорларни санаб саноғига ета олмаган дейишади. Ўсади, синади, илдизидан яна ўсиб чиқаверади.

Шу пайт қаҳвахона хизматчиси патнисда иккита кўзача кўтариб келди. Ҳақимали ёрдамлашмоқчи бўлиб қўл чўзган эди, Абдуқодир яна ҳай-ҳайлаб қолди:

— Шошманг, ака, — деди у. — Сал бўлмаса бармоқларингиз кўза сиртига ёпишиб қоларди-я.

Йигит бармоқларига кийиб олган қўлқопга кўзи тушиб, Ҳақимали яна ҳайрон бўлди. Оқ тақсимчага қўйилган кўзачадан таралаётган ҳарорат юзига урилгач, у ҳаммасини тушунди. Масаллиқларни солиб, кўзачаларни печга қўйишар экан-да, ўйлади у.

— Келинг, ўзим ёрдамлашиб юборақолай, — Абдуқодир қўлига сочиқ олиб, кўзачанинг сопол қопқоғини кўтарди. Ундан ҳовур таралиб, кишига хуш ёқадиган бир ҳид атрофни тутиб кетди. Косалардан бирини яқинроқ қўйиб, кўзачадаги овқатни унга ағдарди.

— Буни емабсиз — дунёга келмабсиз, — деди Абдуқодир косани Ҳақималининг олдига суриб қўяётиб. — Олинг, ош бўлсин.

3

Чимбосдида Гулбаҳорларнинг уйини топиш қийин бўлмади. Унинг исмини эшитиши билан каттаю кичик хомуш тортиб қолар, индамайгина йўл кўрсатиб юборарди.

— Айтишларича, Гулбаҳор ниҳоятда гўзал, доно бир қиз бўлган экан, — деди машинасини ён кўчага бураётиб Абдуқодир. — Шеърлари газета-журналларда ҳам чиққан экан. Дутор чалиб, қўшиқ бошласа, бутун маҳалла шу ҳовлига йиғилиб келаркан. Нима бўлган, нега шундай қизни ўлдиришди, ҳали-ҳали тушуна олмайман.

Абдуқодир машинани кўк рангли катта дарвоза рўпарасида тўхтатди. Улар тушиб улгуришмасидан дар-

воза қатидаги чоғроқ эшик очилиб, бир бола чиқиб келди, қўлини кўксига қўйиб, салом берди.

— Акрамҳожидан ота уйдадилар?

Бола «ҳа» деганича ичкарига талпинди. Ҳовлидан унинг: «Ота, сизни сўрашяпти», — деган овози эшитилди. Дам ўтмай, яктаги барини белбоғига қистириб олган олтмиш-олтмиш беш ёшлардаги бир киши эшикдан чиқиб келди. Буларни кўриб, этагини туширди, қоқиб-қоқиб қўйди. Белбоғини ечиб, қўлларини артди.

— Келинлар, азизлар, — дея сўрашгани қўл узатди. — Қани, ичкарига марҳамат қилинлар, — шундай дея, ичкаридан мўралаб турган ҳалиги болага буюрди. — Айтинг, юқори уйга жой солишсин.

Абдуқодир ҳали гузарда нон, қанд-курс тўлдириб олган пакетга қўл узатди. Уни қўлтиқлаб, мўйсафид ортидан ичкарига кирди. Ҳакимали унга эргашди.

Кенг, баҳаво ҳовли. Улар келиши олдида ҳожи ота хомток қилаётган бўлса керак, сўри тагларида кўм-кўк новдалар, ток барглари сочилиб ётарди. Ичкари ҳовлидан супурги, эски бир сават кўтариб чиққан етти-саккиз ёшлардаги қиз меҳмонларга салом бериб, оёқ остини йиғиштиришга киришди. Ҳожи ота қумғонга қўл узатаётганига кўзи тушиб, Абдуқодир пакетни қизга тутқаздию, чаққон бориб, уни қўлига олди. Ҳожи ота қўлини ювиб, ичкаридан чиқиб келган ҳалиги қиз қўлидаги сочиқни олди. Ҳакимали қўлини ювиб, қумғонни олмоқчи эди, Абдуқодир қўймади.

— Сиз ўтаверинг, ака, мен ҳозир, — деб қўлларини, юзини юва бошлади.

Абдуқодир артиниб, сочиқни сўри бағазига илиб қўяётганида, нариги бурчакдаги уйдан бир келин чиқиб келди, салом берганича ичкари уйга ўтиб кетди. Ҳожи ота:

— Қани, йигитлар, бу ёққа, — деганича меҳмонларни ўша уйга бошлади.

Қуръон тиловат қилиниб, фотиҳа ўқилгач, дастурхон ёзилганича мезбон жимгина ўтирди. Чой киргач, нон ушатиб, пиёлаларга чой қўйиб узатди:

— Ҳуш келибсизлар, — деди ним таъзим қилиб.

— Хафа бўлмай юрибсизми, ҳожи ота? — ҳол сўради Абдуқодир.

— Сабр қилмай иложимиз қанча, Абдуқодир ука, — деди Ақромқожи қўлини кўксига қўйиб. Кейин Ҳакималига қараб туриб, оҳиста сўради. — Бу кишини таниёлмай турибман.

— Исмлари Ҳакимали, — деди Абдуқодир чойнакни ёнига олатуриб, — Тошкентдан келганлар.

Бу жавобни эшитиб, Ақромқожининг қизиқиши кучайди. Узатилган пиёладаги чойдан калта-калта ҳўплаганича Ҳакималига синовчан тикилиб ўтирди. У мақсадни ўзи тушунтиришни лозим кўрди.

— Мен газетаданман, қожи ака, — деди бўш пиёлани Абдуқодирга узатиб. — Идорамиз Яқкатутдаги воқеалар хусусида бир хат олганди. Топшириқ бўйича ўша ишларни ўрганиб, суриштириб юрибман.

Ақромқожининг юзига аламли бир изтироб кўланка ташлади. Лаби титраб, қалин қошлари учиб-учиб тушди. Лекин меҳмон ҳурмати ўзини кўлга олди. Босиб-босиб чой ичди. Охири ўнг қошини кўтариб, Ҳакималига бир оз муддат тикилиб турди, бир тўхтамга келди шекилли, аста ўрнидан кўзгалди, деразага яқинлашиб:

— Алибек, болам, ичкаридан бувингизни чақириб чиқинг, — деди.

Ички-ташқи ҳовли, ток сўрилар, бу хонадон аҳлининг ўзаро муомаласи, юриш-туриши, мана бу меҳмонхона нақшларига зингил солиб ўтирган Ҳакимали аста сўради:

— Узр, қожи ака, Фарғонанинг қайси туманидан-сизлар?

Қожи ота ялт этиб Ҳакималига қаради, унинг синчилигига лол қолганича, дераза олдида бир фурсат қимир этмай турди. Бу саволдан таажжубланиб, Абдуқодир ҳам рўпарасида ўтирган йўлдошидан кўз уза олмасди. Ниҳоят, мезбон келиб жойига ўтирди.

— Ўзим аниқ билмайман, аммо катта бувам Кўқон томонлардан юз эллик йилча илгари келиб қолган эканлар. Отамнинг айтганларига кўра, Кўқон хони Тошкентга қўшин тортганида бир навқар йигит шу қишлоқда, булоқ бўйида кўзага сув олаётган қизни учратгану унинг ишқида тоғу тошларга яшириниб, қўшиндан қолиб кетган.

Хонага қирқ беш-эллик ёшлардаги жувон кириб келди, ўтирганлар ўрниларидан туриб, салом беришди. Кўк духоба нимчада, бошига оқ шохи рўмол ташлаб олган.

— Хуш келибсизлар, — деди Абдуқодир узатган пиёлани олатуриб.

— Абдуқодирни бир-иккида кўргансиз, — деди ҳожи ота. — Бу иним эса Тошкентдан экан. Газетадан. Яккатутда бўлиб ўтган воқеаларни текшириб-суриштириб юрган экан.

Яккатут номини эшитиши билан аёлнинг кўзлари ёшланди:

— Оҳ, гулдайн сўлган Гулбаҳорим! — деди фиғон билан. — Қизимни ўлдиришди ноинсофлар, ёшгина умрини хазон қилишди. Қорнида беш ойлик ҳомиласи билан кетди болагинам.

Ҳожи ота ҳам қўлига рўмолча олгани, кўзёшларини аста-аста артиб ўтирганига кўзи тушиб, Ҳакимали эзилиб кетди. Шу аснода бу одамларга тасалли бергани сўз топа олмас, тили айланмай қолганди. Қандай қилсаки, уларга таскин берса, кўнгилларини кўтарса. Бироқ ҳозир жўяли бирор гап хаёлига келмасди.

Нихоят, Акрамҳожи ўзини қўлга олди:

— Энди йиги-сигидан фойда йўқ, — деди. — Мен ҳаж сафарида эдим. Бу шум хабар қишлоққа мен билан изма-из етиб келди. Мана, Башорат опангиз ҳамма гапни мендан яхши билади. Фақат шуни билиб қўйинглар: ўртанча ўғлим Тошканда, давлат хизматида. Гулбаҳорни жойига қўйиб келганимиздан кейин, кечки пайт у қудалар устидан жиноий иш қўзғатишдан гап очиб қолди. Локигин мен изн бермадим. Ҳаммаси Аллоҳдан, жазоларини Яратганнинг ўзи беради, дедим. Қолган гапларни бу кишидан эшитасиз.

Шундай деди-да, ҳожи фотиҳага қўл кўтариб, ўрнидан оғир қўзғалди, «Маъзур тутасиз, иниларим», — деганича хонадан чиқиб кетди.

— Ғам-алам эзиб қўйди бу кишини, — деди орага тушган сукунатни бузиб Башорат. — Тағинам фил экан, қақдини тутиб юрипти.

Тақдир синовлари қанчалар жафоли бўлиши мумкинлигини ўйлаб Ҳакимали жимгина ўтирарди. Ҳозир ҳар қандай савол ортиқча, бу аёл тўлиб-тошиб, ич-этини кемириб ётган дардларини кимга айтишни билмай юргани сезилиб турарди.

5

Башоратнинг ҳикояси чўзилиб кетди. Гап орасида у ичкари уйга кириб, оқ докага ўралган бир нарсани олиб чиқди. Тугунчани хонтахтанинг бир четига қўйиб, учларини ечди. Шунда аёлнинг бармоқлари титраб, икки кўзида ёш томчилари бодраб-бодраб кетди. Рўмол учи билан ёшларини артиб, тугунни ёзиб қўйди.

Кир осиладиган ингичка арқондан ясалган сиртмоқни кўриб, Ҳакимали ҳам, Абдуқодир ҳам эс-ҳушларини йўқотишди.

— Туман марказий шифохонасига етиб борганимизда, шу сиртмоқ Гулбаҳорнинг бўйнида экан. Бўлим бошлиғи уни чиқариб, бир четга отиб юборди, жасадни кўздан кечириб, далолатнома туза бошлади. Мен сиртмоқни олиб, рўмолчамга тутиб қўйдим. Қаранг, кесилган жойини. Пичоқ изи толаларга ботинқираб қолган. Арқонни совиб улгурган жасад бўйнидан ўтказишгану, кесиб олишган. Агар арқон Гулбаҳор сиртмоқда осилиб турганида кесилган бўлса, тортилиб турган арқон толалари ёйилиб кетмасмиди?

Башоратнинг сўзлари олис-олислардан эшитилаётгандек туюларди. Ҳакимали унинг фаросати, мулоҳазаларидаги мантиққа тан бериб ўтирар, ҳозирги эшитаётганлари Нодиранинг тусмоллари билан омухта бўлиб, унинг кўз ўнгида ўша машъум тундаги воқеа жонланиб борарди.

— Ўйлаб ҳамон ўйимга ета олмайман. Куёв Гулбаҳорни ёқтирмасди ёки Гулбаҳор эрига нисбатан бирор ножўя хатти-ҳаракатга йўл қўйган дея олмайман. Илгарилари Гулбаҳорни Мирсолининг ўзи ҳамиша машинада олиб келар, кун бўйи қариндош-уруғларни айланиб чиқишар, кечки пайт бирга кетишарди. Шу воқеадан уч ойлар илгари бундай келишлар тўхтади-қолди. Орада отангиз ҳаж сафарига отландилар. У киши йўлга жўнашлари олдидан Гулбаҳор етиб келди, ёнида эгачиси бор эди. У озиб-тўзиб кетган, боқишлари

хам аллақандай ғайритабиий эди.Отаси жұнаб, одамлар тарқалишгач, Гулбақор йўлга отлана бошлади.

— Ҳеч қаяққа бормаисан, — деди опаси. — Ақволингга бир қара. Ҳозир Олмаликқа олиб тушаман. Докторларга кўрсатаман. Ҳафта-ўн кун даволанасан.

Шу куни Гулбақорни шифохонага ётқиздик. Қизим Гулчеҳра кончилар шаҳарчасида яшайди, ўша шифохонада ҳамшира. Ўзи синглизининг ёнида ётиб юрди. Бешинчи куни Мирсоли бориб, шифокорларнинг эътирозларига қарамай, Гулбақорни олиб кетипти. Шундан кейин қизим Гулбақор ҳафта-ўн кун ҳам яшамади. Ўғлим ёки қизларим ҳар кун бориб туришди. Лекин бирор марта Гулбақор билан якка-ёлғиз гаплаша олишмади. Аёл қуда ёки эгачилари уни ҳеч ёлғиз қолдиришмас, ҳамиша гап пойлашарди. Охирги борганида Гулчеҳра опаси:

— Қани, Гулбақор, отлан, сени ўзим уйга олиб кетаман, — депти.

Дастурхон устида қайнонаси ўтирган экан, ўзимиз докторга қаратаяпмиз, деб бобиллаб берипти. Катта қизим бир оз терс, тутган жойидан кесади.

— Кимга қаратаяпсиз? Қандай қаратаяпсиз? — депти қудага. — Инсофларинг борми? Одаммисизлар ўзи? Ахир, кўзингиз кўр эмас-ку?! Ақволини қараңг. Жилла курса, ҳомиласига шафқат қилмайсизми?

Бу гаплардан кейин аёл қуда:

— Келин ҳеч қаяққа кетмайди, — деганича ташқарига чиқиб кетипти.

Шу аснода Гулбақор ётган жойидан бошини кўтариб, опасига шивирлапти:

— Буларнинг бир жиноятини эшитиб қолганман, шунга гувоҳман, опа. Мени асло бу хонадондан чиқаришмайди энди.

— Нималар деяпсан?! Қандай жиноят?!

— Сиз сўраманг, мен айтмай, — депти Гулбақор ёстикқа бошини қўяётиб. — Менинг чеккан азобларим етар, сиз бу ердан тезроқ кетинг. Бошимга тушганини кўраман энди.

— Эрталаб аканг иккимиз келиб олиб кетамиз.

— Айтдим-ку, келин ҳеч ерга бормади, — деди шу аснода остонада пайдо бўлган қайнона. — Қўйиб бердим, кўп вақиллашдингиз, қани энди туринг.

Башорат энтикиб, оғир-оғир нафас ола бошлади. Абдуқодир аллақачон совиб қолган чойдан қуйиб узатди, кейин чойнакни кўтариб чиқиб кетди. Аёл рўмолчаси билан елпиниб узоқ ўтирди. Бир-икки пиёла қайноқ чойдан ичиб, хийла ўзига келди.

Эртасига Абдуқодир Ҳакималини кончилар шаҳарчасига олиб тушди. Гулчеҳра ишда экан. Шифохона ҳовлисидаги айвончада узоқ суҳбатлашишди. У ҳам олдинига йиғи-сиғи қилди. Бироқ Ҳакималини қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.

— Синглингиз бир жиноят ҳақида гапирган экан? — сўради у Гулчеҳра ҳикоясини тугатгач. — Нимани назарда тутган экан, айтолмайсизми?

— Йўқ, — деди Гулчеҳра. — Шунча сўрадим, Гулбаҳор айтмади. Дарди, гапини ўзи билан гўрга олиб кетди.

— Қизиқ, бу хонадон қандайдир сиру синоатларга тўла, — деди Абдуқодир ўйчан. — Нодира бир гапида қайнотасининг қизиқ-қизиқ одатларини гапирганди. Ҳатто аллақаерга кўнғироқ қилса, қишлоққа вертолёт ҳам келиб кўнармишми-ей.

— Буни мен ҳам эшитганман, — қўшилди Гулчеҳра.

— Қандай вертолёт?

— Билмадим, ака, — Гулчеҳра бир оз ўйланиб ўтирди, кейин оҳиста қўшиб қўйди. — Улар Олмониядан иккита катта-катта юк машинаси буюртириб олишган. Тиркамалари ҳам бор. Гулбаҳор бу машиналар Россияга, Европага қатнайди деганди. Қўшни туманлардан вақти-вақти билан карам, помидор, гилос, олма-узум ортишаркан.

Уйда катта келин бор. Иккинчи ўғил — Маҳмуднинг аёли. Қачон борсам, боғдами, ошхонадами, куймалангани куймаланган. Бир дастурхон атрофида ўтирганини ҳеч қачон кўрмаганман. Бир-иккида гапга солай десам, оғзидан садо чиқмайди. Афтингизга қараб, бақрайиб тураверади.

Гулчеҳра гапдан тўхтаб, чамаси, ўша учрашувларни эслади шекилли, хаёлчан ўтириб қолди. Кейин кутилмаганда:

— Бирам гўзал-бирам гўзал, — деб қўйди. — Университетда ўқиётганида Маҳмуд унга ўйланиб, ўқишни би-

тиргач, қишлоққа олиб келган экан. Гулбаҳорнинг айтишича, Маҳмуд ҳозир Тошкентда, катта лавозимдамиш, иккинчи хотини билан яшармиш. Яккатутга гоҳи-гоҳи келиб-кетаркан.

— Энди буёғини эшитинг, ака, — деди Гулчеҳра ва Абдуқодирга мурожаат қилиб, сўзини давом эттирди. — Тўғри айтдингиз, бу хонадон ниҳоят сирли-синаотли. Ахир, синглимни гўёки осилиб турган жойидан тушириб олган, шу ҳақда далолатнома тузган милиция ходими кўп ўтмай, куппа-кундуз куни мотоцикли билан тракторнинг тагига кириб кетганига нима дейсиз? Икки кун бўлди, иш билан Қўшқўрғонга, туман шифохонасига ўтгандим. Бир гапни эшитиб, қарахт бўлиб қолдим. Ҳали ҳам ўзимга кела олмаяпман. Гулбаҳорнинг жасадини кўздан кечириб, осилиб ўлгани ҳақида суд-тиббий далолатномасини тузган эксперт — бўлим мудир шундай касалхона яқинида, муюлишда рулни бошқара олмай қолипти. Жарликка тушиб кетибди. Касалхонадан «тез ёрдам» ходимлари етиб боришгунича машина ёниб бўлипти.

Даврадагиларнинг ҳар бири ўз хаёллари билан бўлиб, узоқ ўтириб қолди.

Хийла фурсат ўтгач, Абдуқодир секингина:

— Мен бу гаплардан хабарсиз эдим, — деб қўйди.

Учинчи боб

1

Абдуқодир машинасини туман марказий шифохонасидан анча нарида тўхтатди.

— Шу ерда хайрлашсак, — деди Ҳакимали. — Машинадан тушманг. Бу томонларда ишларимни тугатиб, ўзим сизни топаман. Ҳар эҳтимол айтиб қўяй: уч кун ичида етиб бора олмасам, Тошкентга тушасиз, таҳририятда мен бўлмасам Шодмон Ражабовичга мана шу папкани топширасиз.

Оқшом Ҳакимали баъзи ҳужжатлар, тушунтириш хатлари, ёстиқ жилди, сиртмоқни қора папкасига жойлаётганига кўзи тушгани учун Абдуқодир ортиқча сурштириб ўтирмади, папкани ўз ўриндиғи тагига

авайлаб жойлаштирди. Кейин ёнида ўтирган Ҳакималига:

— Биласизми, ака, асло ёлғиз қолдириб кетгим йўқ, — деди.

У шунчалик қатъий гапирдики, беихтиёр Ҳакимали ҳам ўйланиб қолди. Охири розилик беришдан бошқа чораси йўқлигини тушунди.

— Эҳтимол, ҳақдирсиз, — деди машина эшигини очар экан, ички бир мамнуният билан. — Бўлмаса, меҳмонхонага боринг, қоровул Мақсуд акага учрашинг. Мен тўрт-беш кунга бир хонани банд қилиб, ҳисоб-китобини тўғрилаб қўйганман. Мени айтинг, хона эшигини очиб беради. Аммо машинани бежавотирроқ жойга қўйинг. Ҳамиша кўз ўнгингизда бўлсин.

Абдуқодир жўнаб кетгач, Ҳакимали аста-аста юриб, шифохона ҳовлисига кирди. Қоровулдан бош шифокор хонаси қаерда эканлигини сўради.

— Шаҳноза, — деди қоровул дарвозадан ўтиб бораётган оқ халатли қизга, — бу киши Дилбар Раҳимовнани сўраяптилар, қабулхонага бошлаб бор.

Қабулхонада икки-уч одам тўпланиб қолганини кўриб, Ҳакимали котиба қизга ҳужжатини кўрсатди, ичкарига кириб, бош шифокорга айтишини сўради.

Дам ўтмай, оқ халат, бошига кўкиш қалпоқ кийган кўҳликкина аёл чиқиб келди, сўрашгани Ҳакималига қўл узатди.

— Киринг, — деди ва ўтирганларга илтимос оҳангида мурожаат қилди. — Бирор фурсатдан кейин сизларни ўзим чақиртираман. Ҳозир ишларингизга бораверинг.

Ҳакимали мақсадини тушунтирди, бош шифокор кимгадир қўнғироқ қилиб, марҳума Акрамовага тегишли ҳужжатларни олиб киришни буюрди.

— Ҳайронман, — деди Дилбар Раҳимовна ўйчан бир алфозда. — Ёшгина келин, ҳомиласини кўзи қийиб, ўз жонига қасд қилишини асло тушуна олмайман, — Ҳакимали жимгина эшитаётганини кузатиб, у мулоҳазаларини давом эттирди. — Жасадни очиш ҳам бирор асосли натижа бермаган. Мен иш бошлаганимдан кейин ҳамма ҳужжатларни, марҳуманинг тиббий дафтарчасини алоҳида ўрганиб чиқдим. Ҳеч қачон бирор оғриқ ёки дарддан шикоят қилмаган.

Эшикда котиба кўринди:

— Ҳошим Набиевич келдилар.

Хонага баланд бўйли, қотмагина бир киши кириб, ўзини туман суд-тиббий эксперти деб таништирди. Дилбар Раҳимовна ҳужжатларга бир қур кўз ташлаб, бирин-кетин Ҳакималининг олдига қўя бошлади. Бир даста папкалар, энли-энсиз дафтарларга қараб турди-да, у бош шифокорга мурожаат қилди:

— Дилбархон, биламан, ишингиз ҳамиша тикилинч. Яхшиси, биз Ҳошимжоннинг хонасида ишлай қолайлик. Кейин, хулосаларга қараб, учаламиз бир тўхтамга келамиз.

— Маъқул, — деди бош шифокор ва уларни қабулхонага кузатиб чиқди.

2

Суд-тиббий экспертизаси ҳовлининг узоқ бир чеккасидаги кўримсизгина бинога жойлашган экан. Торгина йўлакдан ўтиб бораётиб, Ҳакимали оёқ остида чириган тахталарнингғижирлашига эътибор берди.

— Ишимизнинг ўзи кўнгилсиз, — деди Ҳошимжон хона бурчагидаги шалоқ стол ортига ўтаётиб. — Жиҳозларимиз ҳам шунга яраша, ака. Ўзи дуо кетганми, илгариги иш жойим — вилоят суд-тиббий экспертизаси идорасида ҳам аҳвол шу эди.

Ҳакимали ҳужжатлар билан таниша бошлади. Баъзиларидан ксеронусхалар сўради. Участка шифокори тўлдирган тиббий ёрдамлар ҳақидаги дафтарни қўлига олди. Уни икки марта варақлаб чиқди, охири кўзлари жимираб кетди, боши айлангандек бўлди. Кундалик юмушлари билан банд бўлиб, кириб-чиқиб юрган Ҳошимжонга ўгирилиб:

— Шу атрофда бирор ошхонами, қаҳвахонами бордир? — деб сўради.

— Кечирасиз, ака, — деди эксперт шошилганича. — Қани, чиқдик. Шундоққина рўпарамизда «Роҳат» қаҳвахонаси бор.

Ҳакимали ксеронусхаларга қўшиб, шахсий-тиббий ёрдам дафтарчасини ҳам папкага солаётганига кўзи тушиб, Ҳошимжон ҳайрон бўлаётганини сизди.

— Папкада бўлгани дурусут ҳозирча, — деди уни тинчлантириш учун. — Келамизу иш бошлаймиз.

— Хонада ҳамшира ўтиради-ку? — ошкора таажжубланди Ҳошимжон. — Унда калит бор.

— Ҳамшира ҳам биздақа одам, қачон чиқади, қачон келади, билиб бўладими? Овқатдан қайтсак, эшик ёпиқ бўлса, уни кутиб, бекорга вақтимиз кетади. Ўзимизда бўлса, келамизу бошқа хонадами, йўлақдами, ишлай-верамиз.

— Майлингиз, — деди Ҳошимжон ноилож.

Ҳошимжон гапдонгина экан, овқат устида оғзи тинмади. Ишга яқинда тайинланганини, янги жойга энди-энди кўникаётганию хотини Қўшқўргонга кўчиб келмоқчи эмаслигини ҳам тўкиб солди.

— Олдинги бўлим мудир қерда ҳозир? — сўради Ҳакимали у гапдан тўхташи билан.

— Айтишларича, бахтсиз ҳодиса рўй бериб, машинаси билан жарга қулаб кетипти, — у бўш косани чек-кароққа суриб қўйди. — Назаримда тормози ишламай қолган.

Овқатланиб қайтишгач, Ҳошимжон эшикни очди, лекин остонада серрайиб туриб қолди. Стол устида қоғозлар сочилиб ётар, ғаладонлар чиқариб ташланган эди. Ҳакимали ҳеч нимани пайқамагандек жойига бориб ўтирди. Қоғозларни бир четга суриб қўйди, ҳалиги ҳужжатни папкасидан олиб, бир бошдан варақлашга киришди. Кейин:

— Экспертиза бўлимида каллиография-белгилаш ускунаси борми? — деб сўради ҳамон ўзига кела олмай турган Ҳошимжондан.

— А? Ҳа-я, КБУни сўраяпсизми? Бор, яқинда вилоятдан олиб келиб ўрнатганмиз.

Шу пайт оқ халати тугмачаларини йўл-йўлакай таққанича ҳамшира қиз кириб келди.

— Қаёқларда юрибсиз, Роҳила? — зарда билан сўради Ҳошимжон.

— Мени ўринбосар чақиртирганди, бориб келаяпман, Ҳошим Набиевич, — деди у ва хавотирланиб сўради. — Бирор гап бўлдимми?

— Кўрмаяпсизми?! — бақириб юборди Ҳошимжон сочилиб ётган қоғозларга ишора қилиб.

Энди ҳамширанинг ранги ўчиб кетди, аммо бир зумда ўзини қўлга олиб, қоғозларни йиғиштириб тах-лашга киришди.

— КБУни сўраган эдим.

Бу хотиржам саволни эшитиб, бўлим мудирини Ҳа-кималини ён хонага бошлади.

— Ҳамширани ҳам таклиф қилайлик, — деди у йўлакда бораётиб.

Ҳошимжон Ҳакимали кўрсатган саҳифани қисқичга жойлаб, машинани ишга туширди. Оцеллограф сатрлар устидан йўрғалаб, ҳарфлар сакраб-сакраб ўта бошлади. Экранда номутаносибликлар яққол кўриниб турарди.

Улар бўлим мудирини хонасига ўтиб, қиёслаш дало-латномасини тузишга киришишди. Уни Ҳошимжон ўз қўли билан ёза бошлади. Аввало, унда қайдлар турли кишилар томонидан қилинганлиги, имло ҳам, имзо ҳам сиртдан қараганда аввалгисига ўхшаса-да, машина фарқни аниқ кўрсатгани таъкидланди. Қолаверса, ол-динги тиббий кўрик билан сўнгги кўриikka доир қайд орасидаги фарқ катта бўлиб чиқди. Машина охириги қайд Гулбаҳор фожиали вафот этганидан икки кун кейин қилинганлиги, лекин анча олдинги кун санаси қўйилганлигини кўрсатди.

Далолатномани Ҳошимжон икки нусхада ёзиб, бир нусхасини ҳамшира тегишлича рўйхатдан ўтказгач, Ҳа-кималига топширди.

3

Ҳакимали Ҳошимжон билан бош шифокор қабул-хонасига кирганида у телефонда гаплашиб турган экан.

— ...Ундай эмас, — дерди Дилбар Раҳимовна кимга-дир. — Ҳамма ҳужжатлар жой-жойида. Бир ҳафта бурун ўзим шахсан танишиб чиқиб, архивга қайтариб берган-ман.

Ҳакимали гап нима тўғрисида бораётганлигини дарҳол тушунди. Бироқ сир бой бермади. Эшик очиқ бўлгани учун улар кириб бораверишди. Ҳеч нарсадан беҳабар Ҳошимжон телефон дастагини жойига қўяётган бош шифокорнинг авзойини кўриб, шошилиб қолди, нимадандир хавотирга тушди.

— Мархуманинг шахсий тиббий хизмат дафтари қа-
ерга йўқолди?

Дабдурустан берилган бу савол уни мутлақо довди-
ратиб қўйди, аланглаб, ёрдам сўрагандек Ҳакималига
илтижолари кўз тикди.

— Дафтарни кўриб чиқдим, — деди у мутлақо хотир-
жам оҳангда. — Овқатга чиқатуриб, ўқиб улгурмаганим
учун ёнимда олиб кетгандим.

Бу гапни эшитиб, Дилбар Раҳимовнанинг чеҳрасига
қизиллик тепди, кўзларидаги талвасалилик, совуқлик
йўқолди. Стол ёнбошидаги тугмачани босган эди,
эшикда котиба пайдо бўлди.

— Кўк чой дамланг, Ҳабибахон, — энди у тамомила
хотиржам бўлиб қолган эди. Кейин ҳамон тик турган
экспертга қараб, эшитилар-эшитилмас деди. — Ҳошим
Набиевич, ишингизга бораверинг.

Бўлим мудури чиқиб кетгач, котиба чойнакни кўта-
риб киргунича, ҳар ким ўз хаёллари билан бўлиб, жим
ўтириб қолди. Ниҳоят, котиба чойнак-пиёлани стол
четига қўйиб, шкафдан тақсимчада шоколад олди. У
чиқиб кетиши билан, бош шифокорнинг эътирозига
қарамасдан, Ҳакимали чойнакни ёнига тортди, чойни
шошилмасдан уч марта қайтарди.

— Хайронман, — деди Дилбар Раҳимовна пиёлани
олаётди. — Бу ерга ишга тайинланганимдан буён тинч-
лик йўқ. Гоҳ милиция, гоҳ прокуратура ўша мархумага
оид ҳужжатларни сўрагани-сўраган.

— Сизга бир маслаҳатим бор, — деди Ҳакимали
ҳозиргина бўшатган пиёласини чойнак ёнига қўяр
экан. — Агар лозим кўрсангиз, албатта.

Бош шифокор унга синовчан, жиддий тикилиб
қолди. У кўзларини олиб қочмади, бамайлихотир ўти-
раверди. Унинг чеҳрасида самимият зоҳир эди, бунини
чуқур идрок этиб, Дилбар Раҳимовна яна ҳам хотиржам
тортди, енгил нафас олди. Шундан кейин юмшоқ бир
жилмайиш билан:

— Хўш, нима демоқчисиз? — деб сўради.

Ҳакимали чап тирсагини стол чеккасига тираганича
бамайлихотир гап бошлади.

— Сизни яхши билмайман, — деди у. — Сиз ҳам —
мени. Аммо шу қисқа суҳбатимиз, ҳозир кириб келга-

нимдаги ҳолатингиздан иқрор бўлдимки, ҳали бу амал курсисининг ҳавосини олиб улгурмабсиз. Ўзингиз тушиб қолган муҳитни яхши билмайсиз. Илгари пойтахтда ишлаганингизни, илмий иш билан шуғулланганингизни эшитдим. Лекин бугун эгаллаган вазифангиз мутлақо бошқача. Моҳият жиҳатидан бошқача.

Дилбар Раҳимовна бор-йўғи чорак соатлик суҳбат давомида бу газетчи қандай қилиб воқеаларни шунча теран идрок эта олганига лол қолиб ўтирарди. Дарҳақиқат, илм дунёси, вазирликдаги идора иши бўлакчаю турли кайфият ва мақсадли одамлар орасида бевосита ишлаш бошқача эканлигини энди-энди тушуниб етаяпти. Ҳар қадамда бир тўғаноқ, манфаатлар кўндаланг. Гоҳи пайтлари ҳаммасини йиғиштириб қўяқолишга ҳам рози бўлиб кетади. Бироқ энди кеч эканлигини ҳам билди. У аллақачон ишини ўзгартирган, энди фақат ҳаммасига чидаш, огоҳ бўлиш ва бердош бериш, одамлар билан тил топиб ишлаш керак. Бошқа йўл йўқ.

Бош шифокор ҳаёл суриб қолганини сезиб, Ҳакимали ҳам гапиришдан тўхтади. Шу алфозда улар узоқ ўтиришди. Ниҳоят, Дилбар Раҳимовна оҳиста сўради:

— Хўш, бирор аниқ хулосаларингиз борми?

— Аввало, котибангиз билан экспертиза ҳамширасини ўзгартирмасангиз, ҳеч қачон тинч ўтира олмайсиз бу хонада. Ўзингиз ўйланг, экспертга ҳужжатларни олиб киришни телефон орқали буюрдингиз. Агар мумкин бўлса, бир савол: биз киришимиздан ўн-ўн беш дақиқа олдин прокуратурадан ҳам кўнғироқ бўлди, а? — бош шифокор кўзларини катта-катта очганича, бошини енгил эгиб, тасдиқлагач, Ҳакимали мулоҳазаларини давом эттирди. — Ахборот мана шу икки ходимангиз орқали уларга етган. Энди асосий гап: жасад ёрилиб, тиббий текширувдан ўтказилмаган. Дололатнома — қалбаки. Тиббий ёрдам дафтаридаги сўнгги қайд ҳам Гулбаҳорнинг ўлиmidан ўн беш кун илгари, гинеколог текширувидан кейин эмас, балки фожиадан икки кун кейин ёзилган. Имзо ҳам қалбаки.

Буларни эшитиб, Дилбар Раҳимовна ўрнидан туриб кетди, столи орқасида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ҳакимали ҳам ўтирган жойидан кўзғалди. Оқ папкасини қўлига олди.

— Аслида хулосаларимни айтмаслигим керак эди, — деди хайрлашгани қўл узатиб. — Лекин самимиятингиз, шу кездеги ҳолатингиз устунлик қилди. Ниятим — гапларимдан сизга наф тегса бас.

— Ҳа, дарвоқе, — Ҳакималини эшик томон кузатиб бораётган бош шифокор столи ёнига қайтди. Кичик бир қоғозга нималарнидир ёзиб, унга узатди. — Иш ва уй телефонлари. Ҳали туманда икки-уч кун бўлади-ганга ўхшайсиз. Мабодо бирор ёрдам керак бўлиб қолса, ҳеч тортинманг, эртами-кечми, қўнғироқ қилаверинг.

— Энди шу ерда хайрлашайлик, — деди эшик тутқичига қўл узатаётиб Ҳакимали. — Сиз ташқарига чиқманг.

— Майли, — деди Дилбар Раҳимовна, — яхши боринг.

4

Марказий шифохона дарвозасидан чиқиб, Ҳакимали беихтиёр тўхтади. Киссасидан сигарет қутисини чиқариб, бир дона олди. Гугурт чақиб, уни ўт олдирди, устма-уст, чўзиб-чўзиб чекди. Кейин кўчани кесиб ўтди-да, бир йигитни тўхтатиб, меҳмонхонага қандай бориш мумкинлигини сўради.

— Кутавериб, кўзларимиз тўрт бўлди-ку, иним, — деди ҳовлига кириб келаётган Ҳакималига кўзи тушиши билан меҳмонхона қоровули унинг истиқболига пешвоз чиқиб. — Укангиз ҳам кута-кута, овқатдан кейин пинакка кетди.

— Машина қаерда? — сўради Ҳакимали зинага оёқ кўяётиб.

— Ана, шундайгина дераза тагига обориб қўйган.

Қуш уйқусида ётган эканми, Абдуқодир ҳам айвончага чиқиб келди:

— Ҳўш, ишларингиз битдими? — деб сўради шошилиб.

— Ҳозирча режадан чиққанимиз йўқ, — деди Ҳакимали ва қўшиб қўйди. — Агар мумкин бўлса, йўлга тушақолсак.

— Кеч бўлиб қолди, шу пайтда қаерга борасиз?

Мақсуднинг бу саволидан, бу оқшом яна суҳбат-

лашмаймизми, деган маънони уқиш мумкин эди. Буни англаб, Ҳакимали ўнг қўлини унинг елкасига қўйди:

— Ҳамма яхшиликларингиз учун раҳмат, ака, — деди. — Ҳали кўп суҳбатлашамиз. Мен эрта тонг билан Тошкентда, ишхонада бўлишим керак.

Бу гапни эшитиб, Мақсуддан кўра кўпроқ Абдуқодир таажжубланди. Аммо орага гап қўшмади, балки машинани тезроқ ҳовлидан олиб чиқиш тараддудига тушди. Ҳакимали қоровул кузатувида дарвозадан чиққанида машина аллақачон йўл бетида турарди. Абдуқодир чаққон келиб, Мақсудга ним таъзим қилганича, хайрлашгани қўл узатди.

Машина жўнаб кетиши билан кўчанинг у бетидан бир йигит ўтиб келди.

— Меҳмонларингиз кетишдими? — деб сўради Мақсудга синовчан тикилиб.

— Ҳа, кетишди, — деди ёқмайгина Мақсуд темир панжарали дарвозани ёпар экан. Кейин ўзига ўзи гапиргандек қўшиб қўйди. — Ё тавба, шу пайтда Тошкентга жўнашганини-чи...

Дарвоза қатларига кулфни илаётиб, иттифоқо кўчага кўз ташлади. Ҳалиги йигит ўттиз-қирқ метрча нарида илдам кетиб борарди. Қоровул кичик эшикдан чиқиб, унинг ортидан қараб қолди, бироқ хаёлига бирор бамаъни фикр келмагач, ахийри қўлини силтаб ичкарига ўтди, дарвозани кулфлади.

5

Тўғри вилоят марказига олиб борувчи катта йўлга тушиб олгунларича икковларидан садо чиқмади. Ҳар бири ўз хаёли гирдобига шўнғиб кетганди. Абдуқодир муҳбир нега режасини бунчалик ўзгартириб қолганини тушуна олмас, хилма-хил гумонлар, тахминларга борар, аммо уларнинг биронтасида ҳам асосли мантиқ кўролмасди. Қизиқ, касалхонада қандай воқеа юз бердики, бу одам бунчалик ўзгарди-қолди? Ёки... Йўғ-е, уч кундан буён гапида, муомаласида ундайин бирор ишора, илмоқли гап бўлмади-ку. Хўш, у ҳолда бунчалик кескин ўзгаришининг боиси нимада?

Катта йўлга чиқиб олгач, тезликни ошираётиб, Абдуқодир ортиқ тоқат қила олмади.

— Тинчликми? — деб сўради.

— Тинчлик, тинчлик...

Яна орага жимлик чўкди. Машина мотори бир текис гувиллар, тезлик юзга яқинлашиб бормоқда эди. Хийла пайт юришгач, Ҳакимали тўхташга ишора қилди. Машинадан тушиб, йўл ёқасидаги ариқ бўйида бирмунча муддат хаёл суриб турди. Кейин юз-қўлини ювиб, муздек ариқ сувидан кафтини тўлатиб ичди. Боядан бери кузатиб ўтирган Абдуқодирнинг унга ҳаваси келди. Машинадан тушиб, у ҳам бир-икки ҳовуч сув ичди.

— Кечаги булоқ сувига ўхшамайди, лекин яхдеккина экан, — деб қўйди Ҳакимали. Машина томон тўрт-беш қадам ташлади-да, тўхтаб, ҳамон ариқ бўйида турган Абдуқодирдан сўради. — Яккатутга Қўшқўрғонни четлаб ўтадиган йўл борми?

Бу саволни эшитиб, Абдуқодир яна ҳайрон бўлди. Бироқ дарҳол жавоб берди:

— Уч-тўрт километр юрсак, Жумабозорга етамиз. Ўша жойдан тўғри Яккатутнинг устидан ўтиб кетадиган янги йўл тушган.

— Бўлмаса, кетдик, — шундай деди-да, машина эшигини очаётиб, Ҳакимали яна сўради. — Кечирасиз, бензин қалай?

— Боя меҳмонхонага бораётиб, бакни тўлдириб олганман, — машинани ўт олдириб, жойидан қўзғатар экан, Абдуқодир уни мутлақо хотиржам қилиш учун қўшиб қўйди. — Орқада, канистрда яна йигирма литр захирамиз ҳам бор, ака.

— Оббо, сиз-ей, — шундай деб, кулимсираганича Ҳакимали оҳиста сўради. — Мендан шубҳага бордингиз-а, Абдуқодир? — йўлдан кўз узмай борар экан, Абдуқодир жилмайиб қўйганини кўриб, гапида давом этди. — Шубҳага бордингиз. Ич-ичингиздан ўртаниб кетдингиз. Йўлга тушган заҳотимиз ўзим сизни тинчитиб қўйишим керак эди. Хаёлларим билан бўлиб, унутибман. Ҳали ариқ бўйида юз-қўлимни ювиб, муздек сув ичаётганимда, машинада мени кузатиб ўтирганингизга кўзим тушгач, катта хатога йўл қўйганимни пайқадим. Узр, сизни изтиробга қўйдим.

Жумабозордан чиқиб, паст-баланд тепаликларни оралаб кетишди. Йўл равон, лекин машина тобора юқорилаб бораётгани учун мотор бирмунча зўриқиб ишлар, оғир-оғир гувилларди.

Йўл бурилиб, сой бўйлаб кетаркан. Улар дарага кириб борганлари сари қоронғилик қуюқлашди. Энди Абдуқодир машина фараларини ёқиб, тезликни сезиларли пасайтирди. Мотор ҳамон оғир гувуллашидан йўл тик кўтарилиб бораётганини пайқаш мумкин эди.

Баланд кўприк устидан ўтиб, машина яна юқорига тирмашди. Олдинда гоҳ ялт этиб юлдузли осмон кўзга ташланар, машина кескин бурилгач эса оқ-сарғиш қоя тошлари чироқ нурлари остида чақнаб-чақнаб ўтарди.

— Шу томонларда оҳакли тош конлари очилди, — деди Абдуқодир йўлдан кўз узмай бораркан. — Институтда дарс бераётган кезларим бир мавсум беш-ўн талаба билан кон-қидирув экспедициясида ҳам ишлаганман. Оҳакка жуда бой кон.

Ниҳоят, машина ўнгга бурилганида фара нурлари паст-баланд уйларни ёритиб ўтди. Ҳакимали Абдуқодирга савол назари билан қаради.

— Яккатутда кўп бўлгансиз, қишлоқ оқсоқолининг уйини биласизми? — сўради у дарҳол.

— Биламан, кекса, пенсиядаги бир аёл. Илгари қишлоқ мактабида директор бўлган экан.

— Бола-чақалари борми, ахир?

Бу савол Абдуқодирнинг кулгисини қистатди, лекин у буни сездирмади. Фақат:

— Бўлмасам-чи, — деди. — Катта бир оила.

Тўртинчи боб

1

Эшикни самбит қоматли, елкадор бир йигит очди. Бирор фурсат тараддудланиб, кейин Абдуқодирга тикилиб туриб:

— Келинг, акалар, — деди.

Орқароқда турган Ҳакимали сўради:

— Фотима она ўйдадилар?

— Ҳа, онам уйдалар, — йигит дарҳол ўзини четга олди. — Киринглар.

Фотима она ҳовли бетига тушиб келаётган жойида, юқори зинада тўхтади.

— Ким экан, Азамат? — деб сўради ўғлидан.

— Абдуқодир ака, Нодиранинг адаси келишган экан.

Азаматнинг бу жавобини эшитиб, Фотима она ёшига тўғри келмайдиган илдамлик билан зиналардан тушиб келди. Аввал Абдуқодирнинг, кейин Ҳакималининг елкаларига қўл юбориб сўрашди.

— Қани, меҳмонлар, юқорига марҳамат, — дея зина томон чаққонгина бораётиб, у уй ёшиги ёнида кўринган аёллардан бирига буюрди. — Қутби, айвонингга жой сол, — кейин юқори зинада тўхтаб, ҳовлига ўтирилди. — Эсим қурсин-а. Азамат, дарвозани оч. Абдуқодир аканг машинани ҳовлига киритиб қўйсин.

Шундай деб, Фотима она уйга кириб кетди. Ҳакимали тўхтаган жойида шерикларини кутиб турди. Машина ҳовлининг нариги чеккасида тўхтагач, яқинлашиб борди-да, Абдуқодирдан қора папкани ўзи билан олишни сўради.

Айвонда, катта хонтахта ёнига ўтириб, фотиҳа ўқилиши билан келинлардан бири кириб дастурхон ёзди. Азамат нонларни ушатаётганида патнисда чойнак-пиёла киритилди. Абдуқодир қўлини кўксига қўйиб, нимадир демоқчи эди, Фотима она уни тўхтатди:

— Шошилманг, Абдуқодир иним, аввал овқатланиб олинглар. Кейин чой устида бафуржа гаплашаварамиз, — кейин ўрнидан тураётиб, Азаматга тайинлади. — Айт, овқатни сузишсин. Энди мен набиралар ёнига чиқай-чи.

Азамат катта патнисда уч коса овқат кўтариб кирди. Аччиққина, қайноқ маставани ичиб, Ҳакимали тана-сида ҳузурли бир илиқлик сизди. Косалар йиғиштирилиб, Азамат пиёлаларга чой қуяётганида, Фотима она кириб келди.

— Ана энди, иниларим, хотиржам суҳбатлашсак бўлаверади.

Шундай деди-да, у юқорига ўтиб ўтирди, Азамат узатган пиёлани олиб, дастурхонга қўйди.

— Абдуқодирни-ку, озми-қўпми танийман, — деб Фотима она Ҳакималига ўғирилди. — Сизни илгари кўрмагандекман?

— Тўғри, она, илгари кўришмаганмиз, — қўлини қўксига қўйди Ҳакимали. — Мен Тошкентданман. Газетадан.

— Э-ҳа, тушундим. Нодира бирда айтганди.

Фотима она ўғлининг олдида турган чойнакка қўл узатди:

— Сен, Азамат, эрта барвақт йўлга отланмоқчисан. Тайёргарлигингни кўриб, дамингни олавер. Қутбига айт, мана бу томонга акаларинг учун ўрин солиб кетсин.

Ҳакимали олис тоғ ичкарисисидаги қишлоқ аёлининг идроки, гапларидан завқланиб ўтирарди. У беихтиёр Ҳамидахонни кўз олдига келтирди. Қачон эшикдан бирикки киши билан кириб борса, ёки бемаҳалда қишлоқдан меҳмон-излом келиб қолса, қовоқ-тумшуғи осилиб, тўрсайиб олишини эслади. Мана бу қишлоқ одамларининг бағри қанчалик кенглигига тан бериб, кўнгли бўшашиб кетди.

2

— Хўш, газетани нималар қизиқтиради, мухбириним?

— Ҳамма нарса, — деди Ҳакимали ниҳоят суҳбат зарур оқимга туша бошлаганидан мамнун бўлиб. — Шунча одамлар билан гаплашиб, бир нарсага тушуна олмаяпман.

— Масалан?

— Бу хонадон аҳлининг нияти нима ўзи? Орзу-ҳаваслари қандай? Интилишлари-чи?

Фотима она хиёл кулимсиради.

— Оддий бир хонадон, — деди. — Эр — Қоракарим, кўп йиллар колхозда тракторчи бўлган. Отаси — Тошқора йигирманчи йиллари кўрбоши бўлган деган бир гапни эшитганим бор. Шўролар кучайгач, тоғу тошларда қочиб-қувиб юрганларга афви умумий эълон қилингач, қишлоққа қайтиб, овлоқ жойда, Бўрижар яқинида бир қора уй қуриб олган. Колхоз тузилгач, ўттизинчи йиллари мол фермада ишлаган. Очарчилик

кезлари, умумий қозонга илинишни кўзлаб, болачақаси билан бутун бир бригада бўлиб далада ишлашган дейишарди. Аммо тунлари уйида алоҳида қозон қайнаган, дегувчилар ҳам бор эди. Уруш арафасида болохонали, данғиллама бир уй қурган экан. Ўртада даҳлиз, чап ва ўнг қанотда катта-катта икки хонали бино.

Уруш арафасида тўнғич ўғил Ҳожимурод Тошканда ўқиркан, кейин урушнинг бошларида уни ҳарбийга олишди, деган гап-сўзлар тарқалган. Уруш тугаши олди-да, ўқитувчилар, бошқа айрим касб эгалари фронтдан қайтарила бошланипти. Ўша кезлари Ҳожимурод ҳам қишлоқда пайдо бўлипти. Эғнида ювилавериб, ранги униқиб кетган гимнастёрка, оёғида пошнаси учиб кетган этикмиш. У мактабда тарих фанидан дарс бера бошлапти. Бир йил ўқитувчилик қилганми, икки йилми — кейин мактаб директорлигига тайинланипти. Мен эллик учинчи йиллари мактабга чиқдим. Қоракарим биздан тўрт синф паст ўқирди. Янглишмасам, олтмишинчи йили қишлоқда миш-миш гап оралаб қолди. Нима дейсиз, Ҳожимурод урушда эмас, шунча йил қочоқда бўлган эмиш. Бу гап болалаб кетди, охири у директорликдан бўшатилиб, ишни топширди, Аччи томонларда, бошланғич мактабда ўқитувчилик қилиб юриб, дунёдан ўтиб кетди.

Ҳалиги овлоқдаги хонадонда Қоракарим ота-онаси билан ёлғиз қолди. У уйлангач, бир-икки йил ичида ота ҳам, она ҳам омонатларини топширишди. Қоракарим дастлаб икки ўғил кўрди. Учинчи фарзанд қиз бўлди. Уни туғаётиб, хотин вафот этди. Бригадада Лазокатой исмли ўтириб қолган бир қиз звено бошлиғи эди. Хотинининг қирқини ўтказиб, Қоракарим ўшанга уйланди. Ҳеч ким ёзғирмади, ҳамма жиш болаларга она кераклигини тушунарди. Лазокат ҳам болаларни оёққа турғизди, ҳам пахтада ишлади, ҳам Қоракаримга этак-этак фарзанд туғиб берди. Оилада бирин-кетин уч қиз, олти ўғил ўсиб етишди. Ҳаммалари Тошканда, Самарқандда ёки Ангренда ўқиб, олий маълумот олишди. Ўшанда қишлоқ мўйсафидлари орасида: «Тошқора кўрбошилиқда тўплаган бекитиқча тиллалар иш берди», — дегувчилар ҳам бўлди. Бунини ўз қулоқларим билан эшит-

ганман. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида ўғилларнинг бири Тошканда катта бир компанияда иш бошлади. Бири қўшни туман милициясида каттароқ лавозимни эгаллади. Катта қиз туман ҳокимлигида маслаҳатчи-мутахассисликка ўтди. Қолган ўғиллар ҳам асосан милицияда хизматга кириб кетишди. Кенжа ўғил, Абдуқодирнинг куёви ҳам шу кунларда туман милициясининг йўл-патрул хизматида деб эшитаман.

Хонадон Қўшқўрғон туманида иккиннинг бири, бадавлат. Германиядан иккита тиркамали юк машинаси сотиб олишди, катта тижорат билан шуғулланишади.

Фотима она пиёладаги совиб қолган чойдан бирикки хўплаб, жим ўтириб қолди. Кейин, бир оз тин олгач, астагина:

— Сизларни ҳам зериктириб юбордим, — деди.

— Асло! — деб қўйди Ҳакимали. — Бу ҳикоялар биз учун қанчалик қимматли эканлигини билсангиз эди!

3

— Афсуски, бу топиш-тутишлар оилага бахт келтирмади. Давлатлари кўпайгани сари Лазокатойнинг феъли торайиб борди, келинларни чиқиштирмайдиган одат чиқарди, бирини ўпоқ, бирини сўпоқ деб, болалари қулоғига бўлмағур гапларни қуявериб, баъзиларини ҳайдатди, вақтида эсини йиққан икки ўғил бола-чақасини олиб, Тошканга кўчиб кетди. Гулбаҳор бу алфозда ўтди. Хайриятки, Нодира эртароқ ҳаракатини қилиб қолди, бу хонадон зугумларидан қутулиб кетди. Юк-япоғини олгани келганида Лазокат нима деганини эшитгандирсиз?

Абдуқодир бошини лиқиллатиб, «йўқ» дегандек ишора қилди.

— Бўлмаса, эшитинг. Юк-япоқ машинага ортилиб, Нодира, онаси, опалари билан чиқиб келаётган эдик. Кўчада, улар машинага ўтиришаётганида Лазокат касофат қўлларини очиб: «Қани, қуда, дуо қилинг, илойим ўғилгинамнинг бахти чопсин, тезроқ уйланиб олсин», — деса бўладими?! Келингинанинг, Нодира қизимнинг иродасига балли, иним Абдуқодир. Индашмади, беихтиёр фотиҳага қўл кўтаришди.

Абдуқодир бошини ҳам қилганича ўтирарди. Ҳакимали кўзларидан ёш чиқиб кетишидан чўчиб, шундай ўтирипти, дея ҳаёлидан ўтказди. Елкалари титраб-титраб бораётгани бу фикрни тасдиқларди. Лекин шу аснода унга тасалли бериш, кўнглини кўтариш учун бирор гап айтишдан ўзини тийди. Ҳозир ҳар қандай сўз ўринсиз, унга тош бўлиб тегиши, заҳар туюлиб, ич-етини ўртаб юбориши мумкин эди.

Чамаси, буни Фотима она ҳам тушуниб турар, шу боис у ҳам индамасди. Ўз ҳаёллари билан бўлиб, у киши қачон айвондан йўлакка ўтганини ёки чойни келинлардан бири янгилаб кетдими, Ҳакимали пайқамай қолди. Фақат Фотима она узатган иссиқ пиёлага бармоқлари теккандагина чой янгиланганини сизди. Абдуқодир ҳам қайноқ чойни ҳўплаб-ҳўплаб туриб, эшитилар-эшитилмас: «Раҳмат, она», — деб қўйди.

Шу кайфиятда чорак соатча вақт ўтди. Ҳакимали Нодиранинг аризаси бўйича иш бошлаётиб, тўғри йўлни танлаганига яна бир марта иқдор бўлди. Бордию, тўғри Кўшқўрғон туман ҳокимлигига борганида барча текшириш-суриштиришлари шунчаки бир расмиятчилик тусини олар, кейинги кунларда кўрган-эшитганларидан бебаҳра қолаверарди. Ҳатто бирор расмий идора ходими билан ҳузурига кириб борганида бош шифокор Дилбар Раҳимовна ҳам ўзини бўлакча тугтарди, албатта.

Иккинчи пиёлани қайтараётиб, ниҳоят, Ҳакимали Абдуқодир анча хотиржам тортганлигини, суҳбатни давом эттириш мумкинлигини сизди. Фотима онага бир қараб қўйди-да, оҳиста сўради:

— Вертолёт воқеасига нима дейсиз? У Германиядан сотиб олинган «Мерседес-Бенц» савдо-тижорат машиналари билан боғлиқ эмасмикин?

— Шундай деб ўйлайсизми?

— Ҳарқалай, бу ерлар чегара минтақаси. Афғонни яхши биласиз.

— Йўғ-е, иним!

— Энди бу ҳам бир фикр-да, она.

Орага жимлик чўкди. Бир оз ўтиб, уни яна Ҳакималининг ўзи бузди:

— Ҳарқалай, вертолёт воқеаси қизиқ-да.

— Гоҳида мен ҳам ўйланиб қоламан, — деди Фотима она қорайиб турган тоғлардан кўз узмай. — Бу ўнгиру даралар чиндан ҳам сиру синоатлар макони.

Кейин у Ҳакималига мурожаат қилиб, мутлақо бошқача оҳангда гап бошлади:

— Шайтонга хайф берайлик, иним. Бўлсин-бўлсин, аммо лекин иш сиз гумон қилганчалик бўлмасин...

Ҳакимали билан Абдуқодир ҳайрон бўлиб ўтиришганини кўриб, Фотима она ўнг қўлини кўксига қўйди:

— Рост гап, иниларим, ўз кўзларим билан кўрганман, — деди.

— Ишонамиз, она, — деди Ҳакимали кулиб. — Лекин ҳайронлигимиз шундаки, ўша вертолёт қаердан пайдо бўлади?

— Билмадим, иним, билмадим, — деди аёл шу пайтгача бундай саволлар хаёлига келмаганлигидан куйиниб. — Аммо Қоракаримнинг бир ўғли ҳарбийда катта амалдор деб эшитганим бор. Полковникми-ей. Лекин кейинги ўн йилда бирон марта Яккатутга келганини кўрганим йўқ. Ҳарқалай, эшитмадик.

— Вертолёт бот-бот учиб келадими? — орага тушган жимликни бузди Абдуқодир.

Унинг овозида ҳамон таажжубланиш, ҳайрат зоҳир эди.

— Гоҳи-гоҳида, — шундай деди-да, бирданига Фотима онанинг авзойи ўзгарди, кўзлари олазарак бўлиб кетди, кейин аллақандай бир ҳадик билан аста Ҳакималига ўгирилиб сўради:

— Вертолёт билан Олмон юк машиналари орасидаги боғлиқлик ҳақида ҳализамон гапирдингизми? — тасдиқ жавобини олгач, у энди сирли бир ҳолатда гапини давом эттирди. — Эсласам, ҳамиша автомашиналарга қарам ёки помидор ортिलाётган кезлари пайдо бўлади. Кўпинча шом билан ҳуфтон орасида учиб келади.

— Юкчилар шу қишлоқ одамларими? — шошилиб сўради Ҳакимали.

— Қаёқда? Ўша кунлари икки-уч енгил машинада аллақандай йигитлар келади. Эрта билан кўрсангиз, на машина қолади, на бирор одам.

Яна узоқ жим ўтириб қолишди. Охири Фотима она яна бир марта:

— Гумонингиз тўғри бўлиб чиқмасин-да, Ҳакимали иним, — деди, кейин ўрнидан қўзғалди. — Энди сизлар ётиб дам олинглар. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди.

4

Фотима она эшикни ёпиб чиқиб кетди. Шу заҳоти Азамат кириб, дастурхонни йиғиштириб олди, хонтахтани дераза ёнига ёнбошлатиб қўйди:

— Бир ҳаво алмаштирасизларми, акалар?

Абдуқодир, одати шундай бўлса керак, чиқаётиб чироқни ўчирмоқчи эди, Азамат:

— Қўяверинг, — деди. — Ҳозир Қутби хонани супуриб-сидириб, сизларга ўрин солади.

Улар пастга тушишди. Ҳакимали сигарет тутатди. Унга қараб турди-турди-да, Абдуқодир ҳам сигарет сўради.

— Чекмайсиз шекилли? — йўталди Ҳакимали қутини унга тутқазаётиб.

— Сиз ҳам ҳавасмандга ўхшайсиз?

— Шундай, — эътироф этди Ҳакимали. — Лекин гоҳи-гоҳида хумори тутиб қолади.

Улар кўп ўтмай юқорига кўтарилишди. Айвонга ўтишганида ўринлар солинган, чекка ромлар қия очиб қўйилганди.

Азамат остонада тўхтади:

— Яхши дам олинг, акалар, — деди-да, эшикни ёпди.

— Ҳалиги папкани олинг, Абдуқодир, — илтимос қилди ўрин томон бораётиб Ҳакимали. — Ишимизни сарҳисоб қилиб қўяйлик.

У костюмининг ички чўнтагидан бир даста қоғоз чиқариб, кўрпа устига қўйди, уларни тартиб билан қайта тахлади, папкани ёпиб, Абдуқодирга узатди. Кейин кўрпа ичига кириб ёнбошлаганича эрталаб касалхонада юз берган ҳангомалар, бош шифокор билан суҳбатдан гап очди. Абдуқодир тин олмай эшитди.

— Энди тушунгандирсиз нима учун вертолёт воқеаси мени бунчалик қизиқтириб қўйганини? Суд-тиб-

бий эксперти билан ҳам, милиция терговчиси билан ҳам юз берган фожиали фалокатлар шунчаки тасодиф эмас. Қизингиз Нодира билан суҳбатлашганимдаёқ менда шундай шубҳа туғилганди.

— Демак, кимдир Яккатут воқеаларининг иштирокчиларини йўқотиш ҳаракатида экан-да?

— Назаримда, шундай. Менимча, Гулбаҳорнинг фожиаси ҳам бунга дахлдор.

— Ҳалиги гапларимни унутманг, ука, — деди ўрнашиб ётиб олар экан Ҳакимали. — Ҳамма ҳужжатлар қўлингизда. Уни таҳририятга етказинг. Азамат ҳам бирга кетадиганга ўхшайди. Бир томони яхши бўлди. Энди анча хотиржамман. Мен эрта билан бу ердаги ишларимни битириб, Қўшқўрғонга ўтаман. Назаримда, бирикки кунда ҳамма ишларимни тугаллайман. Учинчи куни сизни топмасам қоғозларни, албатта, таҳририятга етказинг.

— Хўп, — деди Абдуқодир ҳам ўринга чўзилаётиб. — Кўнглингиз тўқ бўлсин.

Бир оз ўтгач, яна Абдуқодирнинг овози эшитилди:

— Мени бир андиша қийнаётми...

— Нима?

— Сиз билан бирга келиб, ёлғиз ташлаб кетиш.

— Фотима онанинг паноҳи-чи?

— Ҳарқалай...

— Билсангиз, қоғозларнинг таҳририятга вақтида етиши ниҳоятда муҳим.

— Тушунаяпман.

— Бўлмаса, энди ухланг.

— Хўп, ака...

Бешинчи боб

1

Қўшқўрғонда, кунботарда, қалин арчазор оралаб кетган бир йўл бор. Дачакўча дейишади. Гоҳи-гоҳида бирор машина гизиллаб ўтиб қолмаса, бу кўчадан ҳеч ким юрмайди. Шу сабабли ёз бўйи ўт-ўлан, қиш кезлари қалин қор босиб ётади. Унинг этагида бир пайтлар ҳокимлик меҳмонлари бир кеча-икки кеча қўниб

кетиши учун ҳашаматли бино қурилганди. Ўн-ўн беш йил илгари қаровсиз қолди, бу томонларга ҳеч ким до-
римаё қўйди.

Чамаси, олти йиллар олдин сув хўжалиги идорала-
ридан бирида раҳбар бўлиб ишлаётган Қутбиддин Қур-
бонов Қўшқўрғон тумани ҳокимлигига тайинландию
бу кўча яна жонланди. Соё бўйидаги эски меҳмонхона
кенгайтирилиб, қайта таъмирланди, насос ўрнатилиб,
сув чиқарилди, ҳовлида катта ҳовуз барпо этилди, кек-
сайиб қолган дов-дарахтлар қўпорилиб, чинор, қарағай
кўчатлари экилди. Илон изи бўлиб ўтган йўлнинг икки
бети бўйлаб қатор-қатор арчалар ўса бошлагач, эски
Дачакўча яхшигина хиёбон тусини олди. Йўл текисла-
ниб, тош терилди.

Янги ҳоким кўп вақтини шу ерда ўтказар, идорада
кам бўларди. Бора-бора торроқ доирадаги йиғилишлар
ҳам шу ерга тайин қилинадиган бўлиб қолди.

Вилоят марказидаги кенгашдан алламаҳалда қайт-
ган ҳоким милиция бошлиғи Қурбон Ҳакимов билан
прокурор Абдувосит Қудратов ҳовли этагида, ҳовуз
йўлидаги оромкурсиларда ўтиришганини кўриб, авва-
лига ҳайрон бўлди, зинадан айвонга кўтарилаётган жо-
йида тўхтаб, улар етиб келишларини кутди. Ҳар иккиси
билан қўл олишиб, айвонга ўта бошлади. Милиция
бошлиғи билан прокурор унга эргашишди.

— Тинчликми? — сўради ҳоким айвоннинг нариги
бурчагидаги, одатда, овқатланиладиган беш қиррали
катта стол атрофига қўйилган стуллардан бирига ўти-
раётиб.

Тик турган милиция майори прокурорга қаради, у
кўзини олиб қочди.

— Хўш? — бетоқат бўлиб сўради ҳоким.

— Тошкентдан мухбир келган эди, — газетанинг но-
мини эшитиб, у Қурбон Ҳакимовга ялт этиб қаради,
лекин ўзини босиб, унинг сўзларини хотиржам тингла-
ётгандек ўтираверди. — Марказий шифохонада Раҳимова
билан учрашди, — давом этди милиция бошлиғи. —
Қоракарим Тошмуҳамедовнинг ўзини осиб қўйган ке-
линига оид ҳужжатлар билан қизиқяпти.

— Ҳозир қаерда?

Энди майор мутлақо довдираб қолди. Жавоб бўлмагач, ҳоким столга мушт уриб, ўрнидан туриб кетди:

— Пандавақилар! Бирор ярим кун бўлмасанг, минг турли ғавго чиқарасанлар!

— Касалхонадан чиқаётганида дарҳол Тошкентга жўнашини айтган экан. Катта йўлдаги постларга одам қўйиб кутдик, лекин ўтмади.

— Меҳмонхонани кўрдиларингми?

— Ўтган оқшом тунаган, уч кунга икки ўринли хонани банд қилиб қўйган.

— Демак, шу атрофда, — ҳоким бир оз енгил тортди, айвоннинг нариги бетида қўл қовуштириб турган ошпазга кўзи тушиб, им қоқди, столга оғир чўкди.

— Ўтиринглар, — деди ҳамон рўпарасида тик турган милиция бошлиғи билан прокурорга. — Овқатланиб олайлик, кейин бирор бамаъни фикр чиқиб қолар.

Ошпаз катта патнис кўтариб келиб, ойна ёнидаги пастак столга қўйди, ундан катта дастурхон олиб ёзди. Стол устида ҳар турли тапбосди неъматлар, зар қоғозларга бежирим ўралган шоколадлар пайдо бўлди. Чойнакни икки дона сингитиб пиширилган иссиқ патир нон ёнига, милиция бошлиғига яқинроқ жойга қўйиб, устига чойнакпўшни кийдирди. Охири стол ўртасида минерал сув, икки ёнида икки хил ичимлик пайдо бўлди.

Қурбон Ҳакимов нонни ушатиб, чойнакпўшни олмақчи эди, Қутбиддин Қурбонов тақсимчадан бир дона шоколад олиб, қоғозини ўқий бошлади. Буни кўриб, Абдувосит Қудратов милиция бошлиғининг оёғини босиб қўйди. Қурбон Ҳакимов дарҳол коньяк шишасини қўлга олди, бежирим, нақшинкор чинни қадаҳларни тўлдириб-тўлдириб қўйди. Қутбиддин Қурбонов узатилган қадаҳни қўлига олди-да, бир кўтаришда ичиб юборди, қоғозини очиб қўйган шоколадни оғзига солиб, чойдан қуй, дея ишора қилди. Қурбон Ҳакимов бўш қадаҳни дастурхонга қўйиб, чойнакни қўлига олди.

Милиция бошлиғи қадаҳларни учинчи маротаба тўлдираётганида ошпаз буғ таратиб турган бир лаган тандиркабобни дастурхонга қўйди.

Овқат еб бўлинган пайт шийпон четидаги баланд, жимжимадор столча устида турган телефон қаттиқ-қаттиқ жиринглаб қолди. Ошпаз югуриб келиб, симни эҳтиётлаб ёйганича столга яқинлашди, дастакни Қутбиддин Қурбоновга тутқазди-да, ўзи шийпон ортига ўтиб кетди.

— Қурбонов эшитади.

— Салом, Қутбиддин Аҳмедович, мен Ражабовман.

— И-е, и-е, Шодмон Ражабович! Салом! Салом!

Ҳоким стол ёнидан туриб, нари юрди. Қудратов Ҳакимовга қараган эди, у ўнг қошини хиёл учуриб, бошини силкитиб қўйди.

— Ҳа, айтишди, — ҳоким телефонда гаплашаётиб, худди ҳаво етишмаётгандек, зарб билан айвон деразасини очиб юборди. — Ҳозир вилоят марказидан, йиғилишдан қайтиб келдим, ҳали учрашганимча йўқ. Меҳмонхонада бўлса керак. Эрта билан кўришамиз. Албатта, айтаман. Ўзим қўнғироқ қиламан, Шодмон Ражабович. Омон бўлинг.

У дастакни жойига қўйди, аммо телефондан қўлини кўтармай бирмунча муддат туриб қолди. Кейин аста-аста столга яқинлашди. Милиция бошлиғи билан прокурор сапчиб ўрниларидан туришди. Қурбонов уларга эътибор бермади, тик турганича шиша тагида қолган коньякни пиёлага тўлдириб қўйди-да, бир кўтаришда ичиб юборди.

— Ҳе, каллаварамлар! — деди у лаганнинг бир четида қолган гўшт бўлагини қўлга олаётиб. — Ват-ват қилган — карнайчи, балога қолган сурнайчи, а?

У бир бўлак гўштни оғзига солиб, сой бўйига олиб борувчи йўлкага тушиладиган айланма зина томон юрди. Икки киши бамисоли соядек унга эргашди.

Пастга тушишгач, ҳоким икки томони панжарали тор йўлка орқали кўпириб-ҳайқириб оқаётган сув устига қурилган шийпонга ўтиш жойида тўхтади.

— Назаримда пардани бир оз баланд олиб юборганга ўхшайсиз, — деди шерикларига ўтирилмасдан. — Боринг, дамингизни олинг. Мухбирни ўз ҳолига қўйинг, — кейин йўлкага уч-тўрт қадам қўйиб, яна тўхтади. — Қоракарим аканинг ўзига қўйиб беринг.

Милиция бошлиғи билан прокурор юқорига чиқиб

кетишди. Йўлкада чойнак-пиёла кўтарган ошпаз пайдо бўлди. У шийпонга ўтиб, бир бурчақда турган столга чойнакни қўйиб, чойни қайтарди, елкасидаги сочиқни олиб, яхшилаб ўраб қўйди.

— Жойни шу ерга солақолайми? — сўради у йўлка томон боратуриб.

Кутбиддин Аҳмедович бошини лиқиллатиб, розилик аломатини билдирди.

2

Ҳакимали чўчиб уйғонди. Дафъатан, қаерда ётганини эслай олмади. Бирор муддат хаёлини жамлади, тунгги суҳбатлар хотирасига келди. Соатга қараса, вақт бешга яқинлашиб қолипти. Нарироқда тарвақайлаб ётган Абдуқодирга кўзи тушиб, ўрнидан туриб кетди. Тапир-тупурдан у ҳам уйғониб, ўринга чордона қуриб ўтириб олди, ўнг қўли билан кўзларини ишқалаб, соатни сўради. Жавобни эшитиб, дик этиб ўрнидан қўзғалди.

Зинадан тушишаётганида Азамат елкасида сочиқ, обдаста кўтариб ошхонадан чиқиб келди. Улар юз-қўлларини ювиб, артина-артина айвонга чиқишди. Ўринлар йиғилган, хонтахта жойида, дастурхон ёзилган эди. Дам ўтмай Азамат уч косада буғ таратиб турган қайноқ сут кўтариб кирди. Ўзи ҳам ўтириб, нонлардан бирини ушатди.

— Маскаёғдан солинглар, — деди Азамат косани қўлига олар экан.

Сут ичилгач, Азамат косаларни кўтариб чиқиб кетди, чойнак кўтариб кирди. Бир пиёла ичиб, Абдуқодир ўрнидан қўзғалди:

— Мен машинани тайёрлай.

— Биз ҳам турамиз, — деди Ҳакимали.

Азамат отланиб, ҳовлига тушганида, машина ёнида Фотима она Абдуқодирга нималарнидир тайинлаётган эди. Фақат онасининг:

— Жумабозор йўли бехатар, равон, — деган сўзларигина қулоғига кирди.

— Тўғри, — қўшилди Азамат. — Жумабозорда бир балиқхўрлик қилиб ўтамыз.

— Қассобга мол қайғуси, — кулди Фотима она дарвозани очатуриб.

— Дарвоқе, Ҳакимали ака қанилар? — Азамат тарадудланиб қолди: — Хайрлашмадик-ку?

— Бу ёққа ўт, — деди она. — Аканг кўча бўйидалар.

Машина муюлишда бурилиб, кўзга кўринмай кетгач, Фотима она дарвозани беркитди. Улар олдинмакейин айвонга чиқишди.

— Бу ёғига мўлжалларингиз қандай?

Ҳакимали бирмунча муддат ўйлаб қолди. Кейин оҳиста:

— Идорангизга чиқсак. Кейин ўша хонадонга бир кириб кўрсак.

— Жуда соз, — деди Фотима она ва ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини тиклаб, алоҳида таъкидлаб қўйди. — Фақат бир илтимос. Мен билан очиқчасига гаплашаверинг. Энди токи топшириқни бажариб, Тошканингизга етиб олгунингизча мен жавобгарман. Гарчи бугун-эрта ҳокиму прокурорга учрашишни жазм қилсангиз ҳам Яккатут оқсоқоли сифатида ёнингизда бўламан.

— Шундай дейишингизни билардим, она, — деди Ҳакимали. — Бу иш энди ҳаммамизга тааллуқли.

Бирор соат у ёқ-бу ёқлардан суҳбатлашиб ўтиришди. Фотима она ўз оиласи, туриш-турмуши ҳақида гапириб берди.

— Асли олтиариқликман. Етмишинчи йилларнинг бошларида институтни битирдим. Тақсимот бўйича Қўшқўрғонга юборишса, келаверибман ўйламай-нетмай, — аёл кулиб қўйди. — «Қандай жой?» — деб ҳам сўрамабман. Мактаб бошланғич, эски бир мачит биносида, икки хонадангина иборат экан. Шу ерга мудир бўлиб келдим. Уч йилда чоғроқ бир бино қурдик, тўлиқсиз ўрта мактаб очдик. Кейин мени Яккатутга мактаб директорлигига тайинлашди. Шу ерда турмуш қуриб, уй-жойли бўлдим. Эрим қишлоқ шўросида раис эди. Саксонинчи йилларнинг охирида катта ўғилни уйлантириш ҳаракатига тушиб қолдик. Акангиз не-не орзумидлар билан шу жойни қурдилар. Лекин бу уйда яйраб-яшнамадилар. Келин туширганимизнинг иккинчи куни бир соғин сигир олгани Жумабозорга от-

ландилару шу кўйи изсиз, ном-нишонсиз кетдилар. Ҳукумат ҳам қидирди, ўзимиз ҳам ҳўп овозаладик, изладик, илло дараклари чиқмади.

Ҳакимали нафаси сиқилиб, ҳаво етишмаётгандек сезди ўзини. Кўйлак тугмачаларини ечиб ташлади, бориб деразаларни катта-катта очиб кўйди.

У эшитаётган гапларини шуурига сиғдира олмас, ҳар бир инсон борки, ўз дарди, ўз алами етарлилигини яна ҳам чуқур идрок этиб ўтирарди. Наҳотки, бутун бошли бир одам, яна қишлоқ шўросининг раиси шундай дом-дараксиз кетаверса? Наҳотки, бу ҳаёт шундай ўпқонки, оёқ-қўлли, эсли-ҳушли одамларни ҳам ютвораверади?

— Ўз дардларимни дoston қилиб, сизни ҳам тоза кийноққа солиб кўйдим, — деди хийла фурсатдан кейин Фотима она. — Кейинги йигирма йил ичида у воқеаларни тилга олмагандим. Бир ёзувчи одам эканлигингиз, бу одамохунлигингиз эски аламларимни тўкиб солишимга бир сабаб бўлди шекилли, иним.

— Ҳаммамизда бир дард бор, она. Ўша алам-изтироблар юки сочларимизни тўкиб, қаддимизни букади. Бўлмаса, одам боласи юз йил, икки юз йил умр кўрмасмиди?

— Тўғри айтасиз.

Бу орада тоғ ортидан куёш кўтарилиб, ромайвонда сарғиш-қизғиш шуълалар ўйнай бошлади.

— Мен отланай бўлмаса.

Фотима она йўлакка ўтиши билан Ҳакимали туриб, айвон четига, очиқ деразалар ёнига бориб, дарани томоша қила бошлади. Пастда, сой ёқалаб ўсган қалин дарахтзор, чакалакзорлар устида енгил ҳовур сузиб юрар, куёш кўтарилгани сари унинг зарралари ялтираб, товланиб, ажабтовур бир манзара ҳосил қиларди. Олисяқинда қушлар сайрашар, уларнинг кишига хуш ёқувчи овози нариги қояларда акс-садо берарди. Пастда сой гувиллаб оқар, гоҳида сув оқизган тошларнинг шарақашуруқи қулоққа чалиниб ўтарди.

То пастдан Фотима онанинг овози эшитилмагунича Ҳакимали дара узра таралаётган турли оҳанглар, нурлар ўйинига маҳлиё бўлиб, дераза ёнида узоқ туриб қолди.

Ҳақимали ҳовлига тушиб келаётганини кўриб, Фотима она дарвоза томон икки-уч қадам ташлаган эди, у аста:

— Она, бир фурсат тўхтанг, — деди-да, катта-катта қадам ташлаб, яқинлашиб кела бошлади. — Бир маслаҳат чиқиб қолди.

— Хўш, иним?

— Гап бундоқ, — фикрини қандай ифодалашни билмай, тўхтаб-тўхтаб сўзлай бошлади Ҳақимали. — Биласизми, яхшиси сизни мен билан кўришмагани маъқул.

— Нималар деяпсиз? — қошларини чимирди Фотима она. — Дардимни очган бўлсам, азбаройи сизга ишонганимдан, кўнглимга ўтирганингиз учун гапирдим. Сизни укамдан, ўғлимдан аъло кўриб дардлашдим.

— Энди, ҳарҳолда...

Фотима она Ҳақималини гапиргани қўймади:

— Энди-пенди, деб вақтни ўтказмайлик, Ҳақимали, — Фотима она дарвоза томон юрди. — Сиз ҳам, мен ҳам бир кишимиз, одамлар олдида масъулмиз. Кечаги режа — режалигича қолаверсин.

Ҳақимали ортиқча эътирозга ўрин қолмаганини тушунди, дарвоза томон бораётган Фотима онанинг ортидан эргашди.

Идора йўлагига бурилаётиб, Фотима онанинг кўзи ҳовлида, ариқ ёқасидаги тахта ўриндиқда ўтирган участка инспектори Озод Ваҳобовга тушди.

— Ассалому алайкум, амма, — деди у ўнг қўлини кўксига қўйиб.

Фотима она бошини хиёл эгиб, алик олди-да, тўғри идора эшиги томон бораверди. Ҳақимали милиция лейтенантининг қўлини олиб, самимий саломлашди. Икковлашиб, идорага киришганида Фотима она телефонда гаплашиб турган экан.

— Ҳа, ҳа, Қутбиддин Аҳмедович, мухбир йигит шу ерда, мана ёнимда турипти.

Бу гапни эшитиб, милиция лейтенанти бақрайганича Ҳақималига тикилиб қолди, лекин Фотима она телефонда гаплашаётгани учун индамади.

«Хўп, яхши», деди-да, у телефон дастагини жойига

қўйиб, бошини икки кафти орасига олганича, бир-мунча муддат ўтириб қолди. Ваҳобов бот-бот Ҳакималига кўз ташлаб қўяр, лекин биринчи бўлиб савол беришга ошиқмасликка аҳд қилиб, жимгина кутарди. Ҳокимнинг қўнғироғидан кейин Фотима онанинг бу аҳволга тушиши Ҳакималини ташвишга солиб қўйди, яна ҳалиги гапида қаттиқ тура олмагани учун ўзини қўйди.

— Ҳа, дарвоқе, бу киши Ҳакимали, Тошкентдан келган муҳбир...

Фотима она гапини тугата олмади, милиция лейтенанти ўрнидан дик этиб туриб, Ҳакималига очиқ чехра билан қўл узатди, тез-тез гапира бошлади.

— Мен Озод Ваҳобов бўламан, участка нозириман. Сиз ҳақингизда кеча кечқурун эшитгандим. Бутун минтақа милицияси оёққа туриб, тун бўйи сизни излади. Қандай одам экан деб ҳайрон бўлгандим. Энди кўрсам, оддийгина, ўзимиз қатори бир киши экансиз.

Лейтенантнинг чақноқ чехрасига, ўйнаб турган кулгичларига тикилиб туриб, Ҳакимали кулиб юборди.

— Жиянгинам кап-катта бўлсаям, елкасига зар погонлар тақилсаям, болалигича қолаяпти, — Фотима она туриб, лейтенантни бағрига босди, кейин Ҳакималига ишора қилиб, унга уқтирди. — Озодбек, Ҳакимали аканг жиддий бир юмуш билан юрипти. Уни яккалатиб қўйма.

Бу гаплардан кейин милиция лейтенанти жиддийлашди, Ҳакималидан кўз узмай ўтирди-қолди.

— Оқшом бош муҳаррирингиз ҳокимимизга қўнғироқ қилиптилар, — деди Фотима она Ҳакималига. — Бу ердаги ишларингизни битказиб, Қўшқўрғонга, ҳокимликка ўтаркансиз, — у бир оз тин олиб, қўшиб қўйди. — Бирга ўтамыз.

4

Фотима она билан Ҳакимали идорадан чиқиб, гузардан ўтишаётганида соат тўққиздан ошганди. Улар суҳбатлашиб, аста-аста боришар экан, йўлда бот-бот тўхташга тўғри келди. Фотима она йўловчиларнинг баъзилари билан шунчаки саломлашиб ўтар, гоҳида бирор эшикни тақиллатиб, Ҳовоз беришавермаса, остона ҳат-

лаб, ҳовлига кириб кетар, шундай пайтда Ҳақимали кўчада у ёқдан-бу ёққа юриб, кейинги кунлар воқеаларини ўйларди.

— Кечирасиз, иним, қишлоқчилик, — дерди Фотима она навбатдаги хонадондан чиқиб келгач. — Шу оиланинг тўнғичи Чирчиқ ҳарбий билим юртига имтиҳон топширгани кетганди. Нима бўлдийкин, билай дедим. Кеча хабар қилипти, барча имтиҳонлардан яхши ўтипти.

Улар ёнма-ён боришаётганда қарши томондан «Жип» машинаси елиб келаверди. Ҳақимали уни кўриб, ҳайратга тушганини пайқаган Фотима она астагина:

— Бу Қоракаримнинг машинаси, — деб қўйди. — Набираси ҳайдаб юради.

Машина тезлигини пасайтирмай, кўчани тўзитиб ўтиб кетди.

— Тор кўчада юриши шу, — деди Фотима она оғри-ниб. — Катта йўлга чиқиб олгач, қай алфозга тушишини кўяверинг.

Кўча ўнгга бурилиб, юқорилаб борди. Хонадонлар сезиларли сийраклашиб, кўп ўтмай боғ-роғлар бошланди. Каттагина анҳор устига пишиқ қилиб қурилган кўприкдан ўтилгач, йўл пастга бурилиб, сой томон тушиб борди. Бир километрча юришгач, рўпарада кўкиш дарвоза, баланд девор билан ўралган ҳовли кўзга ташланди. Ҳақиқатан ҳам қишлоқдан ҳийла четда, чакалакзор сой бўйида — овлоқ бир жойда қурилган бу ҳовли дафъатан шуурда қарама-қарши фикрлар уйғотаркан. Гарчи йўл бора-боргунча текис асфальтлангани, дарвоза, ҳатто девор, унинг устидаги тунука ёпқич ҳам ҳар турли рангга бўялганига қарамай, ҳовли бу атроф кенгликларида ғарибона мунғайиб турганга ўхшарди. Дарвоза рўпарасида катта майдон асфальтланган, унинг икки чеккасида икки тиркамали юк машинаси. Улардан бирининг кабинаси кўтариб қўйилган, икки киши моторнинг икки ёнига ўтириб олиб, уни кавлаштириш билан банд.

— Ҳа, дарвоқе, гилослар пишиб етилди, — деб қўйди Фотима она. — Бугун-эрта юк ортишса керак. Қоракаримнинг тижорат фирмаси Россиянинг марказий шаҳарлари, Европа мамлакатлари билан савдосодиқ қилади.

Фотима она дарвозага яқин бориб, кичик эшик ёнидаги қора тутгани босган эди, атрофга сайроқи булбулларнинг ёқимли овози таралди. Шу заҳоти шарақшуруқ қилиб эшик очилди, норғул бир йигит ўзини хиёл четга олиб сўради:

- Сизларга ким керак?
- Лазокатой уйдадилар?

Бу саволни эшитиб, йигит ҳовли ичкарасига уч-тўрт қадам юрган эди, рўпарадаги болохонадор уйнинг ўрта эшиги очилиб, бир аёл пастаккина зинага тушиб келди.

— Давронбек, ўтказиб юбор Фотимабонун, — деди у зинада турган жойида.

— Бу иним мен билан, — деди Фотима она ва кенг ҳовлини кесиб ўта бошлади.

Ҳакимали у билан орқама-орқа борар экан, йўл-йўлакай ён-атрофдаги иморатларга разм солиб борди. Кираверишда, дарвозанинг ўнг ёнбошида эллигинчи-олтмишинчи йиллар рисоласидаги бир хужра-уй. Унга икки қаватли баланд бино туташ. «Ўғиллардан бири кейинги йилларда қурганга ўхшайди», — хаёлидан ўтказди Ҳакимали. Нариди бир қаватли ром-айвонли уй олмазор боққа туташган. Фақат ўша томонларда расамади билан экилган ҳар турли гуллар кўзга ташланади. «Гулбаҳор ўша уйда яшаганмикин?»

Ҳовлининг чап ёнида ошхона, айвонлар қатор тизилган. Ундан нарида яна бир қўшқават бино. Болохонали уй билан унинг ўртасида кенггина усти ёпиқ йўлак.

— Яхши юрибсанми, Фотимабону?

— Раҳмат, — деди зина устида бир пайтлари колхозда ёнма-ён кетмон чолган дугонаси билан кўришаётиб Фотима она.

Бу савол-жавоб Ҳакимали хаёлларини бўлиб юборди. У қўлини кўксига қўйиб, салом берди.

Лазокатой меҳмонларни ичкарига бошлади.

— Ҳализамон ҳовли исиб, ўтириб бўлмай қолади, — деди у даҳлизда, курси ёнига солинган кўрпачага оёқ босаётиб. — Бу жой шабада, салқин.

Ҳакимали девор томонга ўтиб ўтириши билан Фотима она фотиҳага қўл кўтарди:

— Хонадонингиз обод бўлсин, Лазокатой. Бахт ари-масин, бало чекинсин.

Уй соҳибаси малол келгандек икки даҳанини сий-палаб қўйди-да, хўш, хизмат дегандек бир Фотима онага, бир Ҳакималига қараб қўйди. Ўтирган жойида бир селпиниб олиб, Фотима она аста сўради:

— Ака уйдадилар?

— Ҳоким чақиртирган экан. Тошканда катта кўргазма очилаётганмиш. Ўшаққа ҳозиргина жўнади.

— Бўлмаса, гап бундоқ, Лазокатой. Бу иним Тошкандан. Газитдан. Мухбир.

— Журналчиман денг? Чамаси, кеча кечда эркаклар сиз ҳақингизда гапиришаётганди...

Бу гапни эшитиб, Фотима она Ҳакималига бир қараб қўйди, хотиржам ўтирганини кўриб, у ҳам бемалол бўлиб олди.

— ...Нодира яшшамагур арз қилди денг? Қани, бир ўқиб кўрайлик-чи, нималарни ёзганакан?

Ҳакимали ёнига қўйган оқ папкадан аризанинг қисқартириб кўчирилган нусхасини олиб, Лазокатойга узатди.

5

Аризани ўқиб чиқиб, Лазокатойни титроқ босди:

— Ўзи қолиб, аллақачон жойи ростонини топган Гулбаҳорнинг ташвишини қилиб юриптими ҳали у беор. У қилиб-бу қилиб ўғлимни йўлдан урди. Мирсолим ўзи анқов бўлмаса, ўша таги пастга илакишармиди?

— Ўғлингизни хотин устига уйлантирган экансиз, буниси ҳам кетиб қолиптими?

— Нега хотин устига бўларкан? Нодира кетганидан кейин нақ қирқ кун юрди ўғилгина болам. Кейин уйлантирдим-да.

— Келинингиз Гулбаҳор...

Лазокатой гапиргани қўймади. Шанғиллаб кетди:

— Нима, Гулбаҳор? Эси паст, хаёли паришон бир нарса эди. Тунлари уйқусираб боғларда тентираб юармиди-ей. Ана ўшандай талмовсираб, довдираган пайти ўзини ўзи осиб қўйди-да энди.

Ҳакимали учрашув-суҳбат бундан бошқача бўлишини кутмаган ҳам эди. Шунчаки, сирли-синоатли бу хонадонга бир кириб чиқай, бу одамларнинг башарасини бир кўриб қўйай деганди.

— Керак бўлса, ана милисадан сўранг, докторлардан суриштинг.

Лазокатой шанғиллаганича, буларни кутмасданоқ ҳовли бетига тушиб олди. Улар ҳам ортидан зинага чиқишгач, саннай-саннай ҳовлига кираверишдаги ҳалиги хужра томон юрди. Бориб, тахта эшикни шарақлатиб очди:

— Ана, ўзини қаерга осган ўша жинни келин, — деди бир пайтлари икки девор орасига у-бун иилиб қўйиш учун ўрнатилган тирсак йўғонлигидаги терак ёғочни кўрсатиб. — Ўғлим кесиб, мурдани олган арқони ҳам ҳамон жойида турипти.

Ҳакимали беихтиёр ичкарига қаради, ўзи кўрган кир арқоннинг иккинчи бўлагини таниб, уни нима сабабдан ҳалигача олиб ташлашмаганини тушунди. Хийла баланд остонадан хатлаб ўтиб, кир арқонни чиқариб олди, ўраб, папкасига солиб қўйди. Лазокатой унинг ҳаракатларини бефарқ кузатиб турганлиги Фотима онани ҳайрон қолдирди. Аммо индамади, Ҳакимали хужрадан чиққач, аста дарвоза томон юрди. Дарвоза олдида Фотима она ҳамон ёнида саннаб келаётган Лазокатойга ўгирилиб қаради:

— Кечирасан, дугонажон, хизматчилик.

— Сенда нима гап, — қўл силтади Лазокатой. — Мана бу мухбир йигитда ҳам гап йўқ. Қилғилиқни қилар эр-каси, балога қолар серкаси, деганлари шу-да. Бири — ўлди-кетди, бири — чиқди-кетди, лекин гаплари ҳамон тинчимни бузаётгани алам қилади.

— Қўй, ўзингни бос.

6

— Энди мен борсам.

Гузардан ўтиб, идора ҳовлисига кириб бораётган Фотима она бу гапни эшитиб тўхтади, Ҳакималига узоқ тикилиб туриб қолди. Охири:

— Хўш, энди нима қилмоқчисиз? — деб сўради.

— Қўшқўрғонга ўтаман, ҳоким билан учрашишим керак.

— Яхши, бирга борамиз.

— Менимча, бу ишга чуқур киришмаганингиз маъкул, она.

— Нега бундай деяпсиз?

— Ҳали лойқа оқим тиниқиб, сув-сувга, балчиқ-балчиққа ажратилгунича бир оз вақт ўтади, — деди Ҳакимали йўлкада қадамини секинлатмасдан борар экан. — Сиз воқеалардан четроқ чиққанингиз маъқул.

— Иш шунчалик жиддийми, Ҳакимали иним?

— Афсуски, шундай. Сиз буёғига аралашмаганингиз яхши.

— Ахир, нотаниш бир жойда, шундай ҳолатда...

— Бундай вазиятларда кўп бўлганман, агар ҳозир ўзингизни четга олмасангиз, мен ишимни битириб, Тошкентга кетганимда ҳам сизни, ўғил-қизларингизни, набираларингизни, уларнинг тақдирини ўйлаб, бир умр таҳликада ўтаман.

— Қани, ичкари кирайлик-чи.

Ҳакимали эшик томон эмас, гулзор ҳовли чеккасидаги айвончага қараб юрди.

— Она, — деди Ҳакимали улар айвончага чиқишгач, — чамамда, бу ишга анча юқори идорадагилар ҳам аралашган. Вертолёт, Гулбаҳорнинг ўлими, терговчи билан эксперт фожиалари, Россия, Европа билан тижорат, бунинг учун Яккатутдек бир қишлоқнинг танланиши...

— Бўлди, бўлди, Ҳакимали, — деди Фотима она. — Ҳаммаси тушунарли. Бўлмаса, Тошкентга телефон қиламизми? Бош муҳаррирингиз оқшом ҳоким билан гаплашипти-ку? Эҳтимол, кўнғироғингизни кутаётгандир?

— Йўқ, гаплашсам, фақат ҳокимнинг ҳузурида, унинг телефони орқали кўнғироқ қиламан.

Фотима она қаршисидаги кишининг идрокига, мулоҳазаларига маҳлиё бўлиб, унинг воқеа-ҳолатларни шунчалик чуқур таҳлил қилиши, ниҳоятда қамровли хулосалар чиқаришидан лол қолиб ўтирарди. Унинг ҳозирги хатти-ҳаракати шунчаки шоввозона бир интилиш эмас, балки одамларни, жамиятни ўйлаб қўйилаётган мардона бир қадам эди.

Ҳакимали рўпарасида чуқур хаёлга ботиб қолган Фотима онага кулимсираб қаради. «Кулишлари ҳам айнан раҳматли эримга ўхшайди бу йигитнинг, — хаёлидан ўтказди Фотима она. — Ё Аллоҳим, ҳаётини унга ўхшатмагин».

— Нималарни ўйлаяпсиз, она?

— Шу тобда раҳматли амакинғиз ёдимга тушиб кетдилар, — эътироф этишга мажбур бўлди Фотима она. — Гап-сўзларинғизда, феълларинғизда кўп ўхшашликлар борлигини ўйлаб қолдим.

— Афсуски, ҳамма аёллар ҳам сизчалик зукко, идрокли эмаслар...

Ҳозир Ҳакималининг кўнглидан қандай фикрлар ўтаётганлигини, қандай мулоҳазалар унинг ич-этини таталаётганлигини идрок этиш учун Фотима онага шу бир оғиз надоматнинг ўзи етарли эди. У Ҳакималига оналик меҳри билан термилганича узоқ ўтирди. Нигоҳларида бу йигит учун фахр ҳам, изтиробли бир ҳадик ҳам зоҳир эди.

7

Гузарнинг нариги ёнига, Қўшқўрғонга отланган йўловчилар тўпланиб турадиган майдончага боришганида кун пешинга яқинлашиб қолган эди. Ҳар куни икки-уч енгил машина йўловчи кутиб турадиган майдонча бўшлигини кўриб, Фотима она ҳайрон бўлди. Шу пайт бир чеккада, қайрағоч соясида турган эскигина «Москвич» шу томонга тисарилиб кела бошлади.

— Қўшқўрғонга борасизларми? — сўради ойнаси туширилган эшикдан бошини чиқариб, дўриллаган овоз билан шофёр йигит.

— Ҳа.

Ҳакимали шундай деди-да, енгил-енгил қадам ташлаб, машинанинг ўнг ёнига ўтди. Олдинги эшикни очатириб, ўнг қўли кўксига, четроқда турган Фотима онага ёқимли бир кулиб қўйди.

Машина депсиниб қўзғалди. Муюлишда тўхтаган машинанинг орқа ўриндиғига яна икки киши ўтирди. Қишлоқда каттаю кичикни яхши танийдиган Фотима онага уларнинг хатти-ҳаракати ғалати туюлди.

— Ҳайронман, — деди майдон чеккасида, фанер будкасида мих қоқиб ўтирган этикдўз.

Фотима она унга яқин борди:

— Нимага ҳайрон бўлаяпсиз, Абдуллавоё?

— Бояги машинани айтаман-да, она, — деди Абдулла соддадиллик билан. — Тонг саҳарлаб келиб олган. Йўловчилар Қўшқўрғонгами, Жумабозоргами обориб

қўйинг дейишса, қўнмайди. Сизларнинг қорангиз кўриниши билан типирчилаб қолди. Ҳамма ҳам ҳокимиятдан қўрқади-да, а, она?

Бу гап Фотима онанинг кўнглига ғулғула солиб қўйди. У қадамларини илдамлатганича қишлоқ мактаби томон кетди. Милиция таянч пункти ўша томонда эди. Дераза ёнида ташқарини кузатганича телефонда гаплашиб турган Озодбекнинг кўзи мактаб ҳовлисини кесиб ўтаётган Фотима онага тушиши билан гапни қисқа қилиб, фуражкасини қўлига олди-да, ташқарига шошилди.

— Тинчликми, амма?

— Шу ердамининг ҳайтовур? — деди Фотима она хансираб. — Ҳозир Ҳакимали акангни кузатдим. Майдонда бир машинага ўтқазиб юбордим.

— Хўш?

— Машина ҳам, шофёр ҳам нотаниш, жўнаб кетишганидан кейин эшитсам, шу эски «Москвич» эрталабдан майдонга келиб олган, лекин бошқа йўловчиларга рад жавобини бериб, қайрағоч соясида кўзгалмай турган экан.

Бу сўзлар милиция лейтенантини қизиқтириб қўйди. Рацияни қўлига олиб, қишлоқдан чиқаверишдаги пост билан боғланди.

— Мен — иккинчи, бешинчи, жавоб беринг!

— Бешинчи эшитади.

— Эски «Москвич» ўтдими?

— Йўқ. Нима гап?

— Мен ҳозир етиб бораман. Борса, тўхтатиб ушлаб туринглар.

— Хўп бўлади.

— Мен кетдим, — деди Озодбек дарвоза ёнида турган эскигина «Газ» машинаси томон бораётиб. — Сиз ишингиздан қолманг, амма.

У икки соатлардан кейин қайтиб келди. Машина постга етиб бормапти. Озодбек йигитлар билан Яккатутнинг барча кўчаларини, сой бўйларини айланиб чиқипти, бироқ на машина, на ундан бирор дарак топа олипти. Бу гапларни эшитиб, Фотима онани ваҳима босди.

Машина жойидан депсиниб қўзғалганида Ҳакималининг юраги ўйнаб кетди.

— Астароқ ҳайдаш мумкин эмасми?! — деди у жаҳл билан.

— Меҳмонмисиз дейман? — шофёр тезликни кескин ошириб бораверди. — Тоғ йўллари шундай, гоҳи қоқиласиз, гоҳи йиқиласиз.

Ҳакимали индамади. Муюлишда икки йигит кўчанинг нариги бетидан югуриб ўтиб, қўл кўтарди. Шофёр тормозни қаттиқ босди, ғилдирақлар сирпалиб бориб, машина тақа-тақ тўхтаганида унинг боши олдинги ойнага урилай деди. Ҳалиги йигитлар бирор гапсўзсиз, сўрамай-нетмай орқа ўриндиққа ўтиришди.

Бир оз юрди-да, шофёр машинани ўнгга бурди. Тор кўча тикка кўтарилиб, катта бедазорга чиқишди. Машина чанг кўтариб, дала йўлидан чайқала-чайқала кетиб бораётганини кўриб, Ҳакимали шофёрга ўғирилди:

— Ука, қаёққа кетаяпсиз?

— Ана, рўпарадаги тепани ошиб ўтсак, тўғри катта йўлга чиқиб оламиз, — бепарво жавоб берди шофёр.

Дарҳақиқат, тепага кўтарилишганида, сойнинг нариги бетидан, тасмадек товланиб адирни ёнлаб ўтган йўл кўринди. Машина қияма йўлдан ғизиллаганича кетди.

Кенг адирлар, сой бўйлаб бири-бирига туташиб кетган мевали боғлар, ўнг томонда сим бағазларга кўтарилган тоқлардан кўз уза олмай бораётган Ҳакимали орқа ўриндиқдаги икки йигитнинг ўзаро кўз қарашларини пайқамди. Улардан бири — Ҳакималининг орқасида ўтиргани, — киссасидан қора чорси мато чиқариб уни бир учидан буклаб, бир қарич кенгликда тасма ҳосил қилди. Шу пайт ёнидаги йигит тўсатдан Ҳакималини қўллари аралаш икки елкасидан суянчиққа сиқиб, қучоқлаб олди. Ҳайдовчи машинани тўхтатиб, дафъатан, нима бўлаётганини тушуна олмай типирчилай бошлаган Ҳакималини тиззасидан босди.

— Нима қилаяпсиз?! — бақариб юборди Ҳакимали.

— Ҳозир, акахон, ҳозир, — деди орқада ўтирган йигит унинг кўзларини ҳалиги қора рўмол билан боғлаётди. — Мана, бўлди.

Кейин машинадан тушди-да, олдинги эшикни очиб, оёқ остида чувалашиб ётган чилвир билан Ҳакималининг оёқ-қўлларини орқа суянчиқ билан қўшиб ўраб, чандиб боғлади.

Ҳакимали дастлаб юлқиниб, силтанди, лекин тор машина ичида, уч йигитга бас кела олмаслигини тушунди.

— Мана шундай бўлгани ўзингизга яхши, акахон, — унинг тинчиб қолганини сезиб, беўхшов кулимсиради чилвирни боғлаётган йигит.

Шофёр ён чўнтагидан энли скоч олиб, унинг оғзига қўл олиб борди. Орқада икки манглайдан сиқиб олишган, Ҳакимали қанчалик уринмасин, бирор чора тополмади.

— Бурунларини очик қолдир акахонни, — деди чилвир ўрамлари пухта бойланган-бойланмаганлигини текшириб, эшикни ёпаётган йигит. — Нафаслари бўғилиб қолмасин яна.

Машина енгил қўзғалиб, бир оз илгарилаб борди-да, яна ўнгга бурилди. Янги ўрилган беда ҳиди димоғига урилишидан Ҳакимали бедазорни кесиб ўтишаётганини, демак, улар яна қишлоққа қайтишаётганини тусмол қилди.

Энди йигитлар ҳам индамай боришар, фақат моторнинг оғир гувиллашидан машина юқорилаб бораётганлигини, гоҳида унинг енгил кетишидан, қиямалик бўйлаб пастликка тушишаётганлигини пайқаш мумкин эди. Шу зайлда чамаси ярим соат вақт ўтди.

— Нима қилдик? — ниҳоят шофёр овоз чиқарди.

— Бўрижарга қараб юр, — деди орқа ўриндиқда ҳамон Ҳакималининг елкасидан қўлини олмай келаётган йигит. — Сойдан ўтамизу тўғри ҳовлига кириб борамиз.

Машина ғизиллаб кетди. Ҳатто шофёр моторни ўчириб ҳам қўйди.

Босқинчи йигитлар куппа-кундузи уни мутлақо хотиржам олиб кетишаётганидан Ҳакимали бу жойларни улар яхши билишларини идрок этди. Демак, бу зўравонлар шу атрофлик, деб ўйлади. Бу фикр дастлабки карахтлик ҳолатидан чиқиб олишига ёрдам берди. У аста-аста ўзига кела бошлади. Кўп нарса: «Бу уч йигит кимларнинг топшириғини бажараяпти?» — деган саволга аниқ жавоб топишига боғлиқ эди.

Гарчи ҳозирги аҳволида бу ўзи учун аҳамиятсиз туюлса ҳам, шу савол Ҳакималининг хаёлини чулғаб олди. Ҳали Тошкентдалигида, Шодмон Ражабович топшириқнинг ниҳоятда жиддийлигини таъкидлаганидаёқ Ҳакимали ўйлаб қолганди. Йўлга чиқишгач, ҳужжатлар билан танишиб, кейин Нодира, Гулбаҳорнинг ота-онасидан баъзи воқеаларни эшитгач, иш ўзи ўйлаганчалик осон эмаслигини чуқур идрок этган, лекин барибир воқеа бундай тус олишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Туман марказий шифохонасида Гулбаҳорнинг тиббий дафтарчасидаги қайдлар билан танишиб, чиқаётганида фавқулудда воқеалар гирдобига кириб бораётганини Ҳакимали илк марта аниқ тушуниб етди. Шунинг учун Абдуқодирга ортиқча ташвиш орттирмасликка аҳд қилди, уни қайтариб юборди. Шунинг учун ишга янги келган, ҳали катта-кичик билан яхши танишиб улгурмаган Дилбар Раҳимовнани огоҳлантириб қўйишни лозим топди. «Буни тўғри қилдимми-йўқми?» Оёқ-қўли чандиб ташланган ҳолида, кўриш, гапиришга имкони йўқ, ҳали кимлигини англаб етмаган бу йигитлар тутқунлигида шалағи чиққан машинада, тоғ этагида, даладашда бораётиб, Ҳакимали ўзининг устидан ўзи аччиқ кулишга куч топди. Бироқ шунинг ҳам илоҳи бўлмади. Лабларига ёпиштирилган скоч бунга имкон бермади.

Ҳакимали беихтиёр Фотима онани, у ташвишланиб, бекатгача кузатиб келганини эслади. Қизиқ, унинг эрига нима бўлган экан? Кап-катта, бутун бир қишлоқни тасарруф этиб турган бир одам ўз-ўзидан йўқолиб қолса, изи топилмаса, йиллар ўтса ҳам дараги чиқмаса?

Шу фикр хаёлига келиши билан Ҳакимали вужуди музлаб кетаётганини сезди. Беихтиёр Ҳамидахонни, унинг дали-ғули гапларини, юрагига озор берган таънадашномларини эслаб кетди. «Эс-хушингни йиғиштириб ол, акс ҳолда изингни ҳам ўчириб юбораман!» Ҳомид оқсоқолнинг бир пайтлардаги бу дағдаси ёдига тушиб, Ҳакимали бир сесканди. Ўшанда бирга ишлайдиган ходима билан Ҳакималининг яқинлиги ҳақида гап оралаб қолган, бу ижроқўм раиси Ҳомид Кабировичнинг ҳам қулоғига етиб борганди. Тумандаги катта бир йиғинда ҳайъатга: «Наҳотки газета муҳаррирлигига ах-

лоқан бузуқ бир одам муносиб бўлса?» — деган мазмунда савол тушган, йиғилишга раислик қилаётган Ҳомид Кабирович уни ўқиб, ўт-олов бўлиб ёнганди.

2

Озодбек кабинетга Фотима она билан изма-из кирди.

— Нима қилмоқчисиз энди? — деб сўради у.

— Ўзим ҳам ҳайронман, ўғлим, — шундай деди-да, Фотима она тўғри бориб, иш столининг чеккасида турган графиндан пиёлага сув қуйиб ичди. Кейин ўриндиққа беҳолгина ўтирди, оқ рўмолининг учи билан елпина бошлади.

— Мухбир қандай иш билан юрган экан, амма?

Фотима она жиянига тикилганича туриб қолди. Бунини йигит ўзича тушунди, ҳатто оғринди.

— Майли, мумкин бўлмаса — айтманг. Бироқ ҳозирги вазиятда унинг мақсадини билмасдан туриб, мантиқли бирор фикрга келиш қийин.

— Гап бунда эмас, ўғлим. Лекин мени ҳайрон қолдираётгани бошқа нарсас. Ҳакимали воқеалар шундай тус олиб кетиши мумкинлигини тусмол қилганди.

— Наҳотки?!

— Ҳа.

— Унда нега қайтармадингиз?

— Уриндим, афсуски, у кўнмади, ҳатто мени ҳам четга суриб қўйгандек бўлди.

Фотима она ўрнидан қўзғалиб, дераза ёнига борди. Ташқарини бир оз кўздан кечириб турди.

Шу пайт олисда югургилаб келаётган этикдўзга кўзи тушиб қолди. У тўғри келиб, Озодбекни сўради.

— Нима гап? — Озодбек дарҳол дераза ёнига борди.

— Ҳализамон ўша мошин номерини сўрагандингиз.

— Ҳўш?

— Унинг номери йўқ эди.

— Қанақасига? Бўлиши мумкин эмас.

— Ҳа, номери йўқ эди. Ҳали сизга бунини айтмаганим — ўз-ўзимга ишонмаганимдан эди. Чойхоначининг дастёр боласи ҳозир ёнимга келиб қолди. Гап орасида ҳалиги номерсиз машина кўринмай қолипти-ку, деб сўради. Суриштираман, сизни қизиқтираётган мошинни айтаётган экан. Аниқ кўрипти, номери йўқ экан.

— Раҳмат, Абдулла ака, — деди-да, Озодбек тўғри бориб, телефон дастагини қўлига олди.

— Менга туман бўйича навбатчини уланг.

У навбатчига юз берган воқеани қисқача тушунтириб, машинанинг белгиларини айтгач, дастакни жойига қўйиб, ҳамон дераза ёнида турган Фотима онага яқинлашди:

— Мухбир қандай иш билан келган эди, амма?

Фотима она стол ёнига қайтди. Яна бир пиёла сув қуйиб ичди, лекин индамади, хийла фурсат ўз хаёллари билан бўлиб қолди.

— Бўлмаса, мендан эшитинг. Кеча пешиндан кейин навбатчи телефонда Тошкентдан келган мухбирни тезда топиб, туман ички ишлар бўлимига олиб келишни топширди. Бу — Тошкентдан келган буйруқ, деди. Мухбир келса, сизга учрашади, Қоракарим аканинг фермер хўжалиги билан қизиқади, нари борса, Тентаксойнинг устидаги болалар оромгоҳига ўтади деб, шу жойларни айланиб-суриштирдим, икки-уч одамга топшириқ бериб қўйдим. Ҳали катта йўлдаги милиция постига борсам, у ерда ҳам йигитлар тунни беҳаловат ўтказишипти.

Озод гапиргани сари Фотима она қаддини тиклаб, уни эътибор билан тинглай бошлади. Бора-бора ўтирган ўрнидан туриб кетди.

— Эрталаб шу гапларга шама қилгандек бўлувдинг-ку?!

— Ҳа-да! Ўшанда Ҳакимали аканинг юзида кескин ўзгариш бўлди, аммо индамади, гапларимга эътибор бермагандек кўрсатди ўзини. Лекин аслида диққат билан эшитди, бир оз безовтароқ бўлиб қолди.

— У режасини нега бунчалик ўзгартирганлигини энди тушундим, — деди.

— Қандай режа?

— Дастлаб гапига кўра, ҳокимликка Ҳакимали билан мен ҳам бирга боришим керак эди, — деди Фотима она. — Бироқ Қоракарим хонадонига кириб чиққанимиздан кейин у фикрини ўзгартирди. Мени қолдириб кетди.

У бир оз фурсат жим қолди, кейин ҳамон тик турган Озодбекка ўтир, дегандек ишора қилди. У келиб ўтиргач, оҳиста сўзлай бошлади. Ҳакимали қандай юмуш

устида юрганини, Қўшқўрғонда аниқлаган маълумотларини, бугун эрталабки суҳбатни, Лазокатойнинг гапларини — ҳамма-ҳаммасини бир бошидан гапириб берди.

Ҳар иккалалари ҳам ўз хаёллари билан бўлиб, узоқ муддат сўзсиз ўтириб қолишди. Биринчи бўлиб яна Фотима она сўз очди:

— Дарҳол Қўшқўрғонга, ҳокимиятга боришим керак.

— Яхши. Мен шу атрофда бўламан.

— Ҳамма гапларни эшитдинг, — деди идорадан чиқар экан Фотима она. — Нимаики қилсанг, чуқур ўйла. Ёш эмассан. Лекин ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам шуни унутмагинки, Ҳакимали ҳақиқатни аниқлаш ҳаракатида эди.

— Хўп.

3

Сойдан ўтиб, яна ўнқир-чўнқир дала йўлида чайқалиб-чайқалиб бораётган машина бир силкиниб асфальт йўлга чиқиб олгач, пастлик томон енгил-енгил, физиллаб кета бошлади. Ҳакималининг шууридан бир нарса чақнаб ўтгандек бўлди. Унда наҳотки булар ўша овлоқ хонадонга олиб борувчи йўлга чиқишди, деган савол туғилиши билан фикрлари яна чувалашиб кетди.

Агар шундай бўлса, ҳозир машина чапга бурилади. Эрталаб Ҳакимали Фотима она билан бораётганида шу бурилишда асфальт чўкиб, йўл ўйдим-чуқур бўлиб кетганига эътибор берганди. Ҳатто у қиш қор-ёмғири эзиб юборипти-да, дея хаёлидан ўтказганлигини ҳам эслади. Нотекис жойдан ўтилгач, йўл кескин қўтарилади. Тепага чиқиш жойида ер тагидан қувур ўтганми, ҳар қалай асфальт кўндалангига бўртиб ётарди. Бурила бошлаган машинанинг олдинги чап гилдираги шу пайт чуқурга тушиб кетди, бу силкинишдан суянчиққа чандиб боғлаб қўйилган Ҳакималининг бўйни узилиб кетай деди. Гарданида қаттиқ оғриқ турди. Лекин у ҳозир шунга ҳам эътибор бергудек эмасди, эрталаб ўзи босиб ўтган йўлнинг ҳолатини қаричма-қарич эслаб борарди.

Ўйдим-чуқур жойдан ўтилгач, шофёр тезликни ўзгартирди, мотор зўриқиб ишлай бошлади. Бир оз қўтарилиб боришгач, икки олдинги гилдирак бараварига дўнгликка урилиб, машина бир қўтарилиб тушди. Энди

Ҳакимали ўзини қаерга олиб боришаётганига тўла ишонч ҳосил қилди. Дарҳақиқат, тепалик ошиб ўтил-гач, моторнинг овози енгил тортди, ҳатто ишлаётгани сезилмай ҳам қолди. Машина гизиллаганича пастга ту-шиб борди. Шофёр бот-бот тормозни босиб борарди.

Наҳотки, купа-кундуз уни, ҳайиқмай-нетмай бе-малол шундай бебошликларни қилаверишса, деб ўй-лади Ҳакимали. Ҳали шу йўлдан келиб-кетиб, биронта одамни учратмаганлигини эслади. Фотима она йўл-йўлакай, ҳатто болалар ҳам бу томонларга мол ҳайда-маслиги, хонадон қишлоқдан шунчалик узилиб кетгани ҳақида аста-аста сўзлаб борганди. Билсангиз, гоҳи-гоҳида қишлоқни оралаб қолувчи тиланчилар ҳам бу то-монларга ўтишмайди, деган эди у.

Машина чапга бурилиб, тўхтай бошлаганида дар-воза оғир ғийқиллаб очилди. Демак, буларни кутиб, яқинлашиб келаётганликларини кўриб туришган. Энди у кенг ҳовлини кўз олдига келтирди. Қаерга олиб кири-шар экан?

Ҳакимали ўтирган томондаги эшикни очишди. Ким-дир, гап-сўзсиз, ўриндиққа боғланган арқонни еча бошлади. Оғир-оғир қадам товуши эштилди. «Тинч-ликми?» Бу овоз нотаниш эди. «Ҳа». Бу — ҳалқ елкаси-дан босиб, қимирлатмай кўйган йигитнинг товуши. «Пастга олиб тушинглар», — деди нотаниш овоз эгаси.

Машинадан туширишгач, Ҳакимали бир юлқинди. Рўпарасида турган одамни қулочкашлаб ургандек ҳара-кат қилди. Лекин гавдаси селпиниб, гандираклаганича йиқилиб тушди. Йигитлардан бири уни босиб олди, ёқимсиз кулди, ачингандек бўлиб деди:

— Акахон, ўзингизни қийнаб нима қиласиз?

— Оёқларини ҳам боғлаб ташла, — деди нотаниш киши.

Оёқ-қўли боғланган Ҳакималини икки киши кўта-риб кетди. Пастаккина зинага чиқишгани, очилаётган эшик товушидан билдики, уни болохонали уйга олиб киришяпти.

— Курсини четга ол, қопқоқни оч, — деди яна но-таниш товуш.

Кўкси, елкалари нимагадир урилиши билан Ҳаки-мали уни тор зина бўйлаб пастга олиб тушишаётганли-гини сизди. Пастда оёқларидан, юқорида қўлтиғидан тутиб тушишарди. Пастдаги кишилардан бири тиззаси-

дан маҳкам кучоқлаб олди, бири елкасидан чангаллади. Чамаси, зинадан тикка тушиб боришарди.

Ниҳоят, олдинда кўтариб тушаётган йигит қўлини қўйиб юборди. Бири-бирига чандиб боғланган оёқлари ерга урилганида, тиззалари зириллаб, тақими узилиб кетгандек бўлди. Шу пайт икки елкасидан кўтариб тушаётган йигит ҳам чангалини бўшатиб юборди. Ҳаким-али ёнбоши билан қулади, боши зина қиррасига зарб билан тушди.

4

— Қуш айтган шохингизга қўнди, ота...

Шу бир оғиз гапни эшитиши билан Қоракарим қўл телефонини ўчирди, кафтида тутганича, бирмунча муддат унга тикилиб қолди. Кейин аста бошини кўтариб, энли, катта стол ортида ўтирган Қурбоновга қаради. Нигоҳлар тўқнашди.

— Ҳаммаси жойида, ҳокимбува, — ўртадаги жимликни биринчи бўлиб Қоракарим бузди. — Ҳаммаси жойида, — у телефонни ички чўнтагига солаётиб, ёшига мос бўлмаган бир тарзда юмшоқ ўриндиқдан қўзғалди. — Энди менга рухсат. Тошкент тадоригини кўрай.

Ҳоким суянчиғи баланд чарм ўриндиқдан истар-истамас турди.

У Қоракаримга киприк қоқмай тикилганича стол оша қўл узатди:

— Яхши боринг.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — энди Қоракаримнинг сўзлари анча юмшоқ эшитилди. — Қўнглингиз тўқ бўлсин, менга ишонинг. Бу ҳангомалардан бирйўла қутулиш вақти келди.

— Раҳмат, ота.

Қоракарим чиқиб кетди, лекин Қурбонов бирмунча муддат тик туриб қолди. Унинг қўнгли безовта эди. Туни билан ўринда тўлғаниб чиқди. Ҳатто сойнинг бир текис шовуллаши ҳам уни тинчлантира олмади. Охири тонгга яқин ўрнидан туриб кетди, зарбоф тўнни елкасига ташлаб, боғни узоқ айланди. У ўйлаб ўйига ета олмади. Шу туманга ишга келдию назарида ҳаммаси чаппасидан кетди.

Тўғри, туманга тайинланаётганида юқоридагилар уни огоҳлантиришган, Қўшқўрғон анча-мунча мураккаб

туман эканлигини тушунтиришганди. Лекин гирдоб қанчалик кучли эканлигини иш бошлагач англаб ета бошлади. У ҳокимликка сайланганида биринчи бўлиб табриклаган киши ҳам мана шу Қоракарим ота бўлди. Тошкентдан келган меҳмонларни кузатиб, кабинетга кирса, дераза ёнида ҳовлини кузатиб турипти. Ўгирилиб, илдам яқинлашиб келаётган жиккаккина бу кишининг юзига кўзи тушиши билан бутун вужудида ёқимсиз бир титроқ турди. Дафъатан, у ўзини йўқотиб қўйди. Қопқора юз, оппоқ қошлар, унинг остида аллақандай ўткир нигоҳли чуқур-чуқур кўзлар.

— Ассалому алайкум, ҳокимбува, — деди қария. — Қутлайман, Оллоҳ омадингизни берсин. Асло кам қилмасин.

Қурбонов сўрашиш учун узатилган қоп-қора қўлни қандай олганини, қандай қўйиб юборганини ҳали-ҳали эслай олмайди. Аммо биринчи учрашув чоғидаги гижиниш тез орада ўтиб кетди. Бора-бора ота-бола тутиниб олишди, кечки пайтлари мана шу боғда узоқ-узоқ суҳбатлашиш одат тусига кирди. Бу жойларни қайтадан яшнатиб, боғ қилган ҳам мана шу Қоракаримбой бўлади. Аллақаерлардан усталарни топиб келиб, кўпдан буён ташлаб қўйилган иморатларни икки-уч ҳафтада таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Таъмирлаш ишлари тугагач, уни бошлаб келиб:

— Мана энди Қўшқўрғонни тасарруф этинг, мана шу боғларда бахтимизга кўп йиллар давру даврон суринг, — деди у.

Шу-шу Қоракаримбой билан борди-келди чуқурлашиб кетди. Шу кишининг таклифи билан Қўшқўрғонда катта-катта ишлар бошланди. Неча йиллардан буён битмай ётган мактаб қурилиши уч-тўрт ойда тугашига ҳам шу одам бош қўшди. Унинг айрим гаплари, хатти-ҳаракатлари гоҳида шошириб ҳам қўярди.

Бир куни Тошкентдаги катта йиғилишда, танаффус пайтида катта бир амалдор Қурбоновни четроққа олиб:

— Ота қалай юриптилар? — деб сўраб қолди. — Соғлиқлари яхшими? — у жавобни кутмади, ўнг қўлини кўтариб, кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, таъкидлади. — Отанинг маслаҳатларига безътибор қолманг, асло кам бўлмайсиз.

Суҳбат давомида Қурбоновнинг тушунгани шу бўл-

дики, бу одам Қўшқўрғонда бошланган ишлардан яхши хабардор. Айниқса, тамакини қайта ишлашни ташкил этиш ҳақида сўзлаб, яқин бир мамлакат ишбилармонлари билан ҳамкорликда қўшма корхона қуриш хусусида гап очилганида бунга узил-кесил ишонч ҳосил қилди. Бир йилки, бой ота шу фикрни ўтказмоқчи бўлиб юарди.

— Асло иккиланманг, — деди амалдор хайрлашаётиб. — Отага қулоқ солинг. Бу тамаки майдонлари кенгаяди, неча юз киши ишли бўлади деган гап.

Орадан кўп ўтмай, Ота хорижда бўлиб, шундай корхона қуриш ҳақида фикрлашиб келди.

Яқунловчи музокараларда Қурбонов ҳам иштирок этди. Шартнома Ўрта ер денгизининг шарқи-жанубий қирғоғидаги кичик бир шаҳарда имзоланди.

Лекин вақт ўтган сари ҳаловати йўқолиб бораётганини Қурбонов тобора чуқурроқ ҳис этарди. Айниқса, сўнгги воқеалар уни хийла гангитиб қўйди.

5

— Тошкентдан сўрашаяпти.

Котибанинг овози Қурбоновни хаёлот уммонидан олиб чиқди. У ҳамон эшик олдида турган қизга бир фурсат тикилиб қолди-да, телефон дастагини кўтарди. Бош муҳаррирнинг таниш овози эшитилди.

— Йўқ, Шодмон Ражабович, ҳали Қодиров ҳокимликка келгани йўқ, — деди Қурбонов саломлашгач, унинг саволини кутиб ўтирмасдан. — Албатта, келиши билан ўзим қўнғироқ қиламан.

У дастакни жойига қўйди, ўрнига ўтириб, котиба қолдириб кетган эрталабки почтани кўздан кечиришга киришди. Бироқ хаёллари чувалашиб, қўлидаги хатни папка устига ташлади. Ўрнидан туриб, хонани айлана бошлади. Ҳа, отани таниб бўлмай қолди. Ўзи ҳам қандай чуқур жарлик бўйига келиб қолганини бир кун кечки пайт ота меҳмонхонага келиб, гап бошлаганида аниқ тассаввур қилди.

— Товонга тош ботса, мия зириллайди, — деди Қоракарим очиқ дераза орқали сойнинг шовуллашига қулоқ солганича. — Шу йиллар мобайнида бир тану бир жон бўлиб, чатишиб кетдик.

Қария нима демоқчи эканлигини Қурбонов билиб

турарди, келин ўзини ўзи осиб, прокуратура жиноий иш қўзғатган, тергов бошлаб юборилган эди.

— Иш чуқурлашса, яхши бўлмайди, ҳокимбува.

— Нима демоқчисиз?

— Айтарлик жиддий гап йўқ. Терговчи хулосасини берган.

— У ҳолда нега ваҳима қиласиз?

— Қудратовингиз ишни кавлаштирмоқчи, назаримда.

Қурбонов Кўтарма қишлоғида ўтган оқсоқол сайловидан қайтишаётганида прокурор айтган гапларни эслади. У отанинг кичик келини арз билан келганини, овсини ўзини осмаганини тасдиқловчи далиллар борлигини айтганини гапирганди.

— Қўйинг бу гапларни, — деганди Қурбонов эътироз билдириб. — Милиция акти, экспертиза хулосаси — етарли асос. Келинини отанинг ўзи тинчитади.

— Гап шунда-да, тинчита олмайдиган кўринади.

Улар бирор муддат жим боришди.

Машина сой бўйлаб, тебрана-тебрана борар экан, ҳар иккиси ўз хаёллари билан банд эди. Ҳоким Қудратовнинг сўнгги гапини эшитмагандек кўринарди. Бунга сезиб, прокурор ўгирилиб, орқа ўриндиқда ўтирган Қурбоновга қаради.

— Нега тинчита олмайди?

— Негаки, жасадни экспертизага олиб кетишгач, у ортиқ бу оилада яшамаслигини айтиб, ота уйига кетиб қолган.

Шундай деди-да, прокурор шофёрга тўхташга ишора қилди. У машинадан тушиб, сигарета тутатди. Тик қирғоқни ёнлаб, ёлғизоёқ йўлдан пастга, сой бўйига қараб юрди. Қурбонов унга эргашди. У Қудратовнинг одатини яхши биларди. Бирор муҳим гапи бўлса, далага бошлаб қолар ёки боғ оралаб кетарди. Овлоқ жойга чиқишгач, бирор тошгами, қийшайиб ётган тўнкагами ўтириб оларди-да, аста-аста сўзлай бошларди.

Қурбонов сой бўйига тушиб борганида Қудратов ясси тош устида сигарета тутатиб ўтирарди.

— Кичик келиннинг айтишича, Гулбаҳор ўзини осмаган. Уни бўғиб, кейин бўйнига сиртмоқ солиб қўйишган.

— Буни исботловчилар борми?
— Йўқ, — деди прокурор ўрнидан оғир кўзғалиб. — Биласиз, тиббий экспертнинг машинаси жарга ағдарилиб кетди. Мотоцикл юк машинасига урилиб, терговчи ҳалок бўлди.

— Булар энди бахтсиз бир тасодифлар-да, — деди Қурбонов сой шовқинига қулоқ солганича.

— Қани энди шундай бўлса...

Қурбонов шашт билан Қудратовга ўгирилди:

— Нима демоқчисиз?!

— Деярли ҳеч нарса...

Шуларни эслаб, Қурбонов отага салгина тутун қайтарган бўлди.

— Прокурор прокурорда, ота.

— Ҳарқалай иш чуқурлашмагани яхши. Билсангиз, сизга ҳам, менга ҳам шундай бўлгани маъқул.

Ҳокимнинг авзойидаги ўзгариш Қоракарим назаридан четда қолмади. У чертиб-чертиб гапини давом эттирди:

— Мушук-сичқон ўйнашни бас қилайлик ҳокимбува. Биз барибир аллақачон бир дарахтнинг шохларига айланиб улгурдик. Сиз тебрансангиз ҳам, мен силкинсам ҳам дарахт қўпорилади. Шуни асло унутмайлик.

Қоракарим, менинг гапим тамом, дегандек эшик томон юрди. Ич-ичидан тўлганиб ўтирган Қурбонов креслодан шашт билан кўзғалди, очиқ дераза ёнига бориб, ташқарига тикилганича қотди-қолди. Пастда, майдонга кириб, гулзор ёнидан тўхтаган «Матиз»дан Фотима она тушиб келаётганини кўрдию дераза ромига муштини шундай қаттиқ урдики, тирсак суяги зириллаб, елкасида кучли оғриқ турди.

Еттинчи боб

1

— Тадбиркорлик масалалари бўйича кенгаш бошланди, — деди котиба Фотима онага пиёлада чой уздаётган.

У яна нимадир демоқчи эди, катта стол устида тизилишиб турган телефонлардан бири чўзиб-чўзиб жиринглай бошлади. Қиз шошилиб қолди, кейин илдам бориб дастакни кўтарди:

— Қабулхона эшитади, — бир оз тинглаб туриб, — яхши кенгаш тугаши билан айтаман, — деди-да, дас-такни жойига қўйди. Стол устида сочилиб ётган қоғозларни хафсаласизлик билан йиғиб, қалин қора муқовали папкага солиб қўйди. — Одамларга ҳайронман, ўзларича бир қадам ҳам қўйиша олмайди. Тошкентдан бир мухбир келган экан, кечадан буён тўпалон. Осмон узилиб ерга тушгандек гўё.

Фотима она сергакланди. Қиз стол орқасидан чиқиб, кичик столдаги чойнакни олиб, бўш пиёлани тўлдирди, ўзига ҳам чой қуйиб, рўпарага ўтирди. Котиба қисқа-қисқа ҳўплаб, қўлидаги пиёлани биринчи марта кўраётгандек айлантириб ўтирарди.

— Ўзи ҳали қорасини ҳам кўрсатгани йўқ ўша мухбир, лекин каттаю кичикда ҳаловат йўқ. Ҳайронман, нега бунчалик безовта бўлишади?

Фотима она қанчалик интиқ бўлмасин, котибадан бундан ортиқ гап чиқмади. Ниҳоят, чорак соатлар ўтгач, эшик очилиб, одамлар бирин-сирин чиқиб кела бошлашди. Улар Фотима онага эгилиб, ҳурмат билан салом беришар, баъзилари котиба қиз қора папкадан олиб узатган қоғозларни олиб, йўлакка ўтиб кетишарди. Бир пайт олдинма-кейин икки нотаниш киши чиқиб келди. Уларни кузатиб қайтгач, Қурбонов Фотима она билан сўрашиб, ичкарига таклиф қилди.

— Тошкентдан келган мухбир Яккатутда нега айла-нишиб қолди? — сўради у узун столнинг икки томонига рўпарама-рўпара жойлашиб олишгач.

— Ўзим ҳам шу хусусида келдим, Қутбиддин ўғлим. Ўзи кеча шом пайти пайдо бўлди. Чекка қишлоқда қа-ерга ҳам борарди, бизникида ётди. Эрталаб, чойдан кейин Қоракаримникига отланди. Албатта, мен ҳам бирга кирдим. У киши уйда йўқ экан. Лазокатой билан бир оз суҳбатлашди. Кенжа келин хусусида. Тушундимки, у арз қилган. Лазокатойнинг феъли яхши маълум, бирпасда пов этиб ёнди-ю, бобиллашга тушди. Мухбир ҳам гапни кўп чўзмади. Фақат катта келин ўзини осган ҳужрани кўрсатишни сўради.

Қарасак, қазноқда, кетмон дастадек хоҳачада бир чилвир осиглиқ. «Ана, кесиб олинган арқон ҳали ҳам жойида турипти», — деди Лазокат. Мухбир бола бориб уни ечиб олди...

— Йўғ-е?

Боядан буён Фотима онанинг сўзларини жимгина тинглаб ўтирган Қурбоновнинг бўғзидан ғайритабиий бир хириллаш отилиб чиқди. Кеча милиция бошлиғи Гулбаҳорнинг тиббий кўрик дафтарчаси бир йўқолиб, бир топилиб қолганини айтганида юрагига тушган гулгула гирдобга айланди. Демак, мухбир ишни анча чуқурлаштиряпти, ўйлади у. Аммо ўзини босиб, рўпарасида ўтирган аёлга бир оз муддат тикилиб турди. Фотима она кимнинг ҳузурида эканлигини, нима гап билан келганини эслаб, кўзларини олиб қочмади. Унинг бу хотиржамлиги Қурбоновни жиғибийрон қилиб юборди.

— Ўзи қани, ахир?!

— Ўзим ҳам шуни аниқлагани келдим, — Фотима она қўлидаги бўш пиёлани чойнак ёнига аста қўйди. — Эрта билан фикри бошқача эди, бу ёққа бирга келмоқчи эдик. Қоракаримникидан чиққанимиздан кейин фикри кескин ўзгариб қолди. Мени Яккатутда қолдириб, ўзи йўловчи машинада бу ёққа жўнаб кетди. Аммо бирор соат ўтгач, мен ташвишга тушиб қолдим. Тўғри бу ёққа келавердим.

Қурбонов беихтиёр девордаги соатга қаради, вақт алламаҳал бўлиб қолганди.

— Қизиқ, яна қаерларда юрипти экан? — деди ҳоким ўзига-ўзи гапираётгандек.

У аста-аста бориб, номерсиз аппарат дастагини кўтарди.

— Менга бошлиқни уланг, — у томонда дарҳол жавоб беришди чамаси, Қурбонов гапни қисқа қилди. — Мухбир эрта билан Яккатутдан биз томонга жўнаган экан, суриштиринг-чи, қаерларда юрипти?

Қурбонов столни айланиб жойига ўтирганида эшик очилди, котиба кўринди:

— Тошкентдан қўнғироқ қилишаяпти.

Ҳоким ўрнига оғир ўтирди, қизил телефон дастагини кўтарди.

— Қурбонов эшитади. Э, Шодмон Ражабович, салом-салом. Ўзим ҳам ҳозир қўнғироқ қиламан деб тургандим, — у гапираётиб, чап қўли билан Фотима онани стол ёнига таклиф қилди. — Ҳа, хабар топдик. Ходи-

мингиз Яккатутда тунаб қолган экан. Лекин ўзини ҳали кўрганам йўқ. Эрта билан туман марказига бораман деб жўнаб кетган экан...

Шу пайт ҳалиги рақамсиз қора телефон аппарати устма-уст жиринглаб қолди. Қурбонов чап қўли билан дастакни кўтариб, қулоғига тутди, бирдан ранги ўзгарди, беихтиёр ўнг қўлидаги дастакни жойига ташлади.

— Участка вакили навбатчига шундай дептими?!

Унинг овозида таҳлика, талваса кучли эди. Фотима она ҳам буни сездди. У ўрнидан туриб, индамасдан эшик томон юрди.

2

«Жип» дарвозадан ўтиб, ҳовли ўртасида силтаниб тўхтади.

— Кўзингга қарасанг бўлмайдимиз, бўтам, — беозоргина танбеҳ берди Қоракарим машинадан шошилиб тушаётган набирасига. Лекин у орқадан айланиб ўтиб, эшикни очганида кўзларида илиқлик пайдо бўлди. — Раҳмат, шоввозгинам.

Набира елкасини тутди, Қоракарим унга суяниб машинадан тушди. Ҳовлини бир сидра кўздан кечириб, ром айвон томон юрди.

Шу пайт ўрта уйдан Жаббор чиқиб келди, уч қадам нарида тўхтаб, қўлини кўксига қўйди:

— Айтганингиз бўлди, хўжайин.

— Буни хабар қилдинг, бошқа нима гап бор?

— Маҳсум арзномани олиб, Тошкентга тушиб кетди.

Қоракарим индамасдан ўрта уйга кирди. Жаббор чаққонлик билан курсини бир четга сурди, сандал ўртасидаги патнисдек темирни четга олиб қўйди-да, тик зинадан аста-аста пастга туша бошлади. Орқасидан инқиллаганича Қоракарим эргашди. Охирги зинада юмшоқ бир нарсага қоқилди, Жаббор билагидан тутиб қолмаганида қоронғи ертўлада йиқилиб тушиши аниқ эди.

— Четроқ суриб қўймайсанларми?! — тўнғиллади Қоракарим ўзини тутиб олгач.

Жаббор энгашиб, Ҳакималини оёғидан судраб, зина орқасига олиб ўтди. У қилт этмади.

— Чироқни ёқсанг-чи, касофат!

Шифтда кичкинагина лампочка қизғиш шуъла сочиб ёнди. Қоракарим бир муддат кўзларини юмиб турди-да, кейин аста зина ортига ўтди. Ҳакимали юзи ерга қараганича чўзилиб ётарди.

— Бехушми дейман? — сўради жаҳл билан Қоракарим. — Оёқларини ечиб қўй.

Жаббор энкайиб, чийратма чилвир учларини топганича ана тимирскиланди. Охири Ҳакималини орқасига ағдарди, тугунни топиб, чилвирни ечди. Ҳакималининг ўнг қулоғида қотиб қолган қонга кўзи тушиб, Жаббор бир сапчиб тушди. Боя судраганида ерга сидирилган бурун учида қон бодраб-бодраб турарди.

Кўзлари чандиб боғланган қора рўмолни ечиб, скочни кўчириб олишаётганида ҳам Ҳакимали қимирламади. Буни кўриб, Жабборнинг капалаги учди. Бироқ ота ҳамон жимгина кузатиб тургани учун у ҳам тинчланди. Лекин Ҳакималининг манглайи моматалоқ бўлиб кўкариб ётганига кўзи тушиб, Қоракарим яна тўнғиллади:

— Шунчалар калтаклайсанларми, ноинсофлар?!

— Урганимиз йўқ, — деди Жаббор. — Ҳатто чертмадик ҳам. Шундай бўлдики, бу одам қаршилиқ кўрсата олмади.

— Қани, қўлини ҳам ечиб қўй-чи.

— Бойбува?!

— Нима «бойбува»? — энсаси қотди Қоракаримнинг. — Еч, ечиб қўявер.

— Ахир?!

— Ҳеч нима бўлмайди, еч, — энди Қоракарим овозини бир парда баландлатди. — Бу ертўладан, ҳатто Ҳошим шўро ҳам чиқиб кета олмаган. Мана шу девордаги каваклардан бирида суяклари қолиб кетди.

Жаббор Ҳакималининг қўллари танасига ёпиштириб боғланган чилвирни ҳам ечиб олди. Шунда қўллар беҳол ерга тушганини кўриб, энди чинакамига кўрқиб кетди, ялт этиб отага қаради. У қўлини силтаб, зина томон юрди.

— Эрталаб барвақт Тошкентга жўнаймиз, — деди зина ёнида тўхтаб Жабборга. — Машинани бир кўриб қўй. Қишлоққа тунда қайтишимизга тўғри келади.

— Ҳўп бўлади, хўжайин.

Дарвоза кўнғироғи босилиб, хонадон ичкарасида сайроқи булбуллар овози эшитилган пайтда Лазокатой энди нонуштага ўтирган эди. У дилтанг бўлиб, ўрнидан оғир кўзгалди, дераза пардасини суринқираб, ҳовлига қаради. Остона ичкарасида Жаббор милиция кийимидаги йигит билан гаплашиб турарди. Хизматдан қайтган ўғилларидан бирими деса, ҳали вақт эрта, уларнинг ишдан келадиган пайти бўлгани йўқ. Яна ким бўлди бу?

Кейинги кунлари тинчлик йўқолди бу хонадонда. Шунча замонлар типпа-тинч яшашди, ўн йилча илгари Истанбулга бориб келди-ю, эри тижорат-тижорат деб қолди, илгариги оромлари йўқолди. Келинларнинг бирини четга суриб, иккинчисини олиб юришгани ҳам баҳаннав экан, кейинги кўргуликлар дард устига чипқон бўлди.

Жаббор катта-катта қадам ташлаганича яқинлашиб кела бошлади. Унинг кўриниши ташвишли туюлди. Пардадан қўлини олиб, Лазокатой энди курси ёнига келиб ўтирганида эшик очилиб, остонада хизматкор бола кўринди.

— Жаббор аканинг гапи бор экан.

— Нима гап, айтаберсин.

Этикнинг тапиллашидан Жаббор зинага чиқиб келаётгани сезилди. Юқори айвончага кўтарилгач, қадам товуши эшитилмай қолди. Эшик ғира-шира очилди.

— Она, участкавой келди, — деди Жаббор. — Озодбек-чи, ўша. Ҳовли-жойни кўриб чиқай дейди.

— Чақир, кирсин-чи. Нима гапи бор экан, эшитайлик.

Жаббор зина оша сакраб тушиб ҳовли ўртасига етиб бормасдан Лазокатой айвончага чиқиб келди. Озодбек гилам тўшалган зина ёнида тўхтаб, салом берди.

— Нима гап, ўғлим? — сўради алик олгач Лазокатой.

— Кечирасиз, ҳожиона, қишлоғимизга Тошкентдан бир мухбир келган экан, — деди Озодбек қўлини кўксига қўйиб. — Кечадан буён шу йўқ.

— Қанақасига йўқ бўлсин оёқ-қўлли бир одам? — таажжубланди Лазокатой.

— Билмадик, — деди ҳамон қўлини кўксида тутиб Озодбек. — Эшитганим шуки, у кеча эрта билан хонадонингизга келган экан.

— Ҳа, келди. Фотимабону бошлаб келди. Яшшамагур кенжа келинимнинг арзини суриштириб юрган экан.

— Шундан кейин гузарда бир машинага ўтириб, Қўшқўрғонга жўнаган, лекин қишлоқдан чиқмаган.

— Бу энди бир тусмол бўлса керак.

— Йўқ, ҳожiona, қишлоқдан чиқса, постдагилар кўришарди.

— Хўш, биздан нима истайсиз?

— Тумандан буйруқ келди — ҳамма хонадонларни, дала-боғларни кўздан кечириб чиқаяпмиз.

— Ундоқ бўлса, ана, кўринг, ўғлим, текширинг, — шундай дея у Озодбек билан ёнма-ён қўл қовуштириб турган Жабборга тайинлади. — Ҳаммаёқни кўрсат, боққа олиб ўт.

Йигитлар боғ дарвозадан ўтиб кетишгач, Лазокатой айвонга кириб, курси ёнига ўтирди. Бироқ иштаҳаси бўғилиб, косадаги совиб қолган ширчойни нари суриб қўйди-да, ёстикқа суянганича хаёлларга берилди.

4

Озодбек боғни айланиб, уй хоналарини, ҳатто қоронғи оғилхоналардаги чироқларни ҳам бир-бир ёқиб, кўздан кечириб чиқди. Дарвоза рўпарасидаги эски уй олдида тўхтади. Шу ерга келганида ярим соатдан буён участка вакилига соядек эргашиб юрган Жаббор ўзини тутиб тура олмади:

— Бўлдим, бек йигит?

Бу савол Озодбекка ғайритабиий туюлди, рўпарасида қаққайиб турган норғул йигитнинг юзига тикилиб қаради. Унинг чап даҳани учиб-учиб қўяётгани диққатини тортди, лекин дарҳол кўзини ундан олиб:

— Бу анча эски иморатми? — деб сўради.

— Ҳа. Тошқора бува замонларидан қолган, дейишади.

— Э-ҳа-а.

— Бўяб-суваб қўйсанг, иморат дегани тураберар экан. Озодбек бориб, даҳлиз эшигига қўл узатаётганини кўриб, Жаббор бир сакраб олдинга ўтмоқчи бўлди:

— Бу буванинг хос уйлари, ҳозир у киши йўқлар.

Озодбек ўзини эшитмаганга солди, пастак остонадан ҳатлаб, даҳлизга ўтди. Оёқ остига, ўнг ва чап хоналарнинг эшиклари орасига қалин-қалин пишиқ гишт терилган. Рўпарада икки гишт баландлигида — супача. Жавзо кириб, кунлар аллақачон исиб кетганига қарамасдан, сандал ҳамон йиғиштириб қўйилмагани Озодбекни таажжублантирди. Буни сезиб, Жаббор изоҳ берди:

— Ҳожи отанинг оёқ-беллари оғриб туради. Шу сабаб сандалда ёзин-қишин олов бўлади, иссиқ сақланади. Ҳозир ҳам чўғ бор. Ҳар куни катта ўчоқда ўрик ўтин ёқилади, сандалга икки ҳокандоз чўғ солинади.

Бу сергаплик Озодбекни яна ҳам огоҳ торттирди. У бетакалуфлик билан сандал устидаги қизил шолчанинг бир четини кўтарган эди, ҳарорат юзига гуп этиб урилди.

Шу пайт ҳовлида дастёр боланинг овози эшитилди. Жабборни ташқарига чақириб қолишди. Пардани бир оз суриб, дераза орқали у ҳовлини кесиб ўтиб дарвоза томон бораётганини кузатиб турган Озодбекнинг диққатини бир нарса ўзига тортди. У кўзларига ишонмасдан уни қайта-қайта назардан ўтказди.

Узун ром ойнасининг юқори қисмига мошдеккина қора бир нарса ёпиштирилган, унга туташ соч қилидек бир сим ром кесакиси орасидан ўтказиб қўйилган. Озодбек дафъатан ромни очиб кўрмоқчи бўлди, лекин дарҳол бу фикридан қайтди. Пардани кенгроқ очиб, паст томондан ром кесакисини кўздан кечира бошлади. Ҳалиги сим шундайгина ром бурчагида нўхатдек юмалоқ бир нарсага бориб туташган. Ундан жимжилоқнинг бир бўғини узунлигидаги сим чиқиб турарди.

Озодбек юраги тез-тез ура бошлаганини ҳис қилди. Курси устида турган чойнакни қўлига олиб, муздек чойни симириб-симириб ичди.

Ёши ўттизга бориб қолаётган бўлса ҳам Озодбек кўпчилик тенгдошларига хос хаёлпарастликдан ҳамон холи бўлолмасди. У олий милиция мактабини тугатиб, Қўшқўрғонда хизматини бошлаган йили Тошкентга борганида вокзал майдонида бир гуржи йигит рўпара келиб қолди.

— Дўстим, дурбин олмайсанми? — сўради у рус лаҳжасини бузиб, дўрилаган овоз билан.

— Қани, кўрсат-чи?

Гуржи майдон четида мунғайиб турган газета киос-
каси ортига ўтди, плашининг чўнтагидан чарм ғилоф
чиқарди. Бежирим дурбинни кўрдию Озодбек ёш бола-
лардай эс-хушидан айрилди. Уни кўзига олиб бориб,
перронда тизилишиб турган вагонларни кўздан кечириб
чиқди. Хуллас, шу-шу у ҳамиша дурбиндан ажрал-
майди, уни ҳеч кимга ишонмайди, доим ёнида олиб
юради.

...Ташқарида Жабборнинг қадам товуши эшитилга-
нида у ён эшикни очиб, катта, кенг хонани кўздан
кечираётган эди.

— Бўлди, чиқдик, — деди у Жаббор даҳлизга киргач.

— Айтдимку, бек йигит, Фотима она билан чиқиб
кетгач, мухбирнинг қорасини ҳам кўрмадик деб.

— Ҳай майли, бу энди катталарнинг бир топши-
риғи-да, ака, — деди Озодбек дарвозадан чиқаётиб. —
Узримизни айтиб қўйинг, бой ота хафа бўлмасинлар.

Гузар майдонидан шошилинч ўтиб келаётган Озод-
бекка кўзи тушиб, Фотима она илдам ташқарига чиқ-
ди. Улар саломлашиб, ҳовлидаги шийпончага ўтишди.

— Бирор дарак топдингми?

— Ҳозирча йўқ. Қўшқўрғонда нима гап?

— Сен навбатчига айтганларингдан бошқа деярли
ҳеч гап йўқ. Аммо Курбонов хонасида ўтирганимда
Тошкентдан Ҳакималининг бошлиғи қўнғироқ қилиб
қолди, чамаси уни суриштирди.

— У ёқда ҳам ташвишга тушиб қолишипти-да.

— Назаримда, шундай.

Орага жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёллари билан
бўлиб ўтирарди. Сукунатни Озодбек бузди.

— Сиз, амма, ўз ишларингизни қилаверинг. Бугун,
унутмаган бўлсам, мактаб ўқувчилари билан учраш-
моқчи эдик, шундайми?

— Ҳа, Қутбихон икки марта қўнғироқ қилди.
ЗАГСдан Шаҳобиддинова келиши керак. Сени ҳам
кутиб тургандим.

— Мен учрашувга бора олмайман. Бир муҳим иш
бор.

— Ҳакималининг йўқолиши билан боғлиқми?

— Ҳозирча билмадим. Аммо боғлиқ ҳам бўлиши
мумкин.

— Унда хизматингдан қолма. Учрашувни ўзимиз
ўтказаверамиз.

Милиция таянч пунктида маҳалла посбони Тоҳир Равшановни кўриб, Озодбекнинг кўнгли ёришиб кетди. Икки йил бурун қишлоқ мактабига жисмоний тарбия ва ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиси бўлиб келган бу йигит дастлабки учрашишганидаёқ милиция лейтенантига ёқиб қолган, шу-шу улар қалин дўст эдилар. Таянч пункти барпо этилгач, Тоҳир унинг ҳузурида иш бошлаган «Ёш куч» ҳарбий-спорт тўгараги машғулотларини ҳам олиб бора бошлади.

Тоҳир ота-онасиз ўсган, меҳрибонлик уйида тарбияланиб, коллежни битиргач, ҳарбий хизматга олинганди. У самбо ва белбоғли кураш билан шуғулланар, ишга келган дастлабки ойлардаёқ мактабда тўғарак тузиб, йигирма чоғли болалар билан машғулот ўтказа бошлаганди. Дастлабки пайтлардан Қоракарим фермер бу машғулотларнинг бориши билан қизиқиб, мактабга танда қўйиб қолди. Ярим йилдан кейин тўғарак қатнашчиларидан тўрт бола туман, тўққизинчи синф ўқувчиси Акмалжон вилоят биринчилигида голиб чиқишганида, Қоракарим фермер қишлоқда катта спорт байрами уюштириб берди, тўғарак қатнашчиларига бош-оёқ спорт формалари совға қилди.

Мактаб Қоракаримнинг маблағи билан қайта таъмирланаётганда асосий бинога туташтириб, спорт зали, чоғроқ чўмилиш ҳавзаси ҳам қурилди.

Аммо Тоҳир биринчи учрашувдаёқ фермерни ёқтирмади, ҳамиша ўзини ундан узоқроқ олиб юришга уринади.

— Нега бундай қиласан, Тоҳир? — сўради бир куни спорт залида кечки машғулотдан кейин Озодбек ундан.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, спорт зали бўм-бўш эди. Шундай бўлса ҳам Тоҳир у ёқ-бу ёққа қараб қўйида, оҳиста:

— Биласанми, лейтенант, шу одамни кўрдим дегунча куракларим ости музлаб, ҳатто қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб тутилаверади.

— Нега, ахир?

— Болалигимда Тошкент буюм бозорида қаттиқ калтак еганман. Бўлсанг, қорнимиз нонга тўймасди,

гоҳида дарсни ташлаб, бозор айланиб кетардик. Бир куни афт-башараси қоп-қора бир киши ушлаб олди. Калтак еябману, ё тавба, одам ҳам шунчалик мўнди бўладими деб ўйлайман. Ураётиб, у кишининг кўзлари қаҳрли чақнаб кетгани ҳеч-ҳеч эсимдан чиқмайди.

Кейинчалик дўстлар бу хусусда бошқа гаплашишмади. Бироқ ҳозир Тоҳирга кўзи тушиб, Озодбек ўша суҳбатни хаёлига келтирди.

— Яхши, ўзинг шу ерда экансан,— деди у Тоҳир билан сўрашиб бўлгач.

— Беговта кўринадан, лейтенант, ўзи нима гап?

Озодбек сўнгги воқеалардан гап очди.

— Энг асосийси бу ҳам эмасга ўхшайди, — деди у ва Қоракарим фермер хонадониди, эски уй даҳлизида кўрган-кузатганларини гапириб берди.

— Наҳотки, Яккатутда...

Озодбек уни гапиргани қўймади.

— Ҳозир муҳокама-мушоҳаданинг пайти эмас, — деди у дўстининг сўзларини бўлиб. — Ҳаракат қилишимиз керак.

Шундай деди-да, у ўз режасини тушунтирди. Бурчакдаги сейфни очди, ундан автоматни олиб, ўқдонини жойига ўрнатди.

Улар сойга тушиб, оқим бўйлаб бир километрча боришди, тошдан тошга сакраб, сувдан ўтишди. Арчазор оралаб юқорилашди. Чамаси, бир соатларда Қизқояни айланиб ўтиб, овлоқдаги таниш хонадон рўпарасидан — Дўнгтепаннинг устидан чиқишди.

2

— Энди буёғига тик боролмаймиз, — Озодбек Тоҳирга қараб, кулимсираб қўйди. — Аскарлик пайтларини эслашингга тўғри келади. — Кейин ҳазил-мутуйба оҳангида сўради. — Ҳа, дарвоқе, сен пиёда қўшинларда эмас, вертолётчилар қисмида хизмат қилгансан-ку, а?

— Янглишмадинг, лейтенант.

— Бўлмаса, қорин билан судралиш нима эканлигини ана энди кўрасан.

Улар тизза бўйи ўтлар орасида судралишганича ярим соатлар чамаси пастлаб боришди. Ҳозир вақт тигизлигини билса ҳам Озодбек орқароқда ҳансираб, ўтлар орасида бўғилиб қолган дўстига раҳми келди. Бир арча соясида тўхтади. У ён-буёнга думалаб, ўтларни ётқизиб

текислади-да, Тоҳирни кутди. У терлаб-пишиб кетганини кўриб, кулиб қўйди:

— Бу сенга юмшоқ тўшама устида кураш тушиш эмас.

— Кураш тушсанг билардинг, — деди Тоҳир жаҳл қилган бўлиб.

— Майли-майли, — деди Озодбек кителининг ички ёнбошидан ғилофни чиқараётиб.

У дурбинни қўлига олиб, ўтлар орасидан пастликдаги дарахтзорни кузата бошлади. Хийла вақт ўтгач, чалқанча тушганича осмонни кузатиб ётган Тоҳирни имлади. Бу эҳтиёткорлик унинг кулгисини қистатди. Лекин дўстининг чеҳрасидаги жиддиятни кўриб, ўзини тийди, дурбинни қўлига олиб, тик ўтлар орасидан Озодбек ишора қилган томонга тўғрилади. Шундай қўл узатса ушлагудек масофада, кўзи олдидан яккам-дуккам арчалар ўта бошлади. Озодбек ўнг қўлини узатиб, Тоҳирни гарданидан босди. Энди анча пастликда арчалар қалинлашиб, баланд-баланд дарахтлар кўринди. Шу пайт кўз олдида этюд чизаётган барваста бир йигит пайдо бўлди.

У соқол қўйиб олган, лекин тирсиллаб турган елкалари жисмонан бақувват эканлигини тасдиқлаб турарди. Ана, у мўйқаламни жойига қўйиб, чўккалаб ўтириб олди, ўнг қўли билан нимадир қила бошлади. Кутилмаганда орқасига ўгирилди, шунда кўзлари Тоҳирнинг кўзлари билан тўқнашгандек бўлди, у шошилиб, дурбинни Озодбекка узатди.

Милиция лейтенанти дурбинни олиб, сайҳонликка тўғрилаганида, «рассом» пастроқдаги арчазор орқасига ўтиб кетди.

— Масофа беш юз метрча бор, — деди Озодбек дурбинни ёнига қўйиб, орқасига ётиб олгач. — Гап бундай: уч юз метрча пастдаги катта арчани кўрдинг. Қалин шохлари ер бағирлаб ўсган. Бориб, шу шохлар панасида кузатишни давом эттирамин.

3

Қуёш тикка келди. Кун исиб, намиққан ўт ҳиди билан тўйинган ҳаво нафасни бўға бошлади. Айниқса, бундай пайтда қалин барг ёзган арча шохлари остида ётиш оғир эди. •

Озодбек қилт этмас, пастки сайхонликдан кўз узмай ётарди. Бир соатча кузатишдан сўнг расм чизиш шунчаки бир баҳона эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Демак, дастлабки хулосам тўғри, ўйлади у, Қоракарим отанинг хонадонини кузатишяпти. Лекин нима учун? Бу йигит ким? Бу кузатишдан мақсад нима?

Озодбекнинг миясида шу сингари саволлар ғужғон ўйнар, бироқ уларнинг биронтасига ҳам жўяли жавоб тополмасди.

Ниҳоят, «рассом»нинг хатти-ҳаракати, унинг сайл қилиш йўлини обдон кузатган Озодбек узил-кесил бир хулосага келди.

— Кўрдингми, — деди у чалқанча ётганича Тоҳирга шивирлаб, — у ҳар ярим соатда сайхонликни айланиб, оёқ чигилини ёзади. Ҳамиша бир йўлдан ўтади. Бироқ автоматни ҳеч қачон қўлидан қўймайди. Ҳар сафар сайл чоғи эллик метрча пастдаги арчани айланиб ўтиб, яна сайхонликка қайтади. Уни худди шу пайтда қўлга оламиз. Сен ўша арча ортида уни кутиб оласан, мен бу орада қандай расмлар чизаётганини кўриб чиқаман. Автоматни сен ол.

— Ҳўп, лейтенант.

Тоҳир қўлини узатиб, дўстининг ёнбошида ётган автоматни олди. Тасмасини билагидан ўтказиб, қалин ўт орасида судралганича кўринмай кетди. Чорак соатлардан сўнг Озодбек ҳам дурбинни ғилофига жойлади, тасмасини бўйнидан ўтказиб, кейин чап қўлтиғи остида, костюм ичида осиглиқ тўппончани ғилофдан чиқариб олди-да, сақлагични кўздан кечириб, тирсакларига суянганича пастга қараб судралиб туша бошлади. Назарида у «рассом» ишлаётган сайхонга етиб борганида Тоҳир ҳам пастдаги арча ортида бўлиши керак эди.

Манзилдан ўн-ўн беш метр юқорида Озодбек тўхтаб, ўтлар орасидан мўралади. «Рассом» одати бўйича пастки арча томон бораётганини кўриб, тез-тез судралганича, у доимий жойлашган ерга яқинлаша бошлади.

Шу пайтда пастки арча ортида Тоҳир «рассом»ни ерга энкайтириб, қўлларини ортига боғлаётган эди.

Этюд мосламасининг оёқлари ўртасида қалин пластмасса қутида турган аппаратга кўзи тушиши билан Озодбек гумонлари тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилди. У чўккалаб ўтириб, магнитофон тугмачаларидан

бирини босди. Тасма орқа томонга бир оз ўралгач, кетма-кет бошқа тугмачаларни босди.

Олдиниға ҳеч қандай товуш эшитилмади. Бу орада пастки арча ортидан қўллари боғланган «рассом» чиқиб келди, магнитофон ёнида чўнқайиб ўтирган милиция лейтенантига кўзи тушиб, бақриб юборди. Ортда келаётган Тоҳир уни ерга ётқизиб, елкасидан босиб олди.

Бу орада магнитофонда одамларнинг овози эшитила бошлади, Озодбек мурватлардан бирини бураган эди, товуш тиниқлашди: «Жаббор, бу шунчаки одам ўғирлаш эмас». «Тушундим, хўжайин», «Ёнингга Тешани ол. Эски «Москвич» бор эди, Ингичка дарадаги жиянга бериб юборгандим. Тузатиб-созлаб, миниб юрипти. Бугун кечаси ҳовлига олиб келишади».

Тасма унсиз шигиллаб ўта бошлади. Озодбек тоқат билан кутди. Хийла муддатдан кейин яна ҳалиги таниш овозлар эшитилди: «Айтганингиз бўлди, хўжайин». «Буни хабар қилдинг. Бошқа нима гап бор». «Маҳсум арзномани олиб, Тошкентга кетди».

Яна тасма унсиз шипиллаб ўта бошлади. «Бўлди, чиқдик...» Ўзининг овозини эшитиб, Озодбек ўрнидан туриб кетди. Ерда узала тушиб ётган «рассом»га кўзи тушиб, бир муддат унсиз туриб қолди. Лекин соқол-мўйлабини бетартиб ўстириб, сочларини гарданига тушириб олган бу йигитни қаерда кўрганини эслашга қанчалик уринмасин, хотирасига келтира олмади. Тўппончани қўлтиғига осиглиқ филофга жойлаб, ҳамон майсалар устида чўзилиб ётган «рассом»га яқинлашиб борди.

— Озодбек, ўзингмисан?

Милиция лейтенанти пайти келса ҳар қандай хистуйғуларни ҳам жиловлай оларди. Табиийки, у бу ҳайратли саволга ҳам эътибор бермади, Тоҳир икки автоматни елкасига осганича «рассом»нинг ёнбошида дўстидан кўз узмай турарди.

Озодбек аста бориб, «рассом»нинг кўзларига тикилди, бир фурсат уни синчиклаб кузатди, кейин эшитилар-эшитилмас:

— Тоҳир, унинг қўлларини еч, — деди-да, магнитофон томон илдам юриб кетди. Орқама-орқа етиб келган соқолли йигит аввал унинг елкаси оша энгашиб, бир четдаги тугмачани босиб қўйди-да:

— Кел, дўстим, кўришайлик, — деди кучоқларини ёзиб.

4

— Шундай қилиб, бу хонадон гиёҳванд моддалар ташилувчи халқаро йўлнинг муҳим бир манзилгоҳига айланган, — деди махсус тезкор гуруҳ аъзоси Баҳром Хидиров ҳикоясига яқун ясаб. — Буларни айтишимдан мақсад билиб-билмай бир-биримизга халақит бериб қўймайлик.

Хидиров қўл телефонини олиб, рақамларни терди.

— Эшитаман, лейтенант.

— Ўртоқ полковник, фавқулодда ҳолат юз берди.

— Хўш?

Хидиров икки оғиз гап билан воқеани тушунтирди. Телефон бир муддат жим бўлиб қолди. Чамаси, полковник ўйлаётган эди.

Ниҳоят:

— Хидиров, милиция лейтенанти ёнингиздами? — деб сўради.

Тасдиқ овозини эшитгач, буюрди:

— Телефонни унга беринг.

— Эшитаман, ўртоқ полковник, — деди Озодбек телефонни қулоғига тутиб.

— Гап бундай, лейтенант, — полковник ҳар бир сўзини тўхтаб-тўхтаб, таъкидлаб гапирди. — Бугун-эрта Яккатутда муҳим операция бошланади. Сиз қишлоққа кириб-чиқувчиларни кузатиб турсангиз, катта ёрдам кўрсатган бўлар эдингиз.

— Тушундим, — деди Озодбек ва шошилганича сўради. — Бироқ мухбирнинг ҳаёти хавф остида-ку?

— Унга ҳеч нарса бўлмайди, ҳозир уларнинг бошқа ташвишлари етарли.

Полковник гап тамом дегандек, қўл телефонини ўчирди.

Озодбек аппаратни Хидировга узатиб, оёқларини чўзганича узала тушиб ётиб олди.

— Олий курсдаги машғулотларни унутмабсан, хурсандман, — деди Хидиров унинг ёнига ёнбошлаб.

— Эҳ-ҳе, унутиб бўлармиди, — Озодбек Тоҳирга ўтир ишорасини қилиб, чап қўлини ҳолсиз кўтариб ташлади. Ҳамон баъзи ҳолатларни тушуниб-тушунмай,

анқайиб турган Тоҳир ҳам ёнбошлаб ётиб олди. Орага тушган жимликни магнитафондан эшитила бошлаган овозлар бузди:

— «Жаббор, машиналар тайёirmi?»

Бу Қоракаримнинг овози эди.

— «Ҳа, хўжайин. Иккала машинани тўлиқ кўриб, созлаб қўйдик. Захира бак ҳам тўла».

— «Яхши. У ҳолда гилосларни юклайверинглар».

— «Хўп бўлади, хўжайин».

Бир оздан кейин яна шу овоз эшитилди:

— «Мухбирни нима қиламиз, хўжайин?»

— «Ўлмайди, сен режадаги ишдан қолма».

Озодбек Хидировга ялт этиб қаради. У, айтдим-ку дегандек, ўнг қошини хиёл учириб қўйди.

Тўққизинчи боб

1

Дафъатан Ҳакимали қаерда ётганини билолмади. Бу зимистонда кўз оғриғи учун милт этган шуъла топилмасди. У тамшаниб, қотиб қолган тилини айлантормоқчи эди, лаблари тиришиб, оғзини очолмади. Гардани аралаш бошида қаттиқ оғриқ туриб, яна ҳушидан кетди.

Шу алфозда, гоҳ ўзига келиб, гоҳ ҳушдан кетиб, узоқ ётди. Бир пайт кимдир бошига оёқ қўйиб, эзаетгандек туюлди. Оғриқдан инграб юборди, лекин овоз чиқара олмай, нафаси бўғилиб, яна ҳушидан кетди.

У ўзига келса, оёқ-қўллари ечилган. Тили шишиб, қотиб қолипти. Лаблари пўрсиллаб ёрилгандек ачишарди. Аранг ўнг қўлини кўтариб, юзини сийпалади. Бурун учи, икки юзи, пешонаси ачишиб, қаттиқ оғриқ турди. Шу алам уни узил-кесил ўзига келтирди.

Ҳакимали оёқларини йиғиб, узоқ ётди, лекин ҳамон қаерда эканлигини, бу қоронғиликка қандай тушиб қолганини эслай олмади. Худди бир нарсани яхшироқ кўрмоқчидек кўзларини бир неча бор очиб-юмди.

Бир пайт бели зах тортиб, оғрий бошлади. Кураклари орасида зирқироқ турди. У қаддини тиклаб ўтирмоқчи бўлди, лекин белидаги оғриқ кучайиб, яна чўзилиб ётиб қолди.

Ухладими, яна ҳушидан кетдими, аллавақтдан кейин қўлларига тиралиб бошини кўтарганида, бунинг фарқига боролмади. Ҳозир унга бунинг қизиғи ҳам йўқ эди. Бир амаллаб ўрнимдан турсам, чироқни ёқсам бўлди, деб ўйларди у. «Чироқ? Қанақа чироқ? Ёққич қаерда?»

У бир амаллаб ўрнидан қўзғалди. Тураётиб, бошини қиррали қаттиқ бир нарсага уриб олди, аъзои-бадани зирқираб, кўз олдида лоп этиб бир чақмоқ чақнадию, гурсиллаб йиқилди.

У ўзига келганида оёқларини узатганича қаттиқ бир нарсага суяниб ўтирарди. Елкалари сиқилиб, увишиб қолганди. У ўнг қўлини кўтариб, сомон сувоқли деворни пайпаслади, чап қўли билан ҳам шундай қилди. Ертўлами, қоронғи йўлакми, бир бурчакка сиқилиб ўтирганини англади. Ҳушсиз ҳолатда судралиб келиб шундай ўтириб қолган бўлсам керак, деб хаёлидан ўтказди. Бу фикр аллақандай куч бағишлади, оғир қўзғалиб, ўрнидан турди. Аммо қоронғиликка қадам ташласа, яна йиқилиб тушишидан чўчиб, икки елкаси билан бурчакда сиқилганча узоқ фурсат туриб қолди.

Бора-бора шуур тиниқлашди, ҳаракат қилиш, ўзи қаердалигини аниқлаш фикри хаёлига келганидан кўнгли ёришгандек бўлди. Икки қўлини кўтариб, кўкраklarини, биқинларини силади. Костюмини пайпаслаётганида қаттиқ бир нарсага қўли тегди. Бармоқлари ички чўнтагидаги хизмат гувоҳномасининг силлиқ муқоваларини сийпалаб ўтганида у беихтиёр кулимсиради. Шу аснода юз этлари тиришиб, оғриқ турди. Билдики, юзлари шилинган, тупроқ аралаш қотиб қолган эти ёрилиб, ачишаяпти.

У ҳозир бунга эътибор бермади, хаёлини айна шу пайтда қаердалигини аниқлаш фикри эгаллаб олганди. Аввалига икки қўли билан деворга суяниб, секин-секин чап томонга юрди. У қоронғида қоқилибми, қўли девордан узилибми, яна йиқилиб тушишдан, баногоҳ бирор нарсага урилиб, ҳушдан кетишидан чўчирди. Гўё қаердалигини идрок этса, бу зулматдан кутулиб чиқиб кета оладигандек туюларди.

У деворни пайпаслаб, хонани айланиб чиққунича қанча вақт кетганини билолмади. Икки-уч марта деворга суянганича узоқ-узоқ турди, ҳатто бир марта,

қайси бурчакдалиги эсида йўқ, ҳолдан тойиб, ерга ўтириб қолди.

— Ертўла, — энди Ҳакимали ўзи қандайдир бир ертўлага қамаб қўйилганини, бу зимистондан ёруғликка чиқиб олиш мушкуллигини англаб етганди, — хийла катта экан. — Чарчоқ, чанқоқлик устун келиб, оёқ-қўллари беҳол узатганича, чалқанча тушиб ётиб олди.

2

У алаҳсирарди. Гоҳ Фотима она кенг боғнинг нариги чеккасида бошини сарак-сарак қилиб тикилиб турар, гоҳ Шодмон Ражабович рўпарасида киприк қоқмай тикилиб қоларди. Бир пайт қоп-қоронғи бир жойда ётганмиш, бадбашара бир одам кимгадир «Чироқни ёқ, ёқсанг-чи», дермиш. Кўзга кўринмаётган одам товуш берармиш: «Ёққични топа олмаяпман, хўжайин». Ҳалиги одам сўкинармиш. Ниҳоят, чирқ этган товуш эшитилиб, хона чароғон бўлиб ёришиб кетипти. Чироқ ёқувчи ўзини машина суянчиғига тортиб боғлаган йигит эмиш, у қалин-қалин тахтадан ясалган зина ёнбошида турганмиш. Оёқ-қўллари ечмайлик, дермиш. Кекса одам еч-чи, еч, деб буюрармиш. Бу ердан, ҳатто Ҳошим шўро ҳам чиқиб кетолмаган, ана девор қавағида суяклари чириб ётипти, дермиш ўнг қўлини силтаб.

Ҳакимали яна зулмат қаърига шўнғиб кетди. У энгил-енгил учармиш, гоҳида қўллари чўзиб силталаса, юксак-юксакларга кўтарилиб кетармиш, осмон қаёқда, ер қаёқда, билолмасмиш. Гоҳида оёқ-қўллари қимирлата олмасмиш, шунда бамисоли ҳарсанг тошдек, боши билан тубсиз қудуққа шўнғиб-тушиб кетармиш.

Бора-бора у ўзини ўнглаб олипти, оёқлари билан қудуқ деворларига тиралиб, қўллари билан у ер-бу ерда бўртиб-осилиб ётган дарахт илдизларига осилиб, юқори кўтарила бошлапти. Гоҳ ўнг, гоҳ чап оёғини бир қарич, икки қарич кўтариб, юқорилаб боргани сари тепаси тиниқлашиб, ёришиб борармиш. Ниҳоят, оёқларини қаттиқ бир нарсага тираб, куч билан силтанган экан, қудуқ лабига отилиб чиқиб қолганмиш.

Ҳакимали аста кўзини очди. У чалқанча тушиб ётар, деворга тиралиб қолган ўнг оёғи қотиб қолган, тиззасидан чўрт узилиб кетгудек зириллаб оғирди. У қанча-

лик ҳаракат қилмасин, оёғини девордан кўтариб ололмади. Ниҳоят, хаёлига бир фикр келди, тирсаклари билан ерга тиралиб, бош томонига сурилди. Шунда ўнг оёғи тап этиб тушди.

Шу зайлда, қимирлашга, ҳаракат қилишга мадори келмай, у узоқ ётиб қолди. Лекин энди фикри-хаёли томомила ўзига келганди. У бугун эрталабки (шундаймикин?) воқеаларни бир-бир эслади.

Машинада уни қирма-қир, сойма-сой қанча айлан-тириб юришганини, ниҳоят Қоракарим фермер хонадонига олиб келишганини эслади. Зинадан олиб тушишаётганида ташлаб юборишди, боши зина қиррасига зарб билан урилди.

3

У уйғонганида танасида ҳеч қандай оғриқ сезмай таажжубланди. Бошини кўтариб, ёнини пайпаслаган эди, қўли тахта зинанинг энликкина устунига тегди, гавдасини кўтариб, унга суяниб ўтирди.

Энди у хийла ўзига келганди. Хиёл ўтгач, гарчи гардани, ўнг бўксасида оғриқ безовта қила бошлаган бўлса ҳам ерга тиралиб, чап қўли билан зина устунига суяниб, ўрнидан туриб олди. Беихтиёр ниманидир топмоқчи бўлиб, зинанинг энли тахталарини пайпаслай бошлади. Чироқни топиш керак, ўйлади у қоронғида тахталарни бирма-бир тимирскиларкан. У қўли етган ҳамма жойни қаричма-қарич текшириб чиқди, лекин ёққични топа олмади. Шу атрофда бўлиши керак, ахир, ўйларди у зина устунларини пайпаслаганича. Бир пайт, алам билан чап қўлини силтади. Шунда бармоқ учлари деворга урилди. Ҳа-я, девор шундайгина зина ортида экан-ку, деб ўйлади-да, устунни қўйиб, деворни пайпаслади. Одам бўйи баландликкача тўрт деворни қайта-қайта текшириб чиқди. Яна зинани пайпаслаб чиқди. Ёққични топа олмасдан, ҳафсаласи пир бўлиб, зина ортида ҳолсизликдан деворга суянганича ўтириб қолди.

Кўзи илиндими, ёки чанқоқлик ва очликдан ҳолсизланиб ҳушидан кетдими, қанча фурсат шу алфозда ўтирди — билмайди. У яна ўзига келганида бели зирқираб оғриётганди. Анча фурсат шу ҳолатда ўтириб қолипман-да, Ҳакималининг шуурида акс садо бериб ўтган бу фикр вужудини зирқиратиб, ўртаб юборди.

Эҳ, Фотима она шунча йил бедарак кетган эри дардида яшасаю, уни ёнма-ён яшаб, деярли ҳар куни учрашиб, бирга меҳнат қилиб юрувчи, сиртдан қараганда, қўй оғзидан чўп олмаган беозор қўшнилари мана шу ертўлада, унинг қайси бир бурчагидаги кавакка тириклайин кўмиб юборишган бўлса?!

«Кавак? Қандай кавак? Э, хомкалла, девордаги кавак-да!»

Ҳакимали энди бир чеккадан айланиб, деворни қаричма-қарич мушт билан уриб чиқа бошлади: «тап-тап», «тап-тап...».

Зина ортини шу зайлда текшириб чиққунича томомила ҳолдан тойиб, бурчақда ўтириб олди. Деворга суяндию кўзларини юмди, шу жойнинг ўзида чўзилди-қолди. Шууридаги акс садо яна кучайиб, хийла пайтгача кўзи илинмай ётди. Бора-бора чарчоқ устун келиб, қаттиқ ухлаб қолди.

Ҳакимали уйғониб, кўзини очганида, дафъатан ўзини қуршаб олган зулматдан юраги орқасига тортиб кетди. Лекин сўнгги воқеаларни эслаб, дарҳол ўзини қўлга олди, тимирскиланиб, зинанинг ўнг ёнбошидаги деворни текшириб чиқа бошлади. Чамаси, уч соатчалик уриниш натижасиз бўлиб чиқди. Зинага суяниб ўтирганича бир оз дам олган бўлди. Кейин рўпарадаги деворни текширишга киришди. Охири ҳеч нарсага эриша олмайман, деган хаёл билан ўрнидан туришга интилди, шу пайт боши деворда учли бир нарсага тегди, чирқ этган товуш эшитилдию, атроф чарақлаб ёришиб кетди.

Бу ёруғликка Ҳакимали чидаёлмади. Кўзлари қамашиб, ўзини юзтубан ташлади. У елкалари, гардани, ҳатто болдирлари билан ёруғликни ҳис қилиб, бироқ бошини кўтариш, кўзларини очишдан ҳайиқиб, узоқ ётди.

Гарчи ҳозирги аҳволини тушуниб турса ҳам ич-ичидан енгил тортди.

4

«Бас, етар энди!»

Шундай қатъий қарорга келиб, у кўзларини аста-аста очди, ёруғликка ўргангач, ётган жойидан кўзғалди.

Ҳакимали анча толиққан, очлик, чанқоқлик ўзини баралла сездирмоқда эди. Бироқ ирода кучи устун

келди, аста-аста айланиб, ертўлани кўздан кечириб чиқди.

Ҳаммаёқ шипшийдон, ҳеч вақо йўқ. Демак, бу ертўла рўзғорда фойдаланилмаган. Ҳалиги овозлар, гап-сўзлар бирин-сирин хаёлига кела бошлади.

«Хатто Ҳошим шўро чиқиб кетолмаган бу ердан...»

«Ҳошим шўро?... Ҳошим шўро. Ҳошим шўро!»

Ҳакимали унсиз бақириб юборди. Фотима онанинг ҳикояларини эслади. Қоракарим фермер, отаси Тошқора ҳақида эшитганлари бир-бир хаёлидан ўтди.

«...ана, девор қавагида суяклари чириб ётипти».

«...чириб ётипти, ...чириб ётипти».

Қоракарим фермернинг хирилдоқ, ёқимсиз овози олис-олисларда акс садо берарди.

Ҳакимали ҳафсаласи пир бўлиб, деворга суянганича узоқ ўтирди. У шу аснода ҳеч нимани ўйлашни истамасди. Шу кайфиятда ерга чалқанча ётиб, оёқларини деворга тираб, кўзларини ҳолсизгина юмди. У узоқ қиш тунлари ёзиш-чизишдан чарчагач, ҳамиша шундай қиларди. Шунда бел ва елка оғриқлари йўқолиб, икки чеккасида безовта қила бошлаган жимирлашлар сўнар, юрак сиқилиши ёзилиб кетарди.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. У тамомила тинчиб, уйқу элитди.

Тушими-ўнгими, Ҳакимали билмай қолди. Аммо қаттиқ тепиниб уйғонди. Гавдасини кўтаришини биллади, ярим метрча юқорида гиштлар кўчиб кетди. Улар оёқларига урилиб, ерга тапиллаб тушди. Чанг-тўзон кўтарилди.

Ҳакимали гиштлар зарбидан оёқлари, қорнида бошланган оғриқни енгиб, ўрнидан турмоқчи эди, лекин кўзгала олмади. Гишт парчалари, сомонли сувоқ кесаклари уни елкаларигача кўмиб юборганди.

Чанг бир оз босилгач, биринчи кўргани рўпарасидаги деворда очилиб қолган кавак бўлди. Кенглиги ярим метрча келарди. У ўнг қўли билан устидаги гишт ва кесакларни олиб ташлай бошлади. Белигача очилгач, қаддини бир оз тиклаб, оёқлари устини очди, тирсагига тирала-тирала у нарироққа сурилиб, бир парча гишт бўлагига бошини кўйди-да, яна чўзилиб ётиб қолди.

Ҳакимали қандай воқеа юз берганини идрок этишга уринарди. Туш кўрганини аниқ эслади. Эсладию, ҳолсиз

кулимсираб қўйди. У болалар билан мол боқиб юрган кезлари эмиш. Сигир-бузоқларни шолипоёга ҳайдаб юбориб, сой бўйидаги ажриқлар устида кураш-кураш бошлашипти. У рақибини белидан ушлаб, ғоз кўтариб олишга уринармишу ҳеч эплай олмасмиш. Шу пайт рўпарасида бошига оқ шоҳи рўмол ташлаб олган бир аёл пайдо бўлганмиш. У онаси эмиш. «Ўғлим, ўнг оёғингни қаттиқ тира, чап оёғинг билан тепин. Қаттиқ тепин!» — дермиш. У бор кучини йиғиб, онаси айтганидек ҳаракат қилган экан, рақибни ҳаволаниб бориб, ерга қорни билан гупиллаб тушганмиш.

Ниҳоят, Ҳакимали нима бўлганини тушунди. Алам-ли, лекин ҳолсиз бир ҳайқириқ томоғига урилиб, бир селпиниб тушди, елкаларида титроқ турди.

У унсиз, кўзларида ёшсиз йиғларди. Бутун вужуди билан қалқиб-қалқиб йиғларди.

Ҳакимали онасини эслай олмасди. Уни бувиси тарбиялади, ўқитди. Кейинчалик айтишларича, отаси Шимолий Тошкент канали қазилаётганида қаттиқ шамоллаб, онаси эса ҳомиласидан бўшанаётганида вафот этишган экан. Отанг-онанг бир-бирини еру кўкка ишониншмасди, дерди бувиси хира тортган кўзларига ёш олиб.

Рўй берган синоат унга куч бағишладими, ҳарқалай, Ҳакимали кўп ҳаракатсиз ётмади. Ўрнидан енгил кўзғалиб, девордаги кавакка яқинлашди, энгашиб, ичкарига қаради. Бироқ қоронғиликда ҳеч нимани илғай олмади.

Қандайдир бир ички куч уни кавакни текшириб чиқишга ундарди. Барибир ертўлада вақти ўтаяпти-ку? Шу хаёл билан ғиштларга ўнг оёғини тираб, чап тиззасини кавак лабига қўйди, бир силтаниб, ўзини юқорига олди.

Кавак тор эди, у букчайиб, тиззалаб қолди. У қўллари билан тимирскилана-тимирскилана, тиззалаб бир оз илгарилади. Елкаси билан юқорига сурила бошлагач, ҳолдан тойиб, орқага қайтмоққа жазм қилди.

5

Аммо Ҳакимали ертўлага қайтмади. Бир томони — қизиқиш, иккинчи томони — иложсизлик устун чиқди. У гоҳи судралиб, гоҳи тўрт оёқлаб, қоронғилик қаърига кириб бораверди. Ҳолдан тойса, чўзилиб, бир оз

куч йиғди, лекин ҳаракатни бўшаштирмади, ғор ичида, энди бу тоғ ғорларидан бири, балки қуриб қолган ер ости сув йўли эканлигига шубҳа қолмаганди, аста-аста, қадам-бақадам судралиб бораверди.

У вақт ҳисобини аллақачон йўқотиб қўйган, қанча фурсатдан буён шундай судралиб келаётганини билмасди. Бир-икки марта ҳолсиз чўзилган кўйи ухлаб ҳам олди. Кўзлари, вужуди бирмунча тетиклашганига қараб, тахминан икки ёки уч соат ухлаб қолганини идрок этарди, холос.

Ниҳоят, бир пайт ғор хийла ёришиб бораётганлиги сезилди. Тупроқ орасидан бўртиб чиққан тошлар кўзга чалинди, шунда уларни ёнлаб ўта бошлади.

Ҳакимали билдики, у ғор оғзига яқинлашиб бора-япти. Шу фикр унга куч бергандек, энди тўхтамасдан судралиб бораверди. Бир жойда ғор пастлаб бориб, кейин хийла кенгайди. Энди қоронғилик чекиниб, атроф ғира-шира тортганди. У энкайганича, бўртиқ тошларга қўли билан суяниб, аста-аста илгариларди. Майда тошлар устида оёқлари сурилиб кетиб, икки-уч марта йиқилай деди, лекин қўллари билан ёнбошига тиралиб қолди. Тошларга урилиб боши, пешанаси чақа бўлиб кетди, кафтлари ёрилди.

Ниҳоят, олд томон ёришиб ғор оғзида ўсиб ётган дов-дарахтлар кўринганида Ҳакималининг юраги гупиллаб уриб кетди. У ўнг қўли билан кўксини чангаллаганича ўтириб қолди. Кейин катта-кичик чақмоқ тошлар устига узала тушиб ётиб олди.

Узоқ ётди. Унинг қўзғалгиси келмас, юмшоқ тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб, ҳузур қилиб нафас оларди.

6

Дилбар Раҳимовна қабулхонада бошланган ғала-ғовурни эшитдию, бориб эшикни очди. Кеча котибаликка қабул қилинган Иқболхон хона ўртасида туриб олган, чамаси ўн беш ёшлардаги бола: «Мен бош шифокорни кўришим керак», — деб уни айланиб ўтишга ҳаракат қиларди.

Эшик очилганини сезиб, котиба ўзини четга олди:

— Мана бу бола сизни кўрмоқчи экан.

— Кел, ўғлим, нима гапинг бор?

— Дилбар Раҳимовна бўласизми?

- Ҳа, ўзимман.
- Бош шифокормисиз?
- Шундай.

Бу жавобларни эшитиб, бола бир котибага, бир бурчакда ниманидир маслаҳатлашиб турган кишиларга қаради. Ниҳоят:

- Сизда зарур гапим бор, — деди.
- Қани, бу ёққа кирақол бўлмаса.

Бола бош шифокор ортидан келиб, у ўрнига ўтиришини кутиб турди.

- Қани, ўтир, ўғлим.
- Вақтим зиқ, — деди-да, бола ўнг кафтини очиб,ғижимланган бир қоғозни узатди.

Дилбар Раҳимовна қоғозни сидириб текислади.

«Дилбархон, ёрдамингизга муҳтожман. Қолган гапларни хатимни олиб борган Икромжон айтади».

Бош шифокор, дафъатан, ҳеч нимани тушунмади, ҳайрон бўлганича бир Икромжонга, бир қўлидаги икки жумла хатга қарарди. Ниҳоят:

- Буни ким ёзди? — деб сўради.
- Ҳакимали амаки...
- Ҳакимали?!
- Ҳа, Тошкентдан келган мухбир.
- Қаерда у ҳозир?
- Қизқоянинг тагида, Тентаксой кечигининг ёнбошидаги чакалакзорда.
- Аҳволи қандай?
- Ёмон. Тез-тез ҳушидан кетиб қоляпти.
- Йўлни биласанми?
- Ўзим Яккатутда яшайман-ку, билмайманми?

Дилбар Раҳимовна шошилиб қолди, эшикни очиб, котибага «тез ёрдам»дан навбатчи машинани чақиришни буюрди, бир беморни кўриб келишга кетаётганини айтди.

У йўл-йўлакай оқ халатини кийиб, шифохона ҳовлисига тушганида дарвозадан чиқаверишга «тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади.

- Кутида дори-дармон етарлими? — сўради у машинадан тушиб келган ёшгина шифокорга яқинлашиб.
- Ҳамма нарсаси бор.
- Бўлмаса, беморни кўргани ўзим бориб келаман.
- Журналга нима деб ёзайлик?

— Ҳакимов. Юрак хуружи. Яккатут.

Шу пайт бош шифокорнинг кўзлари ҳалиги болани излаб қолди. У йўл бўйида, велосипед рулини тутганича, ҳайрон бўлиб турарди.

— Қани, Икромжон, машинага чиқ, — кейин хиёл энгашиб, рулда ўтирган кексароқ шофёрга мурожаат қилди. — Шу болага қарашворинг.

Велосипедни йиғиштириб қўйилган санитарлар носилкаси устига ётқизиб қўйишди, бола ҳамшира ўриндигини эгаллади.

— Яккатутдан велосипедда келдингми? — деб сўради Дилбар Раҳимовна эшикни ёпаётиб. — Демак, уч-тўрт соатларда етиб келипсан-да?

— Ҳа, опа.

Машина туман марказидан чиқиб, Катта Яккатут магистралига тушиб олгач, бош шифокор ҳайдовчидан сўради:

— Ака, Яккатутнинг этагида, Қизқоя кечувини биласизми?

— Биладан. Яккатутга етмасдан ўнгга бурилиб ҳам бориш мумкин. Бу йўл анча яқин.

— Шундай бўлса, билган йўлингиздан юраверинг. Фақат тезроқ ҳайданг, илтимос.

7

Шом яқинлашиб, яйловдан қайтган сигир-бузоқ, қўй-қўзилар кўчаларни тўлдирган пайт. Озодбек қишлоққа кираверишдаги Хирмонтепа устида туриб, оғир-оғир қадам босиб келаётган подаларни томоша қиларди.

Лейтенант Хидиров билан хайрлашиб, Яккатутга қайтишгач, Тоҳирга гузарда айланиб юришни топширди-да, ўзи Яккатутнинг чекка кўчаларига бир-бир кириб чиқди. Овлақдаги хонадондан ўтиб, боғ кўчаларни оралади.

Қоракарим эшигидаги аллақандай жонланиш унинг эътиборини тортди. Асфальт ётқизилган майдонда йигитлар «Мерседес-Бенц»ларга оғзи қопқоқланган кичик-кичик яшикларни жойлашарди. Юк олиб келган икки-уч машина майдоннинг ҳар ер-ҳар ерида турар, улардан яшикларни туширишарди. Озодбек ортиқча эътиборни тортмаслик учун Бўржардан бедазорнинг этаги билан қайтди. Демак, операция бошланди, ўйларди у Хирмонтепага чиқиб бораётиб.

Марказий кўчада Тоҳирни учратиб, воқеани тушунтирди, хуфтондан кейин ўрикзорда воқеаларни кузатишни буюрди.

— Мен ҳам ўша атрофда бўламан, — деди Озодбек дўстини бағрига босиб.

У ҳеч қачон бундай қилмасди, Тоҳир ҳам алланечук тўлқинланиб, беихтиёр Озодбекни кучоқлаб олди.

— Ҳали ўзинг эшитдинг, — деди Озодбек хайрлашаётиб. — Вазият жиддий тус олиб кетиши мумкин. Огоҳ бўл. Мен ҳам ўша атрофда юраман.

8

Хушсиз Ҳакималини машинага ётқизишганда шом тушиб, Тентаксойнинг бўйларини бир дамда тим қоронғилик қоплади. Унинг аҳволини кўриб, Дилбар Раҳимовнанинг кўзларидан ёш чиқиб кетди, лекин дарҳол ўзини қўлга олди. Қутидаги дориларни бир-бир кўздан кечириб, иккитасини ажратиб олди, уларни обдон аралаштирди, томирини аранг топиб укол қилди. Бир фурсат ўтказиб, юрак уришини текширди. Энди гарчи ҳолсиз бўлса ҳам у бир маромда ура бошлаганди. Ҳакимали тўрт кеча-кундузни аллақерда тутқунликда, оч-наҳор ўтказганини ўйлаб, кейинги кунларда Кўшқўрғонда кўрган-эшитганларини қиёслаб; Дилбар Раҳимовна шошиларди.

— В-в-вертоо....

Бош шифокорнинг бутун вужуди қулоққа айланди. Ҳакимали нима демоқчи эканлигини илғаш учун энгашди. У лабларини очмоқчи, нимадир демоқчи бўлар, лекин ҳолсизликни енга олмаётгани кўриниб турарди. Шу пайт Икромжон:

— Вертолёт учиб келаяпти, — деб қолди.

— Қанақа вертолёт? — сўради Дилбар Раҳимовна.

— У Яккатутга гоҳ-гоҳида учиб келади. Қоракарим амакининг эшиги олдида асфальт майдон бор. Шу жойга қўнади.

Дарҳақиқат, дастлаб тоғ оралиғидан элас-элас эшитилган мотор овози кучайиб келарди. Лекин ҳозир бош шифокорнинг фикри-зикри Ҳакималини қандай қилиб бу дара зимистонлигидан олиб чиқиб кетиш, жилла курса, Нурободдаги касалхонага тезроқ етказишда эди. Жойидан оғир қўзғалаётган машина товушини юқорида учиб ўтаётган вертолётнинг гулдуриси босиб кетди.

Яккатут гузарида Икромжонни машинадан тушириб қолдиришди.

— Раҳмат, ўғлим, — деди Дилбар Раҳимовна, — минг раҳмат.

«Тез ёрдам» катта йўл сари ғизиллаб кетди.

Ўнинчи боб

I

Вертолёт қўниши билан дарвозада Қоракарим кўринди.

— Юкларни тез тушириб-ортинглар, — деди у орқасидан чиқиб келган йигитларга мурожаат қилиб. — Жаббор, сен учувчини ҳовлига олиб кир, катта келинга айт, овқат берсин.

Ниҳоят, вертолётнинг парраклари айланишдан тўхтади. Қоракарим унга яқинлашди. Шу пайт вертолётдан туширилаётган зинанинг қораси кўринди.

— Пўлат, яхши келдингми? — сўради Қоракарим ўзига узатилган қўлни олаётиб.

— Раҳмат, ҳожи ота, — жавоб берди учувчи. — Фақат вақт зиқ, шошилишимиз керак.

— Қанча?

— Беш юз.

— Сен ҳовлига кириб овқатлан.

Жаббор учувчини ичкарига бошлади.

— Болтабой, — деди Қоракарим ёнида пайдо бўлган йигитга мурожаат қилиб, — сен юқорига чиқ. Юкларни узатиб тур.

Гира-шира қоронғида кичик-кичик тўрва қопларни тушириб, икки машинадаги яшиқлар орасига жойлай бошлашди. Уларни ҳовлидан олиб чиқилган махсус ҳидюткичлар билан пухта ўраб-ўраб қўйишларини кузатиб, Қоракарим гоҳ у-гоҳ бу машинага чиқиб тушиб турди.

Жаббор учувчини айвонга ўтказиб, ошхонага кирганида, катта келин биқиллаб қайнаб турган самоварнинг карнайини олиб қўяётганди. У қозондаги шўрвани шопириб кўрди-да, нима гап, дегандек, Жабборга қаради.

— Учувчини овқатлантириш керак.

Бу гапни эшитиб, катта келин шкафдан патнис

олди, майиз, қанд, икки дона нон қўйди. Устини тўрт букланган дастурхон билан ёпди.

Чойнакни чайиб-чайиб чой дамлади, патниснинг бир бурчагига қўйиб, Жабборга узатди.

— Пиёлалар айвонда, шкафда, — деди эшитилар-эшитилмас.

Жаббор чиқиб, ортидан эшик ёпилиши билан катта келиннинг ҳаракатлари чаққонлашди. Шкафдан коса олиб, овқатни шопириб-шопириб сузди-да, кейин бир бурчакдаги нимчаси чўнтагидан мўъжазгина салафан халтача олди. Уни очиб, бир лаҳза хаёл суриб қолди, кейин косага солиб, гулли ёғоч қошиқда обдон аралаштирди, бошқа косага ағдариб, қозон ёнида турган патнисга қўйди. Энди биринчи косани ён томондаги ювилмаган идишлар орасига қўйган эди, эшик очилиб, Жаббор кўринди.

— Сизга ҳам овқат сузайми? — бамайлихотир сўради катта келин.

— Йўқ, аввал юкларни ортиб жўнатайлик, — деди йигит косани кўтариб кетаётиб.

У ошхонадан чиқиши билан катта келин нимчасини олиб кийди, бир лаҳза ўйлаб туриб, икки коса овқат сузди-да, юқоридаги икки қаватли уйга қараб юрди. Биринчи қаватда, айвондаги хонтахтага дастурхон ёзиб, косаларни қўйди. Шу пайт ичкаридан Лазокатой чиқиб келди.

— Тўғри ўйлабсан, — маъқуллади у хонтахта ёнига ўтираётиб. — Йўл олдидан овқатланиб олган маъқул, — кейин кутилмаганда, овози ўзгариб. — Қани ўзинг ҳам ўтир-чи, — деб қўйди.

Шунча йиллардан буён бундай муомалани кўрмаган катта келин ялт этиб қайнонасига қаради.

— Ўтир, ўтирақолсанг-чи.

— Бориб, чой дамлаб келай.

Катта келин чойнак-пиёла, икки дона нон кўтариб кирганида, Лазокатой косани яримлатиб қўйганди. У наридан-бери икки пиёла чой ичиб, ўрнидан қўзгалди:

— Мен отланай, сен овқатланиб, юмушларингга бо-равер, — деди қайнона ичкари уйга ўтаётиб.

Катта келин чойнак-пиёлаларни хонтахтанинг бир чеккасига қўйди, косаларни йиғиштириб, айвондан чиқди.

Юклар вертолётдан туширилиб, машиналарга жойлаштирилгач, Қоракарим уларни яна бир-бир кўздан кечириб чиқди, кейин майдончадан хийла нарида қорайиб турган машинага ишора қилиб, йигитларга қолган гилосларни «Мерседес-Бенц»ларга тез юклашни буюрди. Шофёр бориб, машинани яқинроқ ҳайдаб келди. Бир чеккада ишларнинг боришини кузатиб турган Қоракарим гоҳ-гоҳ яланг тўнининг ич чўнтагидан занжирбанд соатини чиқариб, қараб-қараб кўярди. Охирги яшиклар жойлаштирилгач, Жабборни бир чеккага чиқариб, нималарнидир тушунтирди. Ўзи бориб, машиналар эшигини қулфлади.

— Катта йўлда Мирсоли сизларни кутиб турипти, — деди калитни Жабборга тутқазаётиб. — Уёғига нима қилишни у тушунтиради.

Йигитлар кабиналарга чаққон-чаққон жойлашиб олишди. Тиркамали оғир юк машиналари вағиллаб, теварак-атрофга тутун бурқситганича, кетма-кет йўлга тушди.

Қоракарим дарвоза ёнидаги тахта ўриндиқда турган чойнакни қўлига олди, пиёлани тўлдириб қўйди-да, бир симириб ичиб юборди. Шу пайт дарвозада учувчининг қораси кўринди:

— Учдикми, ҳожи ота?

— Беш дақиқа кутамиз.

Шундай деди-да, Қоракарим ҳовлига кириб кетди, дам ўтмай Лазокатойни бошлаб чиқди. Унинг қўлтиғидаги тугунчани олиб, учувчига узатди.

— Пўлат, ҳожи онангни орқароққа ўтқаз.

— Хўп бўлади.

Учувчи Лазокатойни вертолётга ўтқазиб тушганида майдонга «Жип» кириб келди.

Ундан Қурбонов тушиши билан машина физиллаганича қишлоқ томон жўнади.

Қоракарим у билан кўришиб, вертолёт эшигига яқинлашганида, учувчи ўнг қўли билан баданини силаб турганди.

— Тинчликми, Пўлат?

— Алланечук қизиб кетяпман, — деди учувчи Қурбоновнинг тирсагидан тутиб, юқори кўтарилишга кўмаклашаётиб.

Кетма-кет Қоракарим темир нарвонга оёқ қўйди. У вертолёт салонига кирганида, Лазокатой бир чеккада, чарм ўриндиқда ёпишиб ўтирарди. Қурбонов кираверишда, чап томондаги ўриндиққа жойлашди. Қоракарим аста-аста бориб, учувчи креслосининг орқасига ўтирди.

Пўлат нарвонни тортиб олиб, уни жойига маҳкам ўрнатди, эшикни ёпди. Ўрнига яқинлашаётиб, ўтирганларга бир-бир назар ташлаб чиқди.

— Учдикми, ҳожи ота? — сўради у жойини эгаллаб, тасмаларни маҳкамлагач.

— Учдик, — деди Қоракарим қисқа қилиб.

3

Катта келин косаларни ошхонага қўйиб, шипиллаганича боғ томонга ўтди. У гилос қаторларидан бориб, токзор оралаб кетди. Катта боғнинг этагида, бурчакдаги супага етиб бориб, унга ташлаб қўйилган тақир шолчага ўтирди, оғир-оғир, энтикиб нафас олди.

У юраги сиқилган кезлари бедор айланавериб, бу боғ қоронғилигига кўникиб кетганди. Унинг ҳар қаричини яхши биларди.

Кўр ойдин тунда, боғнинг бир чеккасидаги супада ўтириб, сўнгги кунлардаги воқеаларни бир-бир кўз олдига келтирди. Агар уч кун бурун овқат олиб кирганида қайнотаси билан қайнонасининг гап-сўзлари ногаҳон қулоғига чалиниб қолмаганида, ҳалиги ишга ҳеч қачон журъат қила олмаслигини ўйлади.

Даҳлизга кирганида қайнонасининг таҳликали товуши эшитилди:

— Унда нима қиламиз? Ўғил-қизлар нима бўлади?

— Бу ишларга фақат Маҳмуд билан Мирсоли аралашган. Маҳмуд кеча Ёркентга етиб борганини хабар қилди. Мирсоли машиналарни кузатиб, Оренбургга ўтиб кетади.

— Қизлар-чи, қизлар?!

— Ўзингни бос! — хириллаб шивирлади қайнота, кейин салмоқланиб. — Тадоригингни кўриб қўй, Лазокат, — деди. — Қурбонов ҳам биз билан бирга бўлади. Оиласи аллақачон Туркияда. Бизлар икки кундан кейин кетамиз. У ердаги ҳовли-жой уч йилдан буён ҳангиллаб ётипти.

Улар жим бўлиб қолишгач, катта келин бир оз фурсат ўтказиб, даҳлиз эшигини аста чертиб очди-да, патнис кўтариб кирди. У ўзини ҳар доимгидек тутди, хотиржам, кўзларини кўтармай косаларни дастурхонга олиб қўйди.

— Ош бўлсин, — деди эгилиб таъзим қилганича даҳлизга чиқаётиб.

Шу гап-сўзлар унинг кўзларини очиб юборгандек бўлди. У ўша кеча сандикдан нимчасини олиб, чап чўнтагининг бурчагини пайпаслаб узоқ ўтирди. Бармоқлари авра билан астар орасидаги довуччадек тугунчага ҳар тегиб ўтганида ён-атрофга олазарак бўлиб қараб қўярди.

Қишнинг ўрталарида хийла оғирлашиб қолган Гулбаҳор билан дардлашиб қолишди.

— Опа, ортиқ чидай олмайман, — деди у кўзларига ёш олиб. — Булардан чеккан азобларим етар энди. Ўзимни-ўзим ўлдириб қўяқолай.

Катта келин ҳанг-манг бўлиб қолди.

Базўр:

— Нималар деяпсиз? — дея олди нафаси тикилиб.

— Заҳар ичиб қўяқолай...

— Эс-ҳушингизни йиғинг, овсинжон.

— Тоқатим тоқ бўлди, ортиқ ҳолим қолмади.

Гулбаҳор ёстигининг тагидан салафанга ўроғлиқ бир нарсани қўлига олди.

— Мана, дори ҳам тайёр.

— Буни қаердан олдингиз?! — таҳлика билан сўради катта овсин.

— Мирсоли акам келтириб бердилар.

Катта келиннинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Лекин Гулбаҳорнинг кейинги сўзлари уни яна ўзига келтирди:

— Биласизми, опа, улар барибир мени ўз ҳолимга қўйишмайди, ўлдиришади.

— Нега, ахир? — бир оз энгашиб, шивирлаб сўради у.

— Буларнинг ҳар бир ишидан хабардорман, — Гулбаҳор тин олди, кейин ёстиққа бошини қўяётиб, ҳасратли бир оҳангда қўшиб қўйди. — Булар қорадори савдоси билан шуғулланишади, опа...

Катта келин эс-хуши оғиб, узоқ ўтириб қолди. Бир пайт қараса, Гулбаҳор кўзларини юмганича элас-элас пишиллаб ухляпти. У қимир этишга ҳоли келмай овсинининг бошида узоқ ўтирди. Ҳали Гулбаҳор қўлида ушлаб турган пакетча ёстиқ ёнига тушиб қолипти. Уни олиб, энди чўнтагига солган эди, эшик очилиб, Мирсоли кириб келди. Кеннойисига кўзи тушиши билан унинг авзойи бузилди.

— Бир пиёла чой ичгач, кўзи илиниб қолди, — деди катта келин айбдор бир оҳангда ва чойнак-пиёлани қўлига олиб, ташқарига чиқиб кетди.

Шу-шу бу ҳақда бошқа гап очилмади.

Бирор ҳафтадан кейин катта келин пакетчани нимчасининг учли чокига туташтириб тикиб қўйди.

4

Озодбек девор яқинида, икки туп терак орасида катта келинни узоқ кузатиб турди. Ҳовли томонда юк машиналарининг оғир-оғир гувиллаши эшитилгач, аёлни чўчитиб юбормаслик учун яна бир оз кутди. Ниҳоят, машиналарнинг овози эшитилмай кетди. Ҳовли томонга яна жимлик чўкди.

Ортиқ кутиб бўлмасди. Шунинг учун Озодбек турган жойидан оҳиста:

— Кенойи, кенойи, — деб овоз берди.

Катта келин товушни эшитди, дафъатан аллақандай ҳадик вужудини совуқ титратиб ўтди. У атрофни кузатди, шу пайт яна:

— Қўрқманг, мен Фотима онанинг жияниман, — деган товуш эшитилди.

Терак ёнида бўйдор кўланка пайдо бўлди. У супага яқинлашди, келиб бир чеккага ўтирди.

— Қўрқманг, опа, — деди Озодбек. — Боғда, бедазорда, Бўрижар томонларда бизнинг йигитлар кузатиб туришипти.

Бу гапни эшитиб, катта келин хийла ўзига келди. Улар бирмунча муддат жим ўтиришди. Сукунатни Озодбек бузди:

— Машиналар қишлоқдан чиқиб, катта йўлга тушиб кетди.

— Шунча одам нега тўхтатиб қолмадингиз? — оҳиста сўради катта келин.

— Бунга ҳожат йўқ, — деди Озодбек. — Вертолётга кимлар чиқишини аниқлаш керак.

— Қайнотам билан қайнонам учиб кетишмоқчи, — шундай деб, катта келин оҳиста ўрнидан қўзғалди. — Назаримда ҳоким ҳам учади. Жазолари ўзлари билан.

— Нима демоқчисиз? — тушунмади Озодбек.

Лекин катта келин жавоб бериб улгурмади. Ташқарида вертолёт бир-икки бўғиқ овоз чиқариб, кейин текис гувиллай бошлади. Мотор зўриқиб, қора кўланка юқорилаб борди-да, олислаб кетди. Моторнинг тобора сўниб бораётган гувиллашига қулоқ солиб, улар боғ этагида бирмунча муддат туриб қолишди. Ниҳоят, Озодбек илдам-илдам қадам ташлаб, ҳовли томон юрди. Орқада қолиб кетмасликка ҳаракат қилиб, катта келин унга эргашди.

Ҳовлига ўтишганида хонадон ҳувиллаб ётарди. Катта келин ошхонага кириб кетди. Самовар оташхонасига ўт ёқиб, ўз хонасига ўтди.

Озодбек тўғри бориб, эски уйнинг даҳлизидagi чироқни ёқди. Шу аснода остонада лейтенант Хидиров пайдо бўлди.

— Нима қилмоқчисиз, Озодбек?

— Ҳакимали акани қидириб кўрмоқчиман.

— Шу уйнинг тагида ертўла бўлиши керак. Курсини кўтаринг-чи.

Озодбек сандални очиб, курсини четга олиб қўйди. Энди тунов кунгидек иссиқ юзларини жазиллатиб ўтмади. Сандал тубида кул дўппайиб турарди. Танча четида узун темирга кўзи тушиб, Озодбек уни қўлга олди-да сандал тубини, бурчакларини босиб-босиб кўра бошлади. Тўсатдан унинг бир томони кўчиб, кул тўзони кўтарилди. Икки бўлак тунука тарақлаб пастга тушиб кетди.

Озодбек билан Баҳром ортма-орт тик зинадан тушиб боришди. Пастда, зинанинг орқасида кенглиги бир метрдан ортиқроқ кавак қорайиб турарди. Гишт ва кесак парчаларининг устидан икки ҳатлаб Хидиров деворга яқин борди. Қўл фонари билан кавак ичкарисини кўздан кечира бошлади. Бу орада Озодбек ертўланинг чекка-чеккаларини айланиб чиқди, ерда ётган тўртбурчак юмшоқ говак резинани кўриб, уни қўлга олди-ю, серрайиб қолди.

– Ҳа, Озодбек, олтин топдингизми?

– Буни тунов куни Ҳакимали аканинг қўлида кўрган эдим. Фотима она билан гаплашаётиб, буни эзгилаб турганди.

– Тушунарли...

Шу пайт даҳлизда катта келиннинг ҳаяжонли овози эшитилди:

– Озод, Озодбек?!

Улар шошилишч юқорига чиқиб боришди. Катта келин уларни ҳовлига бошлади. Зинага чиқиши билан Озодбекнинг кўзи дара ичкарасида лопиллаб кўринаётган кучли алангага тушди.

– Назаримда вертолёт Калонтошга урилиб, Сангзорга қулади...Портлаш ҳам бўлди.

Озодбек бу сўзларни эшитиб, катта келинга ялт этиб қаради. У юзини тескари бурди.

Хотима ўрнида

Шодмон Ражабович бош шифокор кузатувида палатадан чиқиб кетиши билан Ҳакимали стол устида қолган газетага қўл узатди. Учинчи саҳифани тўлдириб турган мақолага кўзи тушиб, беихтиёр юраги гупиллаб уриб кетди. Сарлавҳа газетанинг ўрта бетига катта-катта ҳарфлар билан терилганди: «Овлоқдаги хонадон». Унинг тагига қуюқ ёзма ҳарфлар билан «Ёки қандай қилиб чекка бир қишлоқ гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи уюшган халқаро тўданинг муҳим бир манзилгоҳига айланганлиги тўғрисида» деб тагсарлавҳа қўйилганди. Ҳакимали уни ўқиб, енгил тин олди.

Ҳамшира кирди, дераза пардаларини йиғиштириб, ромларни очиб қўйди. Хонада муздек тонг шабадаси айлана бошлади.

2008 йил.

АСАР ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА

Иқтидорли журналист, таниқли публицист Жўра Саъдуллаевнинг бир қатор қисса ва очерklarини мароқ билан ўқиганман. Унда журналистга хос зийраклик, кузатувчанлик, воқеалар ривожини олдиндан пайқаш, ҳар бир феъл-атвор ва муносабатларда аниқ мантиқни кўра олиш, публицистга хос ўз кузатувларини юксак бадиият билан ифодалай олиш, сўз имкониятларидан моҳирона, заргарларга хос фойдалана билиш маҳоратини кўраман. Умуман олганда Жўра Саъдуллаев ўзбек миллий публицистикасида мактаб яратган, ўзига хос ижодий лабораторияга эга бўлган истеъдод соҳибларидан бири ҳисобланади.

Муаллиф сиз ҳозиргина ўқиб ниҳоясига етказган асарини «Овлоқдаги хонадон» деб номлабди. Қисса ана шундай номланишининг ўзи ўқувчи диққатини тортади, уни қандайдир сирли, синоатли, мубҳам бир оламга чорлайди. Нималаргадир қизиқтиради, нималарнидир билишга иштиёқ ҳисларини уйғотади. Айни ана шу ҳолатнинг ўзи ҳар қандай асар номининг — сарлавҳасининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мен ҳам қўлёзмани қўлга олишим биланоқ ана шундай ҳолатга тушдим. Пана-пастқамларда, қайсидир пучмоқларда жойлашган сирли хонадоннинг турмуш тарзидан хабардор бўлиш иштиёқида бўлдим, асарни қизиқиб ўқидим.

Воқеалар ўта ҳаётийлиги, реал воқеликка асосланганлиги билан китобхонни ўзига тортади. У кундалик ҳаётимизда турли шаклларда ва ҳолатларда гувоҳ бўлаётганимиз, аниқроғи, кўз ўнгимизда юз бераётган, бироқ биз пайқамаётган ҳолатлар эди. Воқеалар динамикасидаги ўта самимият, тасвир усулининг халқчил ва равонлиги, зиддиятлар ва қарама-қаршиликларнинг нафақат ёзувчи қалбининг туб-туби, балки тўғридан-тўғри китобхоннинг юрак изтироблари, руҳий кечинмалари орқали ифодаланиши асарнинг бутун жозибасини таъминлайди.

Муаллиф катта ҳаётий тажрибага эга бўлганлиги учунми ёки бундай тўсиқлар, турли шаклдаги уюшган жиноятчиликларга кўп гувоҳ бўлганлигиданми, ҳар ҳолда асар қаҳрамонлари ва персонажларининг феъл-атворини аниқ-равшан тасвирлайди, унинг сувратини сийрати орқали моҳирона ифо-

далайди. Бу ҳолат асарнинг ҳам ўқишлилигини, ҳам жозибадорлигини таъминлайди.

Муаллиф турли касб эгалари, жумладан, ҳуқуқ идоралари вакиллари, тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳаётини анча чуқур ўрганган. Уларнинг кирдикорлари, ўзаро муносабатлари, мўмай пул топиш, осон йўл билан бойлик орттириш йўлида ҳар нарсага тайёрлиги, ҳатто одам ўлдириш ҳам улар учун шунчаки кундалик воқеа эканлиги аниқ руҳий ҳолатларда тасвирланадики, бу муаллифнинг ўзига хос иқтидоридан далолат беради.

Асардаги оптимистик руҳ, адолат тантанаси учун кураш киши қалбидаги умид туйғуларини кучайтиради, яна ҳам завқли эртанги кунга ишончни оширади. Инсон қадр қимматини ҳар нарсадан баланд қўйиш, ҳаётда яхши одамлар кўплигини ва ана шулар туфайлигина кишилик турмуши мазмундор ва фарахли эканлиги каби ғоят инсонпарвар ғояни илгари суради. Бош қаҳрамондаги юксак ирода ва касбий маҳорат оққўнгил ва самимий одамлар кўмагида ўзининг самарасини берадики, бу кўҳна дунёнинг асрлар синовидан ўтган фалсафаси бутунлай янги бадий бўёқларда ўз ифодасини топади.

Қисса етарли даражада бадий усуллардан фойдаланилган, ёзувчининг аниқ мақсади тўла акс этган ҳолда ниҳоясига етган. У нафақат муаллиф ижодидаги янги босқич, балки бой, бетакрор ва салмоқдор адабиётимизга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилишига ишонаман. У ўз ўқувчиларига эга бўлган асарлардан бирига айланиши шубҳасиз.

Нарзулла Жўраев,
профессор.

ЖЎРА САЪДУЛЛАЕВ

**ОВЛОҚДАГИ
ХОНАДОН**

(Детектив қисса)

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2010

Муҳаррир *Қ. Қаямов*
Рассом *У. Холиқов*
Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусахҳиҳлар: *А. Зокиров, Ш. Хуррамова*
Саҳифаловчи *Л. Бацева*

Босишга рухсат этилди 2.07.2010. Бичими 84x108¹/₃₂. «Times Uz»
гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табағи 5,88. Нашриёт-ҳисоб
табағи 5,5. Адади 1000 нусха. Буюртма № 1003. Баҳоси келишилган
нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



ISBN 978-9943-00-566-2



9 789943 005662